R 496
1982:5

# ГУЛИСТОН

5
1982

Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССР байроғига Ленин орденини қадаб қўймоқда.

ЎзТАГ фотохроникаси

Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкент Трактор заводи ишчилари билан учрашувда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Ўзбекистон ССРга Ленин орденн топширилишига бағишланган қўшма тантанали мажлисда нутқ сўзламоқда.


Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 5 (387)
Май
1982

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти


ГБ УзССР
Ж

# ЙИЛНОМАМИЗНИНГ ОЛТИН САҲИФАСИ

Бу йилги Наврўз байрами қутлуғ келди, баҳор шодиёнаси республикамиз ҳаётидаги унутилмас тантаналар билан уланиб кетди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистонга келиши муносабати билан республика меҳнаткашларининг қалби қувонч туйғуларига тўлиб-тошди.

Л. И. Брежневни Тошкент аэропортида кутиб олиш чоғида, Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбари Тошкент Трактор заводига, Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига, Тошкент яқинидаги Ленин номли колхозга борган вақтида ана шу қувончли ҳис-туйғулар алоҳида намоён бўлди.

Партия ва ҳукуматимизнинг, шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг бевосита ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон ССР улуғ Советлар ҳамдўстлиги оиласида қудратли индустрияга, механизмлаштирилган йирик қишлоқ хўжалигига, чинакам халқ социалистик маданиятига эга бўлган республикага айланди. Бу муваффақиятларнинг барчаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлати ленинча миллий сиёсати принципларининг муттасил ва изчил татбиқ этиб келинаётганлиги билан боғлиқдир.

Ўнинчи беш йилликнинг якунларига биноан она-Ватанга пахта, дон, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти, мева, узум, каноп ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш соҳасида эришилган улкан ютуқлари учун Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси олий нишон — учинчи марта Ленин орденига сазовор бўлган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг 24 март куни Тошкентда, В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройида бўлиб ўтган қўшма тантанали мажлиси ана шу юксак мукофотни топширишга бағишланди. Мукофотни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев топширди. Леонид

айтганидек, бу муваффақиятларга Совет Ўзбекистонининг миллион-миллион ишчилари ва колхозчилари қилган саботли, чинакам қаҳрамонона меҳнати туфайли эришилди. Бу муваффақиятларга коммунистларнинг авангардлик роли туфайли, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шараф Рашидович Рашидов бошчилигидаги республика Компартияси Марказий Комитетининг моҳирона раҳбарлиги туфайли эришилди.

Қўшма тантанали мажлис аҳли Л. И. Брежневнинг ёрқин нутқини зўр эътибор билан тинглади. У ўз нутқида Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари эришган муваффақиятларга юксак баҳо берди, республика олдига янги вазифалар қўйди. Бу вазифалар узоқ даврга мўлжалланган жанговар иш программаси бўлиб қолажак.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев қудратли кўп миллатли Совет давлати пойтахтининг ҳар бир совет кишисига азиз образи — «Ватан қалби» картинасини республикамизга туҳфа қилиб топширди.

Тантанали мажлисда ўртоқ Шараф Рашидович Рашидов нутқ сўзлади ва мамлакатимизни коммунизм ғалабаси сари дадил бошлаб бораётган улуғ Ленин партиясига республикамиздаги барча меҳнаткашларнинг ташаккурини билдирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг республикага Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Қунаев, қардош республикалар — Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари М. Е. Могилевец, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари иштирок этдилар.

Леонид Ильич Брежнев тантанали мажлисда ва ўртоқ Ш. Р. Рашидовга Октябрь революцияси ордени топшириш чоғида сўзлаган нутқларида, ишчилар ва колхозчилар билан учрашувлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидаги суҳбатларида республика меҳнаткашларининг экономика ва маданиятни ривожлантиришда, КПСС XXVI съезди қарорларини бажаришда, СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишда янги марраларни забт этишларига ишонч билдирди.

Давримизнинг буюк давлат ва жамоат арбоби, партия ва ҳукуматимиз раҳбари Леонид Ильич Брежневнинг Ўзбекистонга қилган сафари республикамизнинг шонли йилномасида олтин саҳифа бўлиб қолади. Ялпи шод-ҳуррамлик ва чин қалбдан завқланиш байрами, КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасининг, СССР халқлари дўстлиги қудратли ҳаётбахш кучининг тантанаси бўлиб қолади.

Суратда: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шараф Рашидовга Октябрь революцияси орденини топшириш пайти.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкент область, Ленин номли колхоз лимонзорида.

# ТОШКЕНТ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ХОСИЯТИ

**Беш йиллик режалари амалда**

Колхознинг бундан деярли чорак аср муқаддам бўлиб ўтган умумий йиғилишида ҳам, худди ҳозиргидай, хўжаликнинг истиқболи ҳақида сўз кетганди. Лекин у пайтдаги истиқбол тушунчаси билан эндиликда белгиланаётган режалар ўртасидаги фарқни қиёслаб бўлмайди. Эндигина сайланган раиснинг ҳам мавқеи бўлакча эди ўшанда. Ундан аввал қирқ битта раис бу хўжалик ерларига раҳбар бўлиб ўтган. У — қирқ иккинчиси. Одамларнинг онг-тушунчаси ҳам ўзгача: кўпчилик шахсий томорқаларни кенгайтириш ва ундан келадиган даромад манбаини кучайтириш билан овора эди. Зеро, колхознинг ўзи ҳам давлатдан миллионлаб пул қарздор, колхозчи учун белгиланадиган иш куни ҳақи рўзғор юмушлари учун учма-уч зўрға етарди.

Раис кўпроқ тинглаб, кам сўзлашга интилади. Негаки, рўпарасида ўтирган одамларнинг ҳаммаси — кексаю ёш азал-азалдан ана шу замин билан бир тану бир жон бўлиб келган деҳқон авлоди. Тупроқнинг сир-асрори кўпроқ уларга аён. Деҳқончилик борасида асрлар давомида орттирилган тажрибага, ерга ишлов бериш маҳоратига эга одамлар улар. Лекин давр шиддат билан олдинга силжияпти, пайдо бўлаётган янгиликлар барча соҳаларда дадиллик билан жорий этиляпти. Кечаги кун марраси билан кифояланиш энди мумкин эмас. Бунинг учун кишиларда истиқболга ишонч туйғусини кучайтириш лозим, уларни умумхалқ, умумдавлат манфаати нуқтаи назаридан интилишга сафарбар эта билиш керак. Ана шундагина ҳар биримизнинг эҳтиёжимиз мукаммалроқ қондирилади, ўзимиз ҳам шахсан камолотга эриша борамиз.

Бироқ раис бутун вужудини қамраб олган ўй-фикрларини ошкор айтмади. У ҳозир, айни пайтда аниқ, далилланган, шубҳага ўрин қолдирмайдиган бирор сўз айтиши лозим эди. Раис бир муддат жим турди-да, дона-дона қилиб шундай деди:

— Хўжаликни кўтаришимиз керак, ўртоқлар. Ер — бизга омонат мулк эмас, биз ҳам вақтинчалик одамлар эмасмиз бу ерда. Менинг ўзим ана шу колхозда йигирма уч йил давомида механик бўлиб ишладим. Ишонч билдириб мени раис қилиб сайлаган экансизлар, ҳалоллик ва ростгўйлик билан баҳамжиҳат иш юритишга сизларни ҳам даъват этаман. Хўжаликни юритишда пала-партишликка бундан кейин чек қўямиз. Правление аъзолари билан бамаслаҳат режа тузиб шундай қарорга келдик: шу йилнинг ўзида ҳар бир иш кунига 3 кило буғдой ва 20 сўм пул миқдорида ҳақ тўланади...

Бу ўша пайтда раиснинг колхоз аҳли олдида берган энг катта ваъдаси эди. Ўша 1958 йили гектаридан 18 центнердан пахта ҳосили етиштирилди, сарф этилган ҳар бир иш куни учун 3 кило буғдой ва 19 сўм 90 тийиндан ҳақ тўланди. Хўжалик раҳбарининг бир сўзли эканлигига ишонч мустаҳкамланди. Колхоз йилдан-йилга қаддини ростлаб борди. Меҳнатчилар партия кўрсатмалари — энг ишончли компас эканлигини англадилар...

Мана, орадан йигирма тўрт йил ўтди. Бу вақт ичида колхоз экономикасидагина эмас, хўжалик аъзоларининг яшаш тарзида, онгида ҳам ажойиб ўзгаришлар рўй берди. Ерга ишлов беришнинг илғор технологик усуллари жорий этилди, фан-техника тараққиётининг самаралари деҳқоннинг таянчига айланди. Ўша пайтда давлатдан тўрт миллион сўм қарздор бўлган хўжалик ўтган йилнинг ўзида 6 миллион 300 минг сўм даромад олди. Колхозчининг ойлик иш ҳақи 78 сўмни ташкил этганди. Ҳозир эса сувчиларнинг ўзига бир йилда 6—7 минг сўмдан пул тўланди.

...Ўрта Чирчиқ районидаги Йўлдош Охунбобоев номли колхознинг меҳнатчилари йил бошида яна умумий мажлисга йиғилдилар. Шунда хўжалик правлениесининг раиси Миразиз Рўзиматов бундан деярли чорак аср муқаддам илк бор бўлиб ўтган йиғилиш манзарасини кўз олдига келтириб, вужудини қамраган аллақандай роҳатбахш қониқиш туйғусидан бир қўзғалиб қўйди: уларнинг кўпчилиги ўша одамларнинг фарзандлари, набиралари, тенгдошлари ва у устоз деб билган ўзидан улуғ ёшдаги деҳқонлар эса ёшлар орасида савлат тўкиб ўтиришибди. Улар бугун янада юксак истиқбол режаларини белгилашга йиғилганлар. Ҳа, улар 1982 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик учун социалистик мажбурият қабул қилмоқдалар. Ана шу тантанали йиғинга келган одамлар орасида фақат район ва областдагина эмас, балки республика миқёсида хўжаликнинг камоли ва шуҳратини оширган уста миришкорлар бор. Пахтачилик бригадаси бошлиқлари Турғун Эгамбердиев, Худойберган Дадашев, Юсуф Султонов, Шукрулло Мамбетов гектаридан 45 центнерга етказиб ҳосил олдилар. Нурмуҳаммад Холжонов, Мўйдин Парпиев, Рустам Абдураззоқов каби механизаторлар 140—160 тоннадан пахта тердилар. Участка механикларидан Исроил Усмонов, Зулфиқор Рўзиматов, Кўкен Бекеновлар машина ва тракторларнинг юксак суръат билан ишлашини доим таъминлаб турдилар. Хўжалик ўн биринчи беш йиллик планини тўрт йилда бажариш, беш йил мобайнида 23,6 минг тонна, яъни пландан 6,6 минг

Нуздош СУЛАЙМОН

## Сўх дарё

— Сўх дарё,
Шўх дарё,
Яна келдик бўйингга.
Шов-шув этган куйингга,
Дил ташна,
Эй, ошна,
Бундай ўйлаб қарасам,
Сенда кўп экан роса —
Элга наф.
Рост санаб
Саноғингга ким етган?
Икки қирғоғинг кетган —
Боғлару
Тоғлару
Ёшу қари дилини
Элга хизмат йўлини
Топгансан,
Чопгансан
Шунинг учун узоққа,
Буркарсан юртни боққа!
— Гуласал,
Қулоқ сол —
Дарёдан келар садо —
Бирига сабаб одам.
Тизгинлаб,
Зўр талаб,
Юклаб қўйди бўйнимга.
Сертошқин ўйнимга
Чу ташлаб,
У бошлаб,
Олиб борди бўз ерга.
Ахир улар сўз берган
Шўр ювиб,
Чўл қувиб
Юртни бўстон этишга,
Энди улар етишган
Орзуга!
Биз, сувга,
Раҳмат айтишдан олдин
Чақиб кўр бунинг сирин:
Сен учун,
Бор кучин
Тўкканларни унутма!
Ялқовлик йўлин тутмай
Қурашиб
Йўл ошиб,
Обрў топиш ўзингда!
Бўлсин доим измингда
Кўп дарё!
— Хўп, дарё,
Айтганингдай ўсаман.
Тошқинларни тўсаман,
Сўх дарё,
Шўх дарё!

## Оқ дуррали аёл ким?

— Бўйи теракдан ўзган —
Шу кранни юргизган
Оқ дуррали аёл ким,
Биласанми, айт, Ҳаким?
Етиб борар булутга,
Ҳатто ундан ҳам ўтган —
Кранининг хартуми
Мен, Лола, Анвар, Тома
Кузатамиз сакрашиб,
У доим ошиб, тошиб —
Бетону тахта ортиб,
Уни баландга тортиб,
Кранини бошқарар,
Ҳурматлайди ёш-қари.
Қани, ўзинг бир қара,
Бири биридан сара,
Қаватма-қават уйлар
Унинг мадҳини сўйлар.
Оқ дуррали аёл ким,
Танидингми, ҳой, Ҳаким?
— Ўзимнинг аяжоним!
Кўрганда ҳаяжоним —
Сиғмай кетар танамга,
Қойилман-да, онамга!

## Онам қўшиғи

Онам жажжи укамни
Алла билан ухлатар.
«Кўзингни юм,— дер, — болам,
Йўқ сира ҳам хавф-хатар.
Қўнган билан чумчуқлар
Пўлат симлар узилмас.
Ухла, қўзим, ором ол,
Тинчлигимиз бузилмас».
...Онам алла айтади,
У укамни ухлатар.
Сингиб алла бағрига
Укажоним донг қотар.
Яна алла уйғотар
Ҳамиша тонг палласи.
Ҳаёл олиб қочади:
«Тўғри, онам алласи!»
Алла айтган чоғида
Тинчлигимиз куйлар у.
Бизни қучиб,
тинчликни —
Барқарор деб ўйлар у.
Келажакни, бизни деб
У тинчликнинг ошиғи!
Сен туфайли, ҳур Ватан,
Ростдир онам қўшиғи!

Исо АБДУРАҲМОНОВ

## Эстон қизига

Юрар эдим мен ёлғиз —
Турфа хаёл бошимда.
Пайдо бўлдинг қаршимда—
Гўё кўнди бир юлдуз!
Осмонмидинг ё денгиз,
Мовий кўйлак кийган қиз?
Айтолмасдан бирор сўз,
Юзларингга тикилдим...
Сен қуёшдай шўх кулдинг:
Оппоқ чеҳра, нилий кўз...
Осмонмидинг ё денгиз,
Мовий кўйлак кийган қиз?
Денгизлардан эсди ел,
Сочларингни таради.
Сенга такрор қарадим:
Сарв қомат, хипча бел...
Осмонмидинг ё денгиз,
Мовий кўйлак кийган қиз?
Тўлқинланди сочларинг...
Олтинг!.. Кўзим қамашди...
Қалбимда илҳом тошди
Ўйнаганда қошларинг,
Осмонмидинг ё денгиз,
Мовий кўйлак кийган қиз?
Кўйлагингда бўлган тус
Мени боғлади ипсиз...
Кўтарилди долғадай
Қалбингда ҳислар тўкис.
Осмонмидинг ё денгиз
Мовий кўйлак кийган қиз?
Хайрлашдик иккимиз,
Ҳислар жўшди юракда,
Орзуда ва тилакда
Сен қолдирган теран из.
Осмонмидинг ё денгиз
Мовий кўйлак кийган қиз?

## Чақмоқ

У ялт этди —
Умри битди...
Сирли умр —
Нурли умр!
Йиғлаётган
Булутларни,
Қора кўкни
Қулдирди у.
Оз фурсатда
Муқим, катта
Ишлар қилиш
мумкинлигин
Билдирди у!..
Сирли умр —
Нурли умр!..

Самарқанд

тонна кўп пахта сотишни кўзда тутар экан, энг аввало ана шундай кишиларнинг меҳнат жасорати ва ҳимматига таянади. Қабул қилинаётган социалистик мажбурият остида уларнинг ҳам имзоси бор.

Охунбобоев номли колхознинг истиқбол режалари улкан. Бу ерда хўжаликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган планларни ҳам тўрт йилда бажаришга азму қарор қилинган. Меҳнат унумдорлиги йилига 8 процентдан оширилади. Бу мақсадга эришиш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларига механизмлаштирилган технология кенг жорий этилади. Беш йилликда социал-маданий ривожланишга колхоз маблағларидан 2 миллион 200 минг сўм сарфланади. 660 ўринли маданият саройи, 140 ўринли болалар боғчаси, 30 та уй-жой биноси барпо этилади, 4 минг метр масофага водопровод линияси ётқизилади... Бу вазифаларни амалга оширишда колхоз партия комитети ҳисобидаги 112 та коммунистнинг авангардлик роли беқиёс бўлади албатта.

Социалистик мажбурият колхозчилар томонидан баланд руҳ билан қабул қилинди. Орадан унча кўп вақт ўтмай, улар ажойиб хушхабарнинг гувоҳи бўлдилар — колхоз правлениесининг раиси, икки марта Ленин ордени, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил байроқ орденлари нишондори Миразиз Рўзиматов Ватанимизнинг олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди.

— Ўта меҳнаткаш, ниҳоятда камтар, ҳалол ва ростгўй, кишиларга меҳрибон, лозим бўлганда қатиққўл ва талабчан, ўн чамалаб бир кесадиган бир сўзли — раисимиз Миразиз аканинг ана шу фазилатлари барчамиз учун ибрат ва намуна,— дейди колхоз партия комитетининг секретари Турғунбой Мадиёров.— Айниқса кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда, колхоз мулкини кўз қорачиғидай асрашда, рўй бераётган янгиликларни тезда илғаб олиб, уни дадил жорий этишда раисимиз ҳаммамизга ибрат кўрсатади. Тошкент технологияси деб ном олган жараён талабларига тўла амал қилганимиз туфайли хўжалигимиз шуҳрати йил сайин ошиб бормоқда, илғор тажриба мактаби тарзида бошқа хўжаликларга намуна кўрсатмоқда.

Ҳа, Тошкент технологияси бугунги кунда республикамиздаги барча область пахтакорларини ҳам ниҳоятда қизиқтириб қўйди. Мана, бир неча йилдирки, Тошкент области меҳнатчилари бу жараённи тобора такомиллаштира бориб, пахтадан мўл ҳосил етиштирибгина қолмасдан, уни барвақт ва сифатли қилиб йиғиштириб олмоқдалар. Мазкур жараённинг афзалликлари ҳозирги кунда ҳаммага аён. Шундай экан, иқлим шароитлари нисбатан турлича бўлган республикамизнинг бошқа областларида ҳам бу жараённи қўллаш мумкин эмасми?

— Мумкин,— дейди колхоз раиси Миразиз Рўзиматов қатъий ва бироз ўйланиб, сўнгра сўзида давом этади.— Аввало бу жараённинг моҳиятини англаб олиш керак. Унинг мазмуни чигит ерга қадалгандан бошлаб ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган муддатни қисқартириш, лекин шунга қарамасдан аъло ва юқори сифатли пахта толаси етиштириш, кишиларни оғир қўл меҳнатидан халос этишдан иборат. Республикамиз партия ташкилоти, шахсан ўртоқ Шароф Рашидов ёғин-сочин ва қишлиқировли кунларга қолмасдан мўл пахта ҳосилини етиштириш ва йиғиб олиш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу ғамхўрликка жавобан биз пахтакорлар Тошкент технологиясини жорий этиб, пахтага ишлов бериш жараёнларининг тезлашувини таъминласак бас.

Биз ҳар йили пахта ҳосилини октябрь ойининг бошидаёқ йиғиштириб бўламиз. Масалан, саксоннинчи йилда зиммамиздаги планни 1 октябрда, ўтган йили эса 2 октябрда бажардик. Вақтдан ютганимиз сабабли шудгорлашни 15 ноябрга қолдирмасдан тугатамиз. Ана шундан сўнг даладан қайтган техникани ремонт қилишга киришамиз ва шу йилнинг ўзидаёқ уни келгуси йил учун тахт қилиб қўямиз. Сарф-харажатлар ҳам шу хўжалик йилидаёқ ҳисобкитоб қилинади.

Ердаги иссиқлик мўлжалга келганда, яъни бизнинг шароитимизда ер бағридаги ҳарорат 15—16 даражага етганида чигит қадаймиз ва бу жараённи 6 кундаёқ тугаллаймиз. Бунда сеялкаларнинг ҳар бир уяга аниқ миқдорда — 2—3 тадан чигит ташлашини қатъий назорат қиламиз. Май ойининг дастлабки кунларидаёқ чигитнинг бир текисда униб чиқишига эришамиз. Ана шундан сўнг маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйинган ердан ғўзалар тўла озиқланиши, касалликка чалинмай соғлом ўсиши, мўл ҳосил замини учун техникани тўла нагрузка билан ишлатишга киришамиз. Яганалаш, культивация қилиш, суғориш цикларини тезлаштирамиз. Технологик операциялар ўз вақтида ўтказилиши, техника узлуксиз ишлаб туриши керак. Техника етарли бўлгани билан унга қаров бўлмаса фойдаси йўқ. Шикастланган бирорта техника ҳам олти соатдан зиёд бекор туриб қолганини мен билмайман. Марказий устахонамизнинг бош инженери Палладий Тян, устахона мудири Эрмахон Холенов, механик Рўзимат Дўсов агрегатлар ишидаги камчиликларни зудлик билан бартараф этадилар. 5 сентябрдаёқ дефолиация қилиш жараёни тугалланади. Бунда бизга «ОВХ-14» маркали трактор ниҳоятда қўл келмоқда. Чунки у дефолиантни ғўза баргларининг ости ва устига баравар пуркайди. 10—12 кун ичида ғўза барглари батамом тўкилиб бўлади. Тунда муздек шабада ва кундузи қуёш ҳароратидан бахра олган кўсаклар тезда очилади ҳамда 15—17 сентябрдаёқ машина терими учун тайёр ҳолга келади.

— Технологик жараёнларни тезлаштириш — вақтдан ютиш демак,— дея суҳбатни давом эттиради партком секретари Турғунбой Мадиёров.— Агар ҳар бир цикл ҳажмини 2 кундан қисқартирганимизда ҳам 8 циклдан 16 кун ютамиз. Чигит униб ҳосилга киргунгача ғўза 1 минг 800 даражали ҳароратни олиши керак. Бунинг учун, одатда, 140 кун муҳлат зарур. 32—36 даражали ҳарорат ғўза учун мўътадил ҳисобланади. Ҳарорат бундан паст бўлса, ғўза илдизи шамоллатилади, юқори бўлса, сув берилади. Натижада ҳосил етилиши муддатини ҳам 8—10 кунга қисқартиришга эришмоқдамиз. Культивацияда ҳам гап кўп. Илгари ғўза ораларига 5—6 мартагина ишлов берилган бўлса, ҳозир ана шу муддат ичида 8—10 мартадан культивация қилинмоқда... Шуни ҳам айтиш лозимки, хўжалигимиз ихтиёридаги ҳар бир агрегат учун ҳисоб дафтарчаси очилган. Механизмни нуқсонсиз ишлатгани, ёнилғи материалларини тежаб сарфлагани ва уни тўла қувват билан эксплуатация қилгани учун шофёр ёхуд механизаторга устама ҳақ тўланади. Масалан, белгиланган муддатдан бошлаб босиб ўтилган ҳар бир километр учун мазкур агрегатнинг ҳисоб дафтарчасига бир тийиндан ҳақ ёзилади. Бу механизмларнинг тўла нагрузка билан ишлашини таъминлайдиган муҳим омиллардан бирига айланган.

Ҳа, Охунбобоев номидаги колхоз Тошкент технологияси деб номланган жараённинг сир-асрорини пухта ўзлаштириб, уни тобора такомиллаштириб бораётган ибратли хўжаликлардан. КПСС XXVI съезди ва партия Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларига қатъий амал қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ғайрат-шижоат намуналари кўрсатаётган колхоз аҳли бу йил ҳам ўз аҳдида қатъий. Пахта етиштиришни, айниқса ҳосил йиғимтеримини комплекс механизмлаш асосида деҳқончилик маданиятини янада ошириш хўжалик аҳлининг эзгу ниятн.

Баҳодир АМИНОВ

ПРАВДА
Орган Центрального Комитета КПСС
Газета основана 5 мая 1912 года В. И. ЛЕНИНЫМ



# СОВЕТ МАТБУОТИНИНГ БАЙРОҚДОРИ

Зиёд ЕСЕНБОЕВ,
Ўзбекистон ССР Журналистлар союзи правлениесининг раиси,
Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати

СОВЕТ Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг жанговар органи, совет матбуотининг машъали, йўлчи юлдузи ва байроқдори, отахон ва севимли газетамиз «Правда» 70 ёшга тўлди. Улуғ Ленин асос солган «Правда»нинг шонли юбилейи — партиямиз, давлатимиз ва совет халқи ҳаётида жуда катта воқеа, матбуотимиз тараққиётига улкан кўрик, барча совет журналистлари ва матбаачиларининг шодиёна тўйи, мамлакатимиз меҳнаткашларининг қувончли байрамидир.

Жаҳоннинг обрў-эътиборли ва ғоят таъсирчан энг катта газетаси ҳисобланган «Правда» коммунизм иши учун, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, империализм агрессив сиёсатига қарши курашда, халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатида, пролетар интернационализми принциплари учун курашда отошин жангчи сифатида барча марксчи-ленинчи партияларнинг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг ҳурматига сазовор бўлди. Шунинг учун ҳам «Правда»нинг 70 йиллигини халқлар тинчлиги, мустақиллиги, озодлиги ва бахт-саодати учун курашчиларнинг олдинги сафларида бораётган совет кишилари билан биргаликда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари, жаҳоннинг прогрессив жамоатчилиги, халқаро коммунистик ва ишчи матбуотининг барча ходимлари ҳам кенг нишонлайдилар.

* * *

Бундан 70 йил муқаддам чор реакциясининг жуда оғир ва машаққатли йилларида буюк устозимиз ва йўлбошчимиз В. И. Ленин Россия революцион ҳаракатининг унумдор тупроғига буюк ҳақиқат уруғларини ўз қўли билан сочди. Бу уруғ ниҳоллари, бўрон, довул ва момақалдироқларга бардош бериб қуёшга қараб интилди ва ниҳоят 1912 йил 5 майда ишчилар ҳаракатининг кучли революцион кўксалиш тўлқинларида янги газета вужудга келди. Россия пролетариати ва биринчи навбатда Питер ишчиларининг ғайрат-шижоати, моддий ва маънавий мадади билан кенг ишчилар оммасига мўлжалланган кундалик марксистик ишчи газетаси барпо қилинди. Ленин ишчилар кундалик оммавий газетасини келажак учун курашнинг қудратли қуроли, меҳнаткашларни тарбиялаш ва уюштириш, уларни эксплуатация ва жабр-зулм тузуми қалъаларига ҳужум қилишга, янги жамият қуришга сафарбар этувчи қурол деб баҳолаган эди.

Петербург ишчилари ва бутун Россиянинг революцион ишчилар синфи газетанинг биринчи сонини чиқариш учун ажойиб кун — 5 майни — илмий коммунизм асосчиси Карл Маркс туғилган кунни танлаб олдилар ва газетага «Правда»—«Ҳақиқат» деб ном бердилар. Ҳақиқат жарчиси, коммунизм жарчиси —«Правда»нинг биринчи сони чиққан кун — 5 май ҳар йили совет матбуотининг анъанавий байрами сифатида кенг нишонланади.

Бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ йўлбошчиси ва устози, партиямиз ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин «Правда»нинг ташкилотчиси, илҳомчиси ва ғоявий раҳбари бўлди, унга улкан ҳаётий куч бағишлади. Газетанинг биринчи сони чиқишини доҳиймиз революцион баҳорнинг «биринчи қалдироғи» деб жуда юксак баҳолади.

В. И. Ленин «Правда» чиқа бошлаган биринчи кунлардаёқ газета олдида турган вазифаларнинг тарихий аҳамиятини уқтириб, бундай деган эди: «...Бизга фақат бизнинг ишчилар курашимизга ёрдам берадиган газета эмас, балки бутун халққа намуна ва машъал бўладиган газета керак». Социалистик революцияни тайёрлашда, ишчилар билан деҳқонлар ҳокимиятини ўрнатишда, Совет давлатини вужудга келтиришда партиянинг қудратли ғоявий қуроли бўлмиш «Правда» айнан шундай машъал бўлиб қолди. Отахон газетамизнинг шонли юбилейи кунларида унинг кураш ва зафарларга бой, қаҳрамонликларга ва шон-шуҳратларга тўла ажойиб тарихини зўр ифтихор ва ғурур билан эслаймиз, буюк тарихий воқеаларни акс эттирган минг-минглаб саҳифаларини алоҳида тўлқинланиш билан варақлаймиз.

«Правда»нинг тарихи Коммунистик партиянинг қаҳрамонона тарихи билан чамбарчас боғланган, унинг босиб ўтган ижодий йўли партия, халқ иши учун, коммунизм учун фидокорона курашнинг ёркин намунасидир.

«Правда» газетаси Улуғ Октябрь кунларида бошланган инсоният баҳорининг саботли жарчиси, Октябрь социалистик революциясининг бўрон қуши бўлиб майдонга келди, социализм ва коммунизм ғояларининг отошин пропагандисти, агитатори ва ташкилотчиси бўлди, халқ оммасини Коммунистик партия теварагида жипслаштириш, ғоявий чиниқтириш ва сиёсий тарбиялаш ишида, меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ифодаловчи чинакам халқчил матбуотни ривожлантиришда жуда катта роль ўйнади.

Коммунистик партия ва революция тарихига «Правда»нинг буюк хизматлари олтин ҳарфлар билан ўчмас қилиб ёзиб қўйилган. «Правда» чиқа бошлаган биринчи кунларданоқ Ленин кўрсатмасига мувофиқ ишчилар билан алоқани мустаҳкамлади, большевизм байроғини баланд кўтарди, чор ҳукуматининг цензура ғовларига ва полиция таъқибларига бардош бериб, ишчилар синфи озодлигининг барча ва ҳар қандай душманларига қарши курашда ўсди, чиниқди, ўзининг отошин, ўткир ва ҳаққоний сўзи билан меҳнаткаш халқ оммасини революцион жангларга отлантирди. «Правда» чиқа бошлаган дастлабки икки йил мобайнида чор маъмурлари газетани саккиз марта ёпиб қўйдилар, аммо газета ҳар сафар янги ном билан чиқиб турди. В. И. Ленин редакцияга ёзган мактублари ва берган маслаҳатлари билан газетани илҳомлантирди ва йўл-йўриқ кўрсатиб турди. Правдачи деган ном ленинчи деган тушунча билан, яъни марксизм-ленинизм ғоялари учун, партиянинг иши учун, меҳнаткашларнинг манфаатлари учун энг қатъий, жасур ва муросасиз курашчи деган тушунча билан бир хил аҳамиятга эга бўлиб қолди.

«Правда» революция учун, ишчилар синфининг иши учун, халқ манфаатлари учун курашадиган юз мингларча илғор ва фидокор кишиларни — бутун бир революцион ишчилар авлодини тарбиялаб етиштирди, ишчилар ҳаракатидаги буржуа агентлари — оппортунистларнинг сотқинлигини фош қилди, партия сафларининг жипслашувига, унинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Мамлакатимиздаги барча революцион кучларни жипслаштириш йўлидаги курашда партиянинг актив ёрдамчиси бўлди.

Ишчилар «Правда»ни ўзининг жонажон газетаси, ўз манфаатларининг ғамхўри деб билардилар. Уша вақтда Россиянинг ҳамма жойидан келган хатларда «Правда»га қизғин муҳаббат ва самимий миннатдорчилик изҳор қилинарди. «Правда» тарбиялаб етиштирган илғор ишчилар — правдачилардан иборат бутун бир авлод Улуғ Октябрь социалистик революциясида ва социализм қурилишида жуда катта роль ўйнади.

В. И. Ленин «Правда»га зўр эътибор билан қарар, унинг жанговар революцион руҳда бўлишига ғоят катта аҳамият берар эди; газетада принципиал масалалар етарли даражада аниқ ва равшан баён қилинмаган мақолалар босилса, уни қаттиқ танқид қиларди. Босилиш учун белгиланган материаллардаги андаккина бўлса-да пухтасизлик доимо Владимир Ильичнинг ғамхўр ва талабчан қўли билан тузатилар эди. Ленинниинг мақолалари ва ҳужжатлари газетанинг сиёсий йўлини ва ғоявий мазмунини белгилаб берар эди. Икки йил ичидагина «Правда» газетасида Владимир Ильичнинг 280 дан кўпроқ мақола ва ҳужжатлари босилди. «Правда» газетаси 50 йил мобайнида Ленининг бир мингдан кўпроқ мақола, ҳужжатлари ва нутқларини босиб чиқарди. Бу мақола, ҳужжат ва нутқлар коммунизм учун курашда партия ва халқимизнинг бебаҳо ғоявий мулки бўлиб қолди.

«Правда» революцион ҳаракатнинг барча даврларида доим ўз постида зийраклик билан маҳкам турди, оммада улуғ тарихий ишнинг муваффақият қозонишига ишонч туғдирди, бу омманн чор самодержавиесини ағдариш учун зафарли курашга, революцион ҳаракатга отлантирди, Ленин асосини яратган революцион йўлдан ҳамиша олға борди.

1914 йилнинг ёз фаслида, Биринчи жаҳон уруши арафасида ишчилар синфининг душманлари «Правда» редакциясини алғов-далғов қилдилар ва газетанинг босиб чиқарилишини тақиқладилар. Аммо 1917 йилнинг март ойида революция зарбалари остида манфур чор тузуми ағдариб ташланди ва партия Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ «Правда» газетаси яна чиқарила бошлади. Газета бу сафар большевистик партиянинг марказий органи эканлигини очиқ эълон қилди. Газета Маркс ва Энгельснинг «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган даъваткор, жанговар сўзларини ўз шиори қилиб қабул этди.

Муваққат ҳукуматнинг қаттиқ таъқиблари шароитида Октябрь социалистик революциясини тайёрлашда «Правда» газетаси ғоят катта роль ўйнади. Ана шу даҳшатли ва бўронли кунларда «Правда» саҳифаларида В. И. Ленининнинг 200 га яқин мақола ва ҳужжатлари босилиб чиқди. Бу мақола ва ҳужжатларда большевикларнинг социалистик революциядаги стратегияси ва тактикаси ишлаб чиқилди.

«Правда»— ҳақиқат куйчиси, курашаётган революцион пролетариатнинг жони, мададкори эди. Ишчилар ҳар куни «Правда» газетаси саҳифаларини очиб, партия нима тўғрисида гапираётганлигини, партия қандай ишларга чорлаётганлигини ва нималарга қарши огоҳлантираётганини ўқиб билардилар.

Большевистик «Правда»нинг овози Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қаҳрамонона ҳужуми кунларида ва граждандар урушининг нотинч йилларида, халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун фидокорона кураш даврларида тўла куч билан жаранглади. Марксизм-ленинизм ғояларининг отошин пропагандисти, омманинг жонкуяр ташкилотчиси бўлган «Правда» партиямизнинг иродаси, фикри ва ҳиссиётларини ифодалаб, Улуғ Октябрнинг ғалабасини таъминлашда, интервенциянинг ҳужумини даф этишда, мамлакатимизда социалистик қурилиш йилларида, тарихий беш йилликларда бажарилган буюк ишлар даврида, саноатни индустрлаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш пайтида ва ниҳоят социализм ғалабаси учун курашда тарихга янги шонли саҳифалар ёзди.

«Правда» газетаси оммани Ленин партияси томонидан қўйилган вазифаларни бажаришга сафарбар этиб, уларни янги ҳаёт учун курашга даъват қилди.

катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб, матбуотни халқ ҳаёти билан яқин бўлишга, экономика билан кўпроқ шуғулланишга, сиёсий дабдабабозликдан юз ўгиришга, оммани жонли конкрет мисоллар ва янгича ишлаш намуналари асосида тарбиялашга чақирган эди. Владимир Ильичнинг бу кўрсатмаси бутун совет матбуоти учун раҳбар қўлланма бўлиб қолди.

Совет матбуотининг ветерани бўлган «Правда» мамлакатимиз экономикасини қайта қуришда, ҳозирги замон ишлаб чиқариш техникасини эгаллашда, саноатни, қишлоқ хўжалигини юксалтиришда, маданият, санъат ва адабиётни янги босқичга кўтаришда, миллионларча меҳнаткашларни сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбиялашда партиямизнинг энг ўткир ва энг қудратли ғоявий қуроли бўлиб хизмат қилди.

«Правда» ижодкор халқимиз ҳаётига янги мазмун киритди, онгига коммунистик ғоя сингдирди, кенг меҳнаткашлар оммасини шонли ижодий ишларга руҳлантирди. Газетанинг кўчма редакциялари, махсус бригадалари ва мухбирлари социалистик қурилишнинг ҳал қилувчи участкаларида — Волга бўйидаги трактор ва Горькийдаги автомобиль заводларида, Днепр ГЭСида, Магнитогорск ва Кузнецк металлургия заводларида, Донбасс ва Кузбасс кўмир конларида, Боку нефтчилари ва Тошкент тўқимачилари орасида бўлиб, беш йиллик қаҳрамонларининг меҳнатини улуғлади, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг социалистик мусобақасини тараннум этди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ленинчи «Правда» совет ватанпарварлиги юксак ғояларининг, большевистик ҳақиқатнинг фидокор жарчиси бўлиб майдонга чиқди. Партия ва халқимизнинг қудратли овози жонажон ва севимли газетамиз орқали бутун жаҳон бўйлаб янграб эшитилди. Газета фронтдаги жангчиларни ва мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларни душманга қарши курашда саботли бўлишга чақирди, меҳнат соҳасида ҳамда жанг майдонида қаҳрамонлик ва фидокорлик кўрсатишга даъват этди. Мамлакатимизнинг кўпгина атоқли ёзувчилари уруш йилларида «Правда» газетасида ҳарбий мухбир бўлиб хизмат қилдилар, фронтларда ва ҳарбий заводларда «Правда»нинг кўчма редакциялари ишлаб турди. Биз шу билан фахрланамизки, совет журналистлари фронтнинг олдинги сафларида мард жангчиларимиз билан бир ёқадан бош чиқариб жанг қилдилар, душманнинг орқа томонида партизан уруши олиб бордилар.

Улуғ Ватан уруши ғолибона тамом бўлгандан кейин партиямизнинг жанговар органи мамлакатимиз меҳнаткашларини уруш жароҳатларини тугатишга фидокорона меҳнат билан халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш учун курашга сафарбар этди, она-Ватанимизнинг куч-қудратини ва мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, экономика ва маданиятини гуллаб-яшнатиш учун янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди.

Совет халқи 1945 йил 24 сентябрда «Правда»нинг 10 мингинчи сони босилиб чиққан кунни нишонлади. Совет матбуотининг катта байрамига айланган бу кун большевистик матбуотнинг шонли йилномасига унутилмас қувончли кун бўлиб кирди. СССР Олий Советининг Президиуми меҳнаткашларни улуғ Ленин ғоялари руҳида тарбиялаш соҳасида қилган муваффақиятли ишлари ва совет халқини социалистик жамият қуришга ҳамда Совет Ватанини ҳимоя қилишга сафарбар этишдаги катта хизматлари учун «Правда» газетасини биринчи марта Ленин ордени билан мукофотлади.

«Правда» урушдан кейинги даврда ўзининг бутун жўшқин фаолиятини халқимизни Коммунистик партиянинг шонли байроғи теварагида маҳкам жипслаштириб, КПСС тарихий съездларининг қарорларини амалга оширишга қаратди, кенг меҳнаткашлар оммасини коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга сафарбар этди. Ҳамма вақтдагидек бу сафар ҳам шонли «Правда» партиямиз съездлари материалларини кенг пропаганда қилишда, КПСС Марказий Комитети пленумлари қарорларининг моҳиятини оммага тушунтиришда, совет кишиларининг қаҳрамонона ижодий меҳнатини, коммунизм қурилишининг улуғвор пафосини акс эттиришда бошқа газеталарга ўрнак бўлди, йўлчи юлдуз бўлиб уларга йўл кўрсатди.

«Правда»,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг юбилей муносабати билан юборган табригида,— революцион курашнинг ва социалистик ўзгаришларнинг, Улуғ Ватан уруши йилларида совет халқи кўрсатган ўлмас жасоратнинг шонли йилномасидир, коммунизм қурилишини авж олдиришнинг йилномасидир. «Правда»— партиянинг минбаридир, илмий коммунизм идеяларини ўтказувчи газетадир, тинчлик ва халқлар дўстлиги учун, халқаро коммунистик ҳаракатда пролетар интернационализми принциплари учун актив курашчидир».

Партиямизнинг коллектив ақл-заковати билан яратилган, давримизнинг буюк коммунистик манифести ҳисобланган КПСС Программасида илгари сурилган тарихий вазифаларни оммага тушунтириб беришда, назарий ва практик масалаларни ҳал қилишда «Правда» қилаётган ижодий ишлар олий газета ва журналларигина эмас, балки чет эллардаги барча қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг органлари ҳам «Правда»дан ўрганадилар, унинг шонли тарихи, босиб ўтган жанговар йўли, тарихий тажрибаси ва ижодидаги порлоқ намуналаридан ўрнак оладилар.

Империализм, аввало Америка империализмининг сиёсати оқибатида халқаро вазият кескинлашган ҳозирги шароитда партиямиз билан давлатимиз қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган ленинча тинчлик стратегиясини турмушга актив татбиқ этиш инсониятнинг тақдири учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир. КПСС XXVI съезди таклиф этган ва Л. И. Брежневнинг янги ташаббуслари билан тўлдирилган 80-йилларнинг Тинчлик программаси уруш хавфини камайтиришнинг, кескинликни юмшатишни чуқурлаштиришнинг, турли тузумдаги давлатларнинг кенг ҳамкорлигини ривожлантиришнинг реалистик амалий йўлини кўрсатиб берди. Ана шундай шароитда, «Правда»нинг Тинчлик ва Меҳнатни улуғловчи, Тенглик ва Мустақилликни ҳимоя қилувчи, Озодлик ва Бахт-саодатни тараннум этувчи, Дўстлик ва Биродарликни куйловчи қудратли овози янги куч ва салобат билан баралла янграмоқда.

Ўзининг бутун шонли тарихида ишчилар синфига ҳақиқатни етказиб келаётганлиги, исми-жисмига монанд бўлганлиги ва империалист агрессорларни шафқатсиз фош қилаётганлиги учун ҳам жаҳон меҳнаткашлари бу газетани жуда яхши биладилар ва жон-дилдан севадилар. «Правда»ни 153 хорижий мамлакат олади. Ҳозир у 10 миллион 700 минг нусхада чиқади ва тиражининг кўплиги жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турибди. Бундай улкан тиражли кундалик сиёсий газета дунёнинг биронта мамлакатида чиқарилмайди.

Совет Иттифоқининг йирик саноат ва маданият марказларида «Правда»нинг 63 мухбири, чет мамлакатларда эса газетанинг 44 доимий мухбири бор. Бундан ташқари, ҳар куни редакциядан турли шаҳарларга ва мамлакатларга кўплаб махсус мухбирлар жўнаб туради.

Революцион ҳаракатдаги, социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашдаги, улуғ марксча-ленинча таълимотни пропаганда қилиш ва амалга ошириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ғоят катта хизматлари учун «Правда» газетаси ўзининг 50 йиллиги муносабати билан иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди. Кўп йиллик фидокорона ишлари, партия ва совет матбуотини ташкил этиш ва ривожлантиришдаги катта хизматлари учун 4 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. СССР Олий Совети Президиуми матбуот, радио, телевидение, нашриётлар ва босмахоналарнинг ходимларидан 2933 кишини СССР орденлари ва медаллари билан мукофотлади. Матбуот тарихи журналистика соҳасидаги самарали ишлари учун бунчалик катта мукофотланишни ҳали билмайди. Бу — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукуматининг матбуот ходимлари ҳақида, матбуотимизни ривожлантириш тўғрисида тинмай қилаётган олижаноб, оталарча ғамхўрликларининг янги ва яна бир ёрқин далили бўлди.

1972 йил 5 майда «Правда» газетаси 60 йиллик юбилейи тантаналарида учинчи орден — Октябрь революцияси орденига сазовор бўлди.

«Правда» газетаси ўзининг 70 йиллик фаолияти мобайнида Коммунистик партия раҳбарлигида шонли зафарли йўлни босиб ўтди. Совет матбуотининг карвонбошиси сифатида жуда кўп газета ва журналларни камолотга етказди. Бу газета ва журналлар халқ ва партия минбарига айланиб, қудратли ғоявий қурол бўлиб хизмат қилмоқда.

Совет матбуоти ўзининг бутун шонли тарихида ҳеч қачон ҳозиргидек халққа яқин турмаган ва бунчалик халқнинг зўр ишончи ва самимий муҳаббатига сазовор бўлмаган эди. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига қилган Ҳисобот докладида бундай деган эди:

«Бизнинг партиямиз совет журналистларининг кўп кишилик отрядига зўр ишонч билан қарайди, уларнинг оғир меҳнатини ғоят қадрлайди. Табиийки, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларимизнинг ҳамиша партия ва умумхалқ, жамоатчилик фикрининг чинакам минбари бўлиб қолишидан ҳаммамиз манфаатдормиз».

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг бу сўзлари партиямиз матбуотни ўзининг содиқ ва ғоят таъсирчан идеологик қуроли сифатида қадрлаётганлигини ифодалайди, совет журналистларининг ўз ижодий маҳорати ва фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштиришлари учун уларга битмас-туганмас мадад ва илҳом беради. Ўзбекистон Журналистлар союзининг шу йилнинг январида бўлиб ўтган VI съезди ва СССР Журналистлар союзининг март ойида бўлиб ўтган V съезди бу фикрларни яна бир тасдиқлади, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ходимларининг жанговар вазифаларини конкрет белгилаб берди.

Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқлари, КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларига доир замоннинг мураккаб воқеаларида йўлни бехато топиб олишда ва ҳақиқат, бунёдкорлик, инсонийликнинг тўғри йўлидан боришда журналистларга ёрдам бераётган йўлчи юлдуздир. Ўн биринчи беш йиллик план режалари, мамлакатни иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари баҳодир ва ижодкор халқимизнинг меҳнат ва маънавий зафарлари — улар учун ижодий илҳом манбаидир.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари бу йил «Правда»нинг 70 йиллигини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини байрам қилишга катта тайёргарлик кўраётган тарихий кунларда нишонламоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг шу муносабат билан қабул қилган қарорида таъкидлаб ўтилганидек, «СССРнинг 60 йиллиги — совет халқи ҳаётидаги шонли воқеа, КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасининг, социализм тарихий ютуқларининг далилидир. Мана шу шонли йилликда Совет Иттифоқи бутун дунё кўз ўнгида биргаликда коммунизм барпо этаётган тенг ҳуқуқли республикаларнинг аҳил оиласи сифатида намоён бўлмоқда.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи гуллаб-яшнаб чинакам баҳодирона кучга тўлган, ўзининг 60 йиллик юбилейи сари ғолибона одим ташлаб бораётган шу кунларда бу тарихий санага тайёргарликни кенг ёритиш, қардош республикалар ишчилари, колхозчи деҳқонлари ва зиёлиларининг меҳнат ғайрати ва зафарларини, буюк дўстлигини ёрқин кўрсата билиш — совет матбуоти ходимларининг шарафли бурчи ва энг муҳим вазифасидир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг меваси, Коммунистик партия ленинча миллий сиёсати тантанасининг самараси бўлган ўзбек совет матбуоти «Правда»нинг бевосита ижодий таъсири ва ёрдами билан ўсди, улғайди ва камолотга етди. Совет Ўзбекистони матбуотининг мислсиз тараққиётини тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни кўрсатиб ўтиш кифоя.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида атиги 15 та вақтли матбуот, шу жумладан ўзбек тилида «Туркистон вилояти газетаси» чиқар эди. У ҳафтада икки марта босилиб, тиражи 500 нусхадан ошмасди. 1913 йилда 118 минг нусхада 56 номда китоб (ўзбек тилида 33 номда) нашр этилган эди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўзбек, рус, тожик, қорақалпоқ, қозоқ ва татар тилларида 280 дан ошиқ газета, шунингдек, 83 журнал ва журнал типидаги бюллетенлар чиқарилмоқда. Бу газета ва журналларнинг бир галги тиражи 10 миллион нусхадан ошиб кетади. Бир йилда чоп этилаётган китоб ва брошюралар 36 миллион нусхадан ортиқдир.

Қудратли полиграфия базаси бўлмаса матбуотни ривожлантириш, халқнинг ғоявий ва маънавий озуғи бўлмиш газета, журнал ва китоблар нашр этиш мумкин эмас. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республикамизда полиграфия саноатини ривожлантириш ҳақида қабул қилган қарорлари бу муҳим вазифани бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Тошкент Совет Иттифоқи полиграфия саноатининг йирик марказига айланди. Ҳозирги вақтда республикамизда замонавий машиналар, газета, журнал ва китоб босадиган кучли ротациялар билан жиҳозланган полиграфия корхоналари ишлаб турибди.

Республикамизда чиқарилаётган газета ва журналларда, нашриётларда, информация органлари, радио ва телевидение тармоқларида совет журналистларининг жуда катта отряди ижодий меҳнат қилмоқда. Уч мингдан ортиқ энг яхши малакали журналистларни, актив мухбирларни бирлаштирган Ўзбекистон Журналистлари союзи ўзининг олтинчи съезди ва СССР Журналистлар союзи бешинчи съездининг қарорларини бажариш учун курашиб, газета ва журналларимизнинг ижодий фаолиятини янада яхшилаш, матбуот ходимларининг журналистик маҳоратини такомиллаштириш ва босилаётган материалларнинг таъсирчанлигини кучайтириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Журналистлар союзининг VI съездида сўзлаган нутқида республика матбуотининг умумий ғоявий-назарий ва ижодий савияси юксалиб бораётганлигини таъкидлаб, бундай деди:

«Қабул этилган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун меҳнаткашларнинг бутун кучи, ғайрати, маҳорати ва билимини сабот билан сафарбар қилиш, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий фаолиятини муттасил такомиллаштириш керак. Бу ишда республика партия ташкилотининг содиқ ёрдамчилари бўлмиш оммавий ахборот воситаларининг, кўп минг кишилик журналистлар армиясининг роли ғоят каттадир.

Ўзбекистон журналистлари, шу қийин, фахрли ва масъулиятли вазифани шараф билан бажарадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар».

Мана шу юксак ишончни оқлаш учун қалбимиз-

СССР нинг 60 йиллиги олдидан

# БИРЛИГИМИЗ ТАНТАНАСИ

АЖОЙИБ замонда яшамоқдамиз. Йилдан-йилга гуллаб-яшнаётган, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юксак тараққиётга эришаётган мамлакатимиз ривожланган социалистик даврга кирди. Етук социалистик жамиятда СССР халқлари қардошларча дўстлигининг моддий ва маънавий негизи — яхлит халқ хўжалиги — саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бу жараён партиянинг XXVI съездида қайд қилиниб, КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида чуқур ривожлантирилди.

Маълумки, совет кишиларининг бирлиги, қардошларча дўстлиги мамлакатимиз меҳнаткашлари тарихий тақдирининг яхлитлигига, моддий ва маънавий жиҳатдан рўй берган чуқур объектив ўзгаришларга, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг мустаҳкам иттифоқига асосланди. Демак, бу бирлик хўжалик ҳаёти ва бутун ижтимоий ҳаёт тобора кўпроқ интернационаллашиб бораётганлигининг, миллатлар ва элатлар бирдамлигининг натижасидир.

Шу боисдан ҳар бир миллат ва элатнинг миллийлиги ва интернационал бирлиги мустаҳкам иттифоқ — СССРнинг тузилиши билан чамбарчас боғлиқдир. «СССРнинг 60 йиллиги,— дейилади КПСС Марказий Комитетининг қарорида,— совет халқи ҳаётидаги шонли воқеа, КПСС ленинча миллий сиёсати тантанасининг, социализм тарихий ютуқларининг далилидир».

Ҳам иқтисодий, ҳам маънавий тараққиётда жаҳонда энг юксак ўринни эгаллаб келаётган бизнинг мамлакатимизда халқлар дўстлиги шу қадар равнақ топганки, бир маҳаллар худди шундай тараққиётни буюк доҳийларимиз К. Маркс ва Ф. Энгельс орзу қилган эдилар. Ф. Энгельс 1872 йилда Дженнарога ёзган хатида миллий ғоялар, айни бир пайтда, асл интернационал ғоялардир, деган эди. Шунингдек, у «интернационал иттифоқ... миллатлар ўртасида амалга оширилади», деб таъкидлаган эди.

Интернационализм ғояси марксизм-ленинизм идеологиясининг ажралмас муҳим қисмидир. Унинг принципларини ҳаётга тўла татбиқ қилиш туфайли революцион кайфиятни тарбиялаш мумкин. КПСС фаолиятининг асосий диққат-эътиборида бўлган бу принцип совет кишиларининг миллий ва интернационал бирлигини таъминлаб келди ва таъминламоқда.

Марксча-ленинча интернационализм миллий қарашларни, урф-одатларни ҳеч қачон чеклаб ёки бир-бирига қарама-қарши қилиб қўймайди, балки, аксинча, улардаги асосий хусусиятларни

**«Мазмунан социалистик, миллий шаклларига кўра хилма-хил, руҳи ва характери жиҳатидан интернационал совет маданияти Совет Иттифоқидаги миллат ва элатларни ғоявий-маънавий жиҳатдан жипслаштирувчи буюк куч бўлиб қолди».**

(КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қароридан)

олий ғояларга хизмат қилиш сари йўналтиради. Социализм шароитида ҳар бир миллат ва элат ўзига хос хусусиятларга, маданиятга эга бўлиб қолаверади. Зеро, СССРдаги барча миллатларнинг маданиятлари, адабиёт ва санъатлари шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятдир. Ҳар бир миллат ва элат интернационал қарашларни қанчалик кўп ўзлаштирса, шунчалик бойиб боради. Демак, миллий қарашлар интернационал қарашлар билан узвий боғликдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Совет ҳокимиятининг 60 йиллиги тўғрисидаги «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» деган докладида «Октябрнинг ғалабаси айни вақтда миллий озодлик учун курашда қўлга киритилган ғалаба бўлди. Собиқ чор Россиясининг халқлари биринчи бўлиб тарихий танлаш имкониятини, ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини олдилар», дейди. Дарҳақиқат, Совет Иттифоқидаги ҳар бир миллат ва элатнинг эркинлиги ҳамда тенглиги Октябрь революцияси туфайли қўлга киритилди, чинакам миллийлик ва интернационал бирлик намоён бўлди. Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 7 декабрда қабул қилган «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатида ҳам «Уз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур тузата берингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади», дейилган эди. Владимир Ильич Ленин худди ана шу фикрни ривожлантириб, ҳар бир миллатнинг шаклланиши — унинг интернационал бирлиги асосини ташкил қилажагини уқтирди. Доҳий Ленин ҳар бир совет республикасининг специфик хусусиятлари ҳақида тўхталиб, Туркомиссия аъзоларига шундай мактуб йўллади:

«1) Туркистоннинг Узбекистон, Қирғизистон ва Туркманистонга бўлинган картасини (этнографик ва ҳокази картасини) тузиб чиқиш топширилсин.

2) Шу уч қисмнинг қўшилиш ёки ажралиш шарти муфассалроқ қилиб тушунтириб берилсин». Бу доҳиёна фикр кейинчалик Совет Ўрта Осиёси республикалари пайдо бўлиши ва туғилиши тимсолида намунали равишда амалга оширилди.

Ҳозирги етук социализм шароитида қуёшли республикамизда ўн тилда ўқиш-ўқитиш ишлари олиб борилмоқда. Бу нарса Ўзбекистонда фан ва маданият нақадар юксалаётганлигини кўрсатади.

Совет кишилари миллатлараро алоқа тили деб ихтиёрий равишда қабул қилган рус тили совет халқининг ижтимоий-сиёсий ва ғоявий бирлигини мустаҳкамлашнинг, миллий маданиятларни ривожлантиришнинг ҳамда ўзаро бойитишнинг муҳим омили бўлиб қолди. Республикада рус тили ва адабиёти педагогика институти, ўнлаб техникумлар рус тили бўйича миллий кадрлардан рус тили ўқитувчиларини тайёрламоқда. КПСС Марказий Комитетининг қарорида «Ҳозир мамлакат аҳолисининг 82 проценти шу тилни яхшигина эгаллаб олган», деб қайд қилинади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов республика коммунистларининг XX съездида республика партия ташкилоти меҳнаткашларни социалистик ва пролетар интернационализмига садоқат руҳида тарбиялайверади, деб уқтирди. Республикамиз меҳнаткашлари халқ хўжалигининг барча соҳаларида, фан ва маданиятда эришаётган ютуқлари ана шу сўзларнинг чин ҳақиқат эканлигини исботлайди.

Интернационализм совет халқи умуммиллий бирлигининг асосий белгиси сифатида — коммунизм қурилишида, ғоявий етук ва актив, яъни ҳозирги ривожланган социализмнинг янги, олий кўринишни сифатида майдонга келди ва бундан кейин ҳам равнақ топаверади. Зотан, ривожланган социализм табиатан миллатлараро ҳамдўстлик ва ҳамкорликнинг ягона бирлигини ифода қилувчи, уларни нурафшон келажак — коммунизм сари элтувчи ёрқин маёқдир.

**Карим НОРМАТОВ,**

Тошкент Давлат Маданият институти илмий коммунизм кафедраси мудири, тарих фанлари кандидати

нинг бутун ҳароратини, билим ва ижодий қобилиятимизни, куч ва ғайратимизни сарфлайлик.

Марксизм-ленинизмнинг ғолиб идеяларини, коммунизм ғояларини, партиямизнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини бундан буён ҳам ҳормай-толмай бутун большевистик эҳтирос билан омма орасига ёйиш, илғор ва прогрессив ташаббусларни дадил қўллаб-қувватлаш, камчиликларни қатъият билан очиб ташлаш ва бу камчиликларни йўқотишга ёрдам бериш — совет матбуотининг олижаноб вазифаси, барча совет журналистларининг муқаддас ва шарафли бурчидир. Матбуотда ленинча традицияларни муқаддас сақлаб ва янада ривожлантириб шундай ишлайлик ва шундай зўр эҳтирос ҳамда илҳом билан ёзайликки, токи ҳар бир сўзимиз нишонга тўғри бориб тегсин ва меҳнаткашларнинг қалбига чуқур ҳаяжон солсин, уларни партия XXVI съезди қарорларини бажариш учун курашда янги шонли зафарларга илҳомлантирсин!

«Правда»нинг 70 йиллиги совет матбуотининг шодиёна байрами, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг ижодий кучларига катта кўрикдир, КПСС Марказий Комитети жанговар органининг тарихида ғоят муҳим босқич, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида улкан воқеадир.

Улуғ Ленин партиясининг содиқ жангчилари ҳисобланган совет журналистлари «Правда»нинг юбилейини матбуотимизнинг кўп миллионли активлари билан биргаликда партия журналистикасининг ленинча принциплари ва анъаналарига амал қилган ҳолда ҳамиша юксак активлик кўрсатиб ва масъулиятни сезиб ишлаш иштиёқида кутиб олмоқдалар.

# ЯШНАЁТГАН ХОРАЗМ

Қадимий Хоразмнинг тарихини билган киши бу ўлкани ўз кўзи билан кўришни, сўлим Жайҳун бўйларида сайр қилишни орзу қилади. Воҳанинг гўзал шаҳарларидан бири — Хива меҳмонлар билан ҳамиша гавжум. Меҳмондўст шаҳар ўтган йилнинг ўзида 640 минг саёҳатчини, шу жумладан 11 мингдан ортиқ чет эллик сайёҳни кутиб олди. Бу ердаги меъморчилик санъатининг нодир намуналарида халқ усталарининг ноёб истеъдоди ўзининг мукаммал ифодасини топган.

Бизнинг даврьмизда яратилаётган обидалар қам бунёдкор замондошларимизнинг мислсиз мўъжизаларга қодир эканликларини намоён этади. Шу туфайли Совет ҳокимияти йилларида барча эл-элатлар каби Хоразмнинг қиёфаси ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Яқин ўтмишда аграр, қолоқ ўлка Совет даврида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда, саноати ҳам ривожланган, маданияти гуркираб юксалаётган ўлкага айланди. Октябрь инқилобига қадар бу ерда бир неча оддий пахта тозалаш заводи ва ёғ заводи мавжуд эди, холос. Ҳозирги вақтда Хоразмда замонавий технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 64 та йирик саноат корхонаси, ўнлаб ёрдамчи корхоналар ишлаб турибди. 1913 йилда атиги ўн миллион, 1940 йилда 65 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, ўнинчи беш йилликка келиб, область корхоналарида саноатнинг ялпи маҳсулоти ҳажми урушдан аввалги даражадан қарийб ўн баравар кўпайди.

Мисол учун пахта тозалаш саноатини олайлик. Инқилобгача қурилган иккита завод бир неча минг пуд тола ишлаб чиқариш қувватига эга эди. Ҳозир мавжуд ўнта пахта тозалаш заводида ҳар йили областда етиштирилаётган 400 минг тоннадан зиёд пахта қайта ишланмоқда.

Кейинги беш йилликда Урганчда ёғ-экстрация заводи, пиллакашлик фабрикаси, Хивада гилам комбинати, Қўшкўпирда пахта тозалаш заводи ишга туширилди. Ёғ-экстрация заводи йилига 226 минг тонна чигитни қайта ишлаб, ўсимлик мойи, совун, кунжара ва шелуха маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган йирик корхонадир. Хива гилам комбинатининг ишлаб чиқариш қуввати ҳам чакки эмас: йилига 2 миллион квадрат метрдан ортиқ гилам буюмлари халқимизга туҳфа қилинмоқда.

Тикувчилик бирлашмасига қарашли фабрикаларни чеварлар маскани дейишади. Урганчдаги

**Фозил ЗОҲИДОВ,**
журналист

В. И. Ленин номли ва Хивадаги «СССР 50 йиллиги» фабрикаларининг довруғи бутун республикага кетган. Бу корхоналарда минглаб қўли гул хотин-қизлар меҳнат қилишяпти. Улар орасида шонли сана — СССРнинг 60 йиллиги шарафига ўн биринчи беш йилликда икки беш йилликни бажариш ташаббусига қўшилган зарбдорлар кўп.

Фабрика қизлари озод меҳнат завқи билан бахтиёр. Фақат тикувчилик бирлашмасидагина эмас, гилам комбинати ва пиллакашлик фабрикасида, сут заводи ва мебель фабрикасида, хуллас, ҳамма корхоналарда ҳам хотин-қизлар эркаклар билан елкама-елка, тенгма-тенг меҳнат қилмоқдалар.

Инқилобгача Хоразмда саноатнинг фақат иккита тармоғи мавжуд эди, зндиликда озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, пиллакашлик, металл ишлаш, мебель, кулолчилик ва бошқа саноат корхоналари ишга туширилганлигини мамнуният билан таъкидлаш лозим. Областда қурилишнинг индустриал базаси вужудга келган. Урганч ва Қўшкўпир силикат-ғишт заводларининг ҳар бирида йилига 60 миллион дона ғишт тайёрланмоқда. Уйсозлик комбинатида эса йирик панелли йиғма уйлар ишлаб чиқилаётир. Ҳозир ишлаб турган трактор двигателларини, экскаваторларни ремонт қиладиган заводлардан ташқари яна бир корхона — Пахтачилик машиналари заводи қурилиши бошлаб юборилди. Урганч районида саноат негизига асосланган паррандачилик фабрикаси қад кўтармоқда, қатор корхоналар таъмир қилинаётир.

Область саноатининг жадал тараққиёти жараёнида ишчилар синфининг кўп минг кишилик отряди вояга етганлиги, улар орасида етук инженер-техник ходимлар, малакали мутахассислар камол топаётганлиги билан фахрлансак арзийди. Саноат корхоналарида коммунистик меҳнат бригадалари, беш йиллик зарбдорларининг сафлари кенгайиб бормоқда. Ҳар бир ишчидан бири рационализатор, ихтирочи. Кўпгина пешқадамлар, социалистик мусобақа ғолибларининг кўксини уларнинг самарали меҳнатларининг рамзи ўлароқ, орден ва медаллар безаб турибди. Советларнинг депутатлари сифатида давлатни бошқаришда қатнашаётган ишчилар оз дейсизми. СССР Олий Совети депутати, хивалик тикувчи Гавҳар Отажонова, Урганч қурилиш-монтаж бошқармаси ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил Довбня каби ўнлаб ишчилар областнинг фахридирлар. Бундай донгдорларни ишчилар, бинокорлар, транспорт ходимлари орасида кўплаб учратасиз. Бу бизда меҳнат шон-шараф ва қаҳрамонлик иши эканлигидан, меҳнат аҳлининг қадри юксаклигидан далолатдир.

Қорақум ва Қизилқум саҳросида қадимги карвон йўлларининг излари ҳануз сақланиб қолган. Хоразмдан йўлга чиққан туя карвони Бухорога икки ҳафтада етиб бораркан. Энди-чи? Совет ҳокимияти даврида транспортнинг ҳамма турлари жадал суръатлар билан ривожланди. Воҳа ҳозирги вақтда мамлакатнинг марказий шаҳарлари билан «пўлат из»лар, автомобиль магистраллари ва авиатрассалар орқали боғланган. 1953 йилда Чоржўй — Қўнғирот темир йўли қурилганлиги, ҳозирги вақтда «пўлат из»лар Хоразмни мамлакатнинг марказий районлари билан боғлаганлиги область экономикаси тараққиётида, шубҳасиз, муҳим роль ўйнамоқда. Бухоро — Урал ва Урта Осиё — Марказ газ магистраллари ишга туширилиши Амударёнинг қуйи қисмидаги районлар саноати тараққиёти учун кенг имкониятлар очиб берди.

Туямўйин гидроузели комплексининг бунёд қилиниши суғориш ва янги ерларни ўзлаштириш проблемасини узил-кесил ҳал этиш билан бирга, воҳа экономикаси олдида янги истиқболлар очади. Дружба шаҳри келажакда саноат марказларидан бирига айланади. Ўн биринчи беш йилликда Шовот ва Хонқа шаҳарларида янги саноат корхоналари қуриш ва ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Социал ва иқтисодий ривожланиш плани асосида область қишлоқларида янги корхоналар қурилмоқда. Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Наримонов номли колхозда чинни заводи ва мойжувоз комплекси ишга туширилди. Шовот районидаги «Партия XIX съезди» ва Хива районида Фрунзе номли колхозларда консерва заводлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қатор қишлоқларда гилам ва шолча тўқиш цехлари ташкил қилинди. Аҳолининг кенг истеъмол молларига бўлган талабини қондиришда маҳаллий саноат корхоналарининг ҳиссаси ортмоқда. Қишлоқларда саноат корхоналарининг пайдо бўлиши, деҳқонлар орасидан малакали ишчиларнинг етишаётганлиги туфайли шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутлар йўқолиб бормоқда.

Ўн биринчи беш йиллик Хоразм области саноати тараққиётида янги босқич бўлади. Енгил ва озиқ-овқат саноати, ремонт ва қурилиш индустрияси корхоналари қуриш билан бирга, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш, ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини тобора ошириш мўлжалланмоқда. Юксак самарадорлик ва сифат учун кураш— беш йиллик шиори ва умумхалқ социалистик мусобақасининг асосий мазмунига айланган.

Воҳа меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритишга азму қарор қилганлар. СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига авж олган социалистик мусобақа ва унинг самаралари область саноатчиларининг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини сидқидилдан бажаришларига ишонч туғдиради.

Қаршн чўлида тармоқ отган тенис йўлларда қурилиш материаллари ортилган юк машиналарининг кети узилмайди. «Қаршистройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси етказиб бераётган темир-бетон маҳсулотлари чўл бағрида қад ростлаётган гўзал посёлкалар, янги замонавий завод-фабрикалар ва иншоотларнинг ишга туширилишини тезлаштирмоқда.

Суратда: қолипловчи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Гулмамат Камолов.

Янги ташкил этилган совхозга келтирилган бетон ариқлар машинадан туширилаётган пайт.

В. БАСКАКОВ фотолари



Жуманиёз ЖАББОРОВ

# ҚУЁШ ЮРТИ

## ПОЭМАДАН ПАРЧА

Боғлар оғушидан майин сирғалиб,
Ўрлаймиз кўк воҳа бағридан илдам.
Дарахтлар авж гулда — миллиард сирғали,
Деҳқон эгатларда ғимиллаган дам.
Не бахтки, юртингни жонингга босиб,
Сувидан симириб, қониб меҳрига,
Ҳар фаслу гўшасин қалбингга ёзиб,
Ҳайратлана билмоқ кўрку сеҳрига.
Сўз ожиз қолганда тилга киргай соз,
Мусиқий тўлқинда ўлкам этур ром.
Улкан чорраҳада биз тўхтаймиз боз,
Ургут тоғларига салом-эҳтиром!
Қалқиб чиқмиш ердан бир неча хил ранглар,
Таъму ҳид мавжида дашту тоғу тош.
Шундай зилолликки, қалбинг жаранглар,
Шундай хўшбўйликки, гир айланар бош.
Ватан, буюклигинг ҳис этган маҳал,
Қалбимда туғилур ажиб туйғулар.
Кавказми, Болтиқми, Брестми, Урал,
Минг дарё, минг тоғли эллар, уруғлар,
Бир пайтда тўрт фасл барқ урган олам,
Соҳилин уммонлар ўпгувчи диёр —
Кўзларим ўнгида ярқираб шул дам
Қўзғар вужудимда чексиз ифтихор.
Бесаноқ йўл, бекат босиб бағрингда,
Ўз уйимдек билдим барча манзилни.
Кездим ўрмонингда, суздим баҳрингда,
Бағишлаб мадҳингга ўтли назмни,
Муштоқман саҳаринг жилваларига,
Меники — саҳроми, чаманми ё чўл!
Мафтунман тоғларинг жилваларига —
Хизматингда бўлмоқ мен танлаган йўл.
Энди чўл! Денгиздай чайқалган борлиқ,
Неча бир рангларнинг уйғун ёниши.
Яшил ёнбағирлар атру ифорлик,
Муаллақ қотгувчи тўрғай хониши,
Чучмома, тарғилбош, қоқиғул, равоч —
Саноғи дафтарга сиғмас доривор.
Бахмалдай ловуллаб, кенг ёйиб қулоч,
Чўл сенга қувончин этади изҳор.
Бу ҳали дебоча. Жомдан сўнгра чўл.
Чироқчи ҳаддига қўйганда оёқ.
Кўрурсан, уфққа сингиб кетган йўл
Қанча елган билан бўлмагай адоқ.
Баҳри муҳит ичра сузганман бир ой,
Ҳафталаб тўлқинда юрганим ҳам рост.
Шунда ҳам хаёлда чўл ёйиб чирой,
Денгизни чўлларга этганман қиёс.
Оқ ўтовдек қалқар уфқда гирдоб,
Чағалайлар гўё яйлов лочини.
Сою қирларда ҳам мавжлар сершитоб,
Офтоб силаб ётар яшил сочини.
Йилқилар кишнаган, қўй сурув-сурув,
Ўтлар белга урган ложувард бойлик,
Наздимда, ҳар қанча денгизча сулув,
Ҳар қандай гулшанга уйқаш чиройлик.
Адирларни тутиб шовуллар буғдой,
Элнинг ризқу рўзи, тақдири азал,
Омборинг ғаллага бўлсагина бой,
Тилингдан тушмагай қўшиғу ғазал.
Олий ҳақиқат бу! Хирмон-хирмон дон
Барча ноз-неъматнинг аввали, боши.
Тандир-тандир бўлиб узилган ҳар нон
Дастурхон осмонин ёниқ қуёши.
Мен ҳам нон қадрини билгувчи авлод,
Унутмам зогора қимматин, доғин.
Уруш йилларида бурда нон — ҳаёт,
Кўзларга суртганмиз, ахир, ушоғин,
Шул сабаб, тиззада нонни синдириб,
Эскисин ахлатга ирғитган тўйбон,
Ёхуд молу ҳолга тиқиб едириб,
Ишшайиб турган зот ёмондан ёмон.
Хирмон ҳам янгланган, терганман машоқ,
Ҳу анов қирларда янтоқ чопганман.
Сув истаб, ташнаком ҳам ялангоёқ
Қудуқдан томчимас, гавҳар топганман.
Томчи сув арзанда. Қатранинг қадрин
Офтоб ёндирмаган билсин қаёндан?
Ҳозир-чи, миллионлаб гулларнинг атрин
Шаббода уфурар азим ёбондан.
Фақат баҳор шундоқ. Оташ уфуриб,
Минг тандир ҳарорат ёдирганда ёз,
Сен заъфар заминнинг ёнишин кўриб,
Нечук истиробга тушурсан бехос?
Уфқлар куяди, сароб ўртанур,
Гармсел оламга сочгудек завол.
Жаҳаннам бу ердан сабоқ ўрганур,

Томчи сув анқога шафе бир аҳвол.
Табиат яратар чоғида, наҳот
Соқит тутмиш буни яхши нигоҳдан?
Шунча қаҳатмиди ул оби ҳаёт,
Танқислик бормиди яшил гиёҳдан?
Бунда саховат йўқ, йўқдир адолат,
Хатою саҳвга тўладир тақдир,
Аму соҳилида топганча ғорат,
Фарёд чекиб ётсин бу дашти кабир?!
Бунда қудуқ номи азиз, муқаддас,
Оққудуқ, Шўрқудуқ, ё Узунқудуқ,
Бирор манзил топиб тўхтадингми, бас,
Чалоб тутадилар товоқ лим, тўлиқ.
Корсонда чаккини майдалаб, эзиб,
Шопириб сув билан, бўрттириб мойин,
Ичсанг, вужудингда бир қудрат сезиб,
Унутгинг жаҳоннинг пивосин, чойин.
Қайда бобо Рустам, ул пири чўбон,
Саҳро донишманди, минг қўйли донгдор?
Унинг ўтовида бўлиб кўп меҳмон,
Яйловда изма-из юрдим неча бор.
Бутун бир фан эрур ота билгани.
Кўкрагида Юлдуз, мош-гурунч соқол.
— Чалобдан соғломдир чўпоннинг тани,
Ҳар қандай тафтингни кўтарур дарҳол.
Сен чўлни ўйлама яланг бир бадан,
Жизғанак, тап-тақир, қурумсоқ ва оч.
Аждод-аждодимга бўлмишки ватан,
Шунда томир отдим ва топдим ривож,
Шаҳарнинг салқини сингиб қатма-қат,
Бегона бўлдими сенга бу замин?
Қарашларинг бошқа, фикринг ҳам ғалат,
Унутиб қўйибсан чалобнинг таъмин?
— Қани, кийик,— дейман,— қани минг оҳу?
Гуруҳ-гуруҳ елган ажиб махлуқот?
Йўрға тустовқлар пат ёйса, ёҳу,
Қошида шафақлар бўлмасмиди мот?
— Сўзинг тўғри,— дейди ота ўй суриб,—
Чиқиб ҳаромтовоқ неча бир овчи,
Қувиб мошин билан, милтиқдан уриб,
«Қаҳрамон» саналди, юришиб авжи.
Бу ҳам майли-ку-я, ўғрининг қўлин
Тутгувчи бирор мард бўлмади кўп вақт.
Улар таладилар ўз уйин, чўлин,
Қўлга киргизганин ҳисоблашиб нақд.
Яширмоқ инсофдан эмасдир, ўғлим,
Биз ҳам томошабин бўлдик кўп маҳал.
Арз билан тепага бормадик тўғри,
Бир жойга шу гапни қўймадик данғал.

Рост гап, бепарволик қайда қўйса ин,
Виждон бир лаҳзага мудраса ёким,
Унда палак ёзар хусумат ва кин,
Ёхуд хўжасизлик бўлгайдир ҳоким,
Ва лекин бу чўллар ғазна бошдан-бош,
Унинг таг-тагида қанча бойлик жам.
Чорва — бу, буғдой — бу, яйлов — бу, қуёш,
Газу нефть қайнаган сир тўла олам.
Дилда такрор этиб ўшал суҳбатни,
Ўйчан турмокдаман адир тўшида,
Қанча муаммою қанча ҳикматни
Бу чўл ошкор тутар ўз оғушида,
Сиғмас тасаввурга эн билан бўйи,
Жо бўлгай бағрига неча бир диёр,
Магар пахтазорга айланса рўйи,
Оламни момиққа чулғар ҳадди бор.
Магар чорва қилсанг, дарё-дарё сут,
Антиқа қоракўл, қозон тўла мой.
Дон сепсанг, поёнсиз баракаю қут,
Силсила-силсила уюлган буғдой.
Майли, шаҳар қургил, майли, гулшан туз,
Оқиз қувурлардан ҳароратми, нур.
Бу улуғ кенгликда не мўъжиза юз —
Кўрсатса, ватандош, сенга ташаккур!
Бу сенсан, ҳаётнинг таянч нуқтаси,
Дарёларни бурган, яратган денгиз.
Меҳнату ижоднинг қурч омухтаси,
Қулф урган япроғу ҳам теран илдиз.
Аму соҳилидан келмоқда сасинг,
Каналлар салқинин сезурман кушод.
Баҳор яратмишки, меҳру нафасинг,
Бунда Чўли бобо руҳи кезар шод.
Кўрурман чорпахил, азамат чолни,
Лекин кўзларида бор жиндак малол.
Табиат ёктирмас: «Тез бўл», «Ур-сол»ни,
Чўлга панжа ургил ўйлаб ва ҳалол.
Одамга боғу роғ, кўлу чаман — зеб,

Тоғ билан дарёдек зарурат-да чўл.
Қайси бир аъзосин: «Бу — нокерак», деб,
Кесиб ташлай билган қайси овсар, гўл?
«Чўлни қувинг!»— дейди газету журнал,
«Чўлга ҳужум!» дея шоир солур дод.
Чорва чаман ичра ўтлаб қай маҳал —
Элни туйдирибди? Кўрганми ҳеч зот?
Керак Қизилқум ҳам, Оролу Тайга,
Керакдай қишу ёз, кўклам билан куз.
Чўл бўлмаса молни ҳайдаймиз қайга,
Керакдир дону сув, шакар билан туз.

Меъёр бузилмасин, ҳарорат лозим
Пахтам хирмонлари бўлсин десанг мўл.
Пахтани пиширган қозони азим,
Аслини олганда, шу қуёш, шу чўл.
Бунинг ост-ости ҳам тиллаю ёқут,
Ер эмас, хазина қопқоғи — бу ер.
Қалам сурганда ҳам шуни ёдда тут,
Шуни мағзига сол ёзганингда шеър.
Чўлнинг фалсафаси ўзи янглиғ кенг,
Бахши хаёлидай қамровли жаҳон.
Ҳар сўзи, аслида, бир мақолга тенг,
Ҳақ гапни юракда тутолмас ниҳон.
Йигитин Алпомиш, сулувин Барчин,
Дея ҳайқирмоққа топсам-да асос,
Истамам, уларнинг содда, ўктам, чин
Феълин эртакларга этмоқни қиёс.
Азизим, Ватаннинг боғу чўлида
Ярқираб турурсан мисоли қоя.
Эртаклар сен томон етмоқ ийлида
Қадим-қадимларда турган бир поя.
Манов қир кўксида бир оқшом қолиб,
Бир кеча кузатсанг юлдузлар базмин.
Неча хил мўъжиза ўйларга толиб,
Ҳис этгунг ҳаётнинг маъносин, азмин.
На лаззат оламда яшамоқ бахти,
Севиниб, севилиб ўртаниб, ёниб!
Вақт — эзгу юмушлар бажармоқ вақти,
Интилиб, орзиқиб, қувониб, қониб.
Умр деган инъом берилгай бир бор,
Лаҳзанинг қадрини тута бил баланд.
Замину замонга бўлиб дахлдор,
Яхши тилакларга ўзни этгил банд.

Хушбахтдир, бўсадан сархуш бўлган дил,
Мардона енголган дуч келганда ғам,
Бировнинг оғирин ким этиб енгил,
Бировнинг шодлигин кўролса баҳам.
Хушбахтдир, ким тўкиб реза-реза тер,
Ариқ қазисаю, экса бир ниҳол,
Кимга дил розини очиб она-ер,
Ердан ўз розини тутмаган ниҳон.
Хушбахтдир, ҳис этган шудгор нафасин,
Кон оқган, фан битган, шеър тузган одам.
Салқин саҳарларнинг суриб сафосин,
Шафақларга пешвоз ташлаган қадам,
Оламда яхшилар кўп бенихоя,
Мунаввар орзулар инсонга қанот.
Бу бахтга ғаламис солмасин соя,
Бу бахтни ғафлатдан айланг эҳтиёт!
Ва лекин оқпадар, нонкўр оломон,
Бомбалар «шавқи»дан мастона гуруҳ
Ерни қоқ нишонга олиб беомон,
Тайёр ҳар лаҳзада этмоққа мажруҳ.
На мажруҳ, бир қисим кул бўлса бўлсин
Гўдакми, аёлми, гулшанми, орзу.
Истар, ҳаволарга қора дуд тўлсин,
Зулмат гирдобида маҳв ўлсин ёғду.
Эй ақл, сен дадил сарҳадларда қалқ,
Жангга кир, диёнат, виждон ва инсоф.
Шу бугун, шу лаҳза чақнаб мисли барқ
Ерни сақлай билгил шудрингдай шаффоф.
Коинот уммони ичра бу замин
Ноёбдир, нажибдир, дурдонадир пок,
Агар ҳис этмасанг она-ер ғамин,
Сен ўзинг ўзингни этурсан ҳалок!
Огир хаёлларнинг забтидан чиқиб,
«Жигули» жиловин тутганча маҳкам,
Олға интиламан яна интиқиб,
О, даштим ҳавоси, юракка малҳам,
Машина сиртини шиббалаб тезкор,
Гувиллаб оққувчи дарёи азим,
Сенга айтадиган кўп гапларим бор,
Сени яратган бу заминга таъзим!

1982 й.

# ТАШАББУС ДАВОМ ЭТАДИ

**Яхши уюштирилган, самарали, таъбир жоиз бўлса, фаҳм-фаросат билан ишлайдиган бригада — ишчиларнинг бошқарувчилик кўникмаларини ривожлантиришнинг ҳақиқий мактабидир, ҳар қандай ижодий ташаббус учун тажриба лабораториясидир.**

**Л. И. БРЕЖНЕВ**

Автомобиль корхонаси маъмурияти Худойқул Қодиров бригададан кетгач, ўрнига «ўз ишини пухта билади» деган мулоҳаза билан бригадирликка Ҳабибуллани тайинламоқчи бўлди. Ўшанда Ҳабибулла:

— Ишни-ку биламан-а. Лекин...— деб нимадандир андиша қилгандек бўлди.

— Нега иккиланяпсиз?— деган савол билан унга юзланди корхона директори.

— Худойқул билан Сергейдан иш ўрганганман. Худойқул ишдан кетишга кетди, энди бригадани Сергей бошқарса маъқул бўлармиди... Мен смена раҳбари бўлиб қолаверсам,— деди истиҳола билан Ҳабибулла.

— Бу гапингиз ҳам маъқул,— деди директор.

Шундай қилиб бригадирликка Сергей Ким тайинланди. Орадан кўп фурсат ўтмай Ҳабибулла ва Сергейга бошқа-бошқа жойда ишлашларига тўғри келди. Чунки улар ишлайдиган карьердан нарида норуда материаллар тайёрлайдиган янги завод фойдаланишга топширилди. Заводга переферит хом ашёси ташиб келтирадиган автомобилчилар бригадаси ташкил қилинадиган бўлди. Ҳабибулла Абдужабборовга шу бригадани бошқариш таклиф этилди.

Ўшанда Ҳабибулла корхона директорига келиб:

— Ўзимиз ишлатиб келган машиналарни ҳайдовчилари билан бирга оламиз,— деди.

— Маъқул!— деди директор Абдужабборовнинг илтимосига розилик билдириб.

Қорачадан келган, баланд бўй, жуссадор йигит Ҳабибулла яна баранка тутиб, ҳамкасблари даврасида ғайрат билан ишга киришди. У шундай ишладики, корхонага янги келганлар Ҳабибулланинг ғайратига тан беришди. Вақт имкониятларидан самарали фойдаланиш, машинани ҳамиша шай тутиш туфайли борган сари янги-янги муваффақиятларга эришди. Ўз тажрибаларини ёшларга ўргатди.

— Биз хизмат қилаётган карьер мамлакатимизда ягона,— дея ғурур билан таъкидлайди Ҳабибулла.— Ташиб етказаётган хом ашё 500, 600 маркали қаттиқ бетон тайёрлашда қўлланилади. Унинг афзаллиги шундаки, намни ўзига кам тортади, совуққа бардошли. Шу хусусиятларига кўра бошқа карьерлардан қазиб олинган чағиртош аралашмасидан тайёрланаётган оддий бетондан беш-олти баравар сифатли. Карьердан биз ташиб келтираётган тошлар аввал норуда материаллар заводи тегирмонларида майдаланиб кукунга айлантирилади. Кейин эса Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистонга ҳамда мамлакатимиздаги бошқа улкан қурилишларга жўнатилади.

Завод учун зарур бўлган переферит тошларининг ҳаммасини Ҳабибулла Абдужабборов бошлиқ автомобилчилар бригадаси коллективи ташиб етказяпти. Баъзида Бойқўнғир космодроми маъмурияти ҳам заводга шу хом ашёдан сўраб мурожаат қилади. Шу маънода Ҳабибулла ва унинг ҳамкасблари космосни ўзлаштиришга ҳам дахлдор дейиш мумкин. Энг муҳими шундаки, Ҳабибулла Абдужабборов ўзига топширилган шарафли иш — карьердан заводга хом ашё ташиш топшириқларини муттасил ортиғи билан адо этиб, корхонани хом ашё билан таъминлашда узилишга йўл қўймаётир. Ҳабибулла бригадасига уюшган шофёрлар улкан «КрАЗ»ларни йилнинг тўрт фаслида бир маромда ишлатиб, ойлик, квартал топшириқларини ошириб бажармоқдалар. Улар барча қийинчиликларни бартараф этиб, корхонани муттасил хом ашё билан таъминламоқдалар.

Буюк юксалиш йиллари бир-бирини қувиб ўтмоқда. Бу йиллар Ҳабибулла Абдужабборов фаолиятида ҳам салмоқли из қолдираётир. Унинг самарали меҳнатларининг рамзи сифатида 1970 йили кўксини «Шавкатли меҳнати учун» медали ва орадан бир йил ўтгач эса Меҳнат Қизил Байроқ ордени безади.

Партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари Ҳабибуллани янги меҳнат зафарларига даъват этди. Одатдаги иш кунларининг бирида автокорхона коммунистларининг йиғилиши бўлди. Унда бригада пудратига ўтиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Бунгача Ҳабибулла газета ва журналларда чиққан бригада пудратига оид мақолаларни ўқиб, янгича ишлаш хусусида ўзича мулоҳаза юритарди. Корхона партия бюроси бригада пудрати асосида ишлашни Ҳабибулла Абдужабборов бригадасидан бошлашга қарор қилди.

— Аввалига ишни уюштириш бир оз қийин бўлди,— деди Ҳабибулла биз билан суҳбатда.— Гоҳ машина бузилиб қолса, баъзида карьердаги экскаватор тўхтаб қолди. Ўринсиз кўрсатмалар сабаб бўлиб машиналарнинг бекор туриш ҳоллари юз берди. Бу нарса шофёрларнинг иш ҳақига таъсир қилди. Узоқни кўролмаган, бугуннинг ҳузуригагина маҳлиё бўлган баъзи ҳамкасбларим қулайроқ иш излади. Ўртоқларимиздан Ю. Березовский билан Ф. Пак иш ҳақи оз деб бригадани тарк этишди. Бригадани мустаҳкамлаш, рағбатлантириш усулларидан кенгроқ фойдаланиш, шофёрларнинг муқимлигини таъминлаш зарур эди...

Ҳабибулла бригадир сифатида чора излади. Бу ҳақда автокорхона маъмуриятига мурожаат этди. Ҳар сафаргидек бу гал ҳам тегишли ёрдам кўрсатилди. Завод хом ашёга муҳтож бўлмаган вақтларда шофёрларни кўпроқ ва бошқа юкларни ташишга жалб қилишга рухсат бўлди. Иш юриша бошлади. Ҳабибулла бунинг ўзи кифоя эмаслигини, англаб, ишчан коллективни уюштиришга ҳаракат қилди. Бунда унга иш тажрибаси асқотди. Шофёрлар Фарҳод ГЭСи қурилишидаги меҳнат анъаналаридан фойдаландилар. Уларни меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда бригада аъзоларидан коммунист Музаффар Отабуллаев, Гасан Аликберов, моҳир шофёрлар Боймурод Султонов, Ниёз Сулаймонов ва бошқалар Абдужабборовга яқиндан кўмаклашдилар. Улар корхонада мураббийчилик ҳаракатининг ташаббускорлари бўлдилар.

Карьердан завод тегирмонларига қудратли «КрАЗ»ларда 7—10 минут мобайнида хом ашё етказиб бериш осон эмасди. Бу ишни бир меъёрда нуқсонсиз ташкил этиш, заводни переферит тош билан кеча-кундуз таъминлаш керак эди. Акс ҳолда заводда иш тўхтаб қолади. Шунинг учун ҳам Ҳабибулла коллективда интизомни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди, қаттиққўллик билан иш юритди. Бу тадбирлар ўз самарасини кўрсатди. Шофёрлар кўпроқ ҳақ оладиган бўлдилар. Уларнинг ишга бўлган муносабатида жиддий бурилиш юз берди. Бригада пудрати усули фойда келтира бошлади.

Корхона директори ҳузурида бригада пудрати ҳақида гап кетганда мутахассислардан бири мана бундай деб таъкидлади:

— Автомобиль транспортида бригада пудратига ўтиб ишлашнинг жорий этилгани катта манфаат келтираётгани энди ҳаммага аён. Норуда материаллар заводи билан автокорхона ўртасида бригада пудрати юзасидан шартнома тузиб ишлашгача жуда қийналардик. Завод маъмурияти кундузими, ёки тундами — хоҳлаган вақтларида қўнғироқ қилишиб: «Машиналарингиз қани?», «Бизга транспорт беринг!», деган даъволар бўлиб турарди. Бригада пудрати усули жорий қилинди-ю, бунга чек қўйилди.

Бригада пудратининг афзалликлари шундангина иборат эмас. Томонлар имзолаган шартномада биргаликда бажариладиган ишларнинг ҳажми, муддати, сарф-харажатлар миқдори ва ҳоказолар келишиб олинади. Энг муҳими, бу ишларни адо этувчи сифатида автокорхона номидан иш юритиб, норуда материаллар заводига переферит тоши етказиб беришда юк ортувчи экскаваторчилар бригадаси билан ҳамкорлик қилиб яхши натижаларга эришмоқда. Ҳабибулла Абдужабборовнинг ўзи тўққизинчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарди. У 1974 йилдан бошлаб бригада пудрати усулида ишламоқда. Янгича ишлаш усули жорий қилинган ўша йили республикамизнинг тўққиз зарбдор ишчиси юксак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Уларнинг ҳар бири иш маҳоратини ошириш, ишлаб чиқаришга илғор иш усулларини жорий этиш ҳисобига меҳнат унумдорлигини кўтариш ва беш йиллик охиригача яна бир беш йиллик ҳажмида иш бажаришга қарор қилишди. Зарбдорларнинг бу аҳди ташаббус деб эълон қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1974 йил февралида бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Автотранспортчилар орасидаги шу зарбдорларнинг бири Ҳабибулла Абдужабборов эди.

Ташаббускор шофёр ваъдасига вафо қилди. У тўққизинчи беш йиллик мобайнида икки беш йиллик ҳажмида иш бажарди. Коллектив беш йиллик топшириғини тўрт ярим йилда адо этди. Пландан ташқари ташиб берилган переферит 1 миллион 100 минг тоннадан ортди. Бу янги усулнинг самараси эди. Ўша беш йилликдаги фидокорона меҳнати учун Ҳабибулла Абдужабборов Ватанимизнинг юксак мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди.

Одатда, янгиликни жорий қилувчиларга қийин бўлади. Ҳабибулла Абдужабборов бошлиқ коллектив ҳам бригада пудратини жорий этишда юз берган барча қийинчиликларни бартараф қила бориб, янгича ишлашнинг бутун афзалликларини амалда кўрсатди. Бунда албатта бригадирнинг хизмати катта. Эндиликда у бутун республикага шуҳрат таратди. Фан ва техника соҳасида мактаб яратган олим-алломаларни биламиз. Мана энди оддий шофёр ҳам мактаб яратди. Ҳа, Бекободдаги 16-автокорхона — бригада пудрати усулини ўрганиш бўйича республикада илғор тажриба мактаби. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ҳ. Абдужабборов бригадасининг пудрат усулини жорий қилиш соҳасида тўплаган ижобий тажрибасини маъқуллади ва уни республиканинг барча автотранспорт корхоналарида кенг ёйишни тавсия этди. Бу, новатор ишчиларимизга оталарча ғамхўрликнинг ифодасидир.

Ҳабибулла мактабининг ишчилик шарафини эъзозлашдан завқ олаётган талабалари нималарни ўрганишади? Назарий жиҳатлари қилни қирққа ёрувчи зукко инженер-мутахассисларга ҳавола. Амалий томонлари ҳақида икки оғиз сўз. Тингловчиларни янгича ишлашнинг нақд натижалари жуда қизиқтиради. Шу ўринда баъзи рақамларни келтирамиз. Ҳабибулла Абдужабборов бригадасида сменада 8 та автомашина ишлайди. Ҳар қайси шофёр сменада икки километрлик масофага 30 марта қатнайди. Техника унумли ишлатилгани учун машиналардан фойдаланиш коэффиценти 0,80 ни ташкил этди. Юк ортиш ва туширишда автомашинанинг бекор туриши 1 минут 48 секундга қисқарди. Бензин ва мойлаш материаллари, шина ва эҳтиёт қисмлари ҳам тежалаётир. Меҳнат унумдорлиги эса 6 процентга ошди.

Ўзбекистон Автомобиль транспорти министрлиги корхоналарида бригада пудрати кенг қўлланилмоқда. Ҳозир юк ташиш транспортининг ўзидагина 322 та шофёрлар бригадаси пудрат усулида ишламоқда. Министрлик корхоналари бўйича ташилаётган барча юкнинг 27 процентини илғор усулда ишлаётган шофёрлар ташимоқдалар.

Партиямиз XXVI съезди қарорларини рўёбга чиқаришда улкан марралар эгалланадиган ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили. Авжи ёз. Қуёш ўз тиғини Мўғилтоққа, Фарҳод қояларига атайлаб қадаётгандек. Улкан «КрАЗ»ни дадил бошқариб бораётган Ҳабибулла Абдужабборов манзилга шошади. У бугун ҳам нормани албатта ошириб бажаради. Ахир, бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш Ҳабибулла Абдужабборов учун одат бўлиб қолган. Ҳа, қояга чиққан чўққини кўзлайди.

**Жўра ХОЛҚОСИМОВ**

# ЯЛОВБАРДОР

**Лазиз ҚАЮМОВ,**
филология фанлари доктори, профессор

XIX аср инсоният тафаккур тарихининг юксак даври бўлди. Чунки юз йиллар давомида ижтимоий жамиятдаги нотўғри тартиб сирларига жавоб излаб ва бу саволга ҳар хил изоҳлар бериб, сўнгроқ амалда ўз изоҳи тўла тўғримаслигига қайта-қайта ишонган инсон бу ҳаётий муаммони шу асрда доҳиймиз Карл Маркс ақли билан тўғри ҳал қила олди. Улуғ Маркс даҳоси билан бунёдга келтирилган бу назария инсоният тарихининг қоронғи ўрмонларини нур билан ёритиб, жамиятдаги ноҳақликларни илмий асосда фош қилиб ташлади. Марксизм фақат ўтмишдаги хатоларни кўрсатиш билан чегараланмай, бу хатоларни тузатиш йўлини, ҳаётни ҳаққоний асосда қайта қуриш йўлини, революцион кураш йўлини ёритди. Айни вақтда марксизм ҳақиқий ижтимоий жамият ва инсоният идеали бўлган коммунизмнинг конкрет белгиларини аниқлаб берди. Ана шундай тушунчалардан ташкил топган марксистик ғоя меҳнаткаш инсоннинг зулмга қарши стихияли курашига онглилик киритди.

Марксизм XIX ва XX асрнинг прогрессив фикрли санъаткорларига ҳам кучли таъсир кўрсатди ва бора-бора асарларининг лейтмотивига айланиб, бу асарлар орқали минглаб ўқувчи ва томошабинларнинг дилига етиб борди, уларнинг ҳаёт йўлини тўғри белгилашга ёрдам берди. Марксизм ғояларининг тарғиботчиси, деган улуғ номга сазовор бўлган адабий сиймолардан бири, ўзбек халқининг ажойиб фарзанди — Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдир. У XX аср бошларида она халқи ҳам миллий, ҳам колониал зулм остида азоб тортаётган бир даврда меҳнаткаш халқ оммасига хизмат қилишдек юксак ниятда:

Бу жаҳондин ком ноком ўткуси ҳар кас. Ниҳон.
Ҳар на қилким, ёдгоринг қолгудек эъзоз топ,—

деган шиор билан адабиёт майдонига кириб келди. Шоир умрининг охиригача шу шиорига содиқ қолиб, меҳнаткаш халқ оммасининг хизматида бўлди ва шунинг учун ҳам ундан мангу миннатдор она халқи қалбида улкан эъзоз-эътибор топди. Айтиш керакки, Ҳамза ижоди халқ озодлик ҳаракатининг бадиий инъикоси бўлиб, шоирни инқилоб куйчиси деган номга тўла сазовор қилди.

1905 йил биринчи рус революцияси даврида Ҳамза қўлига қалам олди ва шундан буён шоир сифатида она халқи — ўзбек меҳнаткашларининг манфаатини чарчамай куйлади, реакция авж олган йилларда халққа маърифат нурларини таратди, барча ҳуқуқлардан маҳрум ўзбек аёлининг инсонлик ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилди, шариат пешволарига сатирасининг тиғини санчди, бадиий форманинг мукаммаллигига интилди, адабиётда халқчилликка эришди.

1916 йилда халқ озодлик ҳаракатининг янги кўтарилиши Ҳамза поэзиясидаги революцион мотивларни кучайтириб юборди, натижада шоир ўзбек демократик адабиётини революцион халқ оммасининг кайфиятига мос келувчи инқилобий адабиёт даражасига олиб чиқди. Шунинг учун ҳам 1917 йил февраль революциясини Ҳамза хурсандлик билан қарши олди. 1917 йилнинг май ойларига келиб шоир буржуа ҳукуматининг туб моҳиятини тўғри тушуниб етди, уни «янгидан бўлган истибдод» деб атади ва шеърларида унга лаънатлар ўқиди. 1917 йил июнь ойларига келиб, шоир буржуа ҳукуматидан тамомила умидини узиб, Коммунистик партия сиёсатини тўла қувватлади ва большевиклар агитатори бўлиб ишлади. Ана шу юксак ижтимоий онг Ҳамза поэзиясига ҳам ўтиб, уни жуда юқори баҳога сазовор этди.

Октябрь инқилоби ғалабаси туфайли адабиётда кескин айрилиш содир бўлди. Бир гуруҳ реакцион ёзувчилар тиш-тирноқлари билан революцияга ва янги тузумга қарши чиқдилар. Жадид адабиётининг айрим вакиллари ҳам ўша реакцион кучлар билан бирлашдилар ва ҳатто баъзилари қурол билан эски тузумни ҳимоя қилиб, ўзларининг социал моҳиятларини тўла фош қилдилар. Адабиётдаги реакцион кучлардан бир тўдаси 1919 йилга келиб «Чиғатой гурунги» номли миллатчилик руҳидаги адабий ташкилотга бирлашдилар. Бу даврда антисовет кайфиятдаги адибларнинг типик мисоли сифатида Фитрат ва Чўлпонларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ адабиётчилар том маънода халқ оммасининг манфаатини ҳимоя қилиш нияти билан ижод этдилар. Булардан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Завқий, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Сўфизода кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Революцион адабиётнинг тўнғич вакили бўлган Ҳамза Октябрь инқилобини жуда ҳам хурсанд бўлиб кутиб олди ва бу даврдаги шеърлари билан ўзбек совет поэзиясини, янги замонга мос, янги мазмун ва янги формадаги, социалистик реализм методидаги адабиётни бошлаб берди.

Ҳамза ҳақиқий марксист санъаткор сифатида Улуғ Октябрнинг жаҳон тарихидаги аҳамиятини тўғри тушунди ва ўзбек адабиётини биринчи бўлиб революция ва социалистик тузум хизматига йўналтирди. У ҳам ижтимоий фаолияти, ҳам бадиий ижоди билан социалистик революцияни олқишлаган янги тип санъаткор ва шу характери билан совет ёзувчиси қандай бўлиши кераклигини ёрқин намойиш этувчи ажойиб шахс эди.

Ҳамза биринчи бўлиб ўзбек совет адабиётининг тематик доирасини белгилаб берди. У адабиёт — ўз замонасининг инъикоси, деган қонунга амал қилиб, бутун ижоди давомида энг актуал ва замонавий темаларда ижод этди. Ана шу эстетик принципга содиқ қолган шоир Совет ҳокимиятининг биринчи йилидаёқ адабиётга ҳаётдаги энг муҳим воқеаларни, биринчи навбатда социалистик революция темасини олиб кирди. Ҳамза, Завқийлар биринчи бўлиб, буржуа ҳукуматининг сиёсий басасини очиб ташладилар ва «Туркистоннинг истиқболи шу хоинларга қолурму?!», деб ўлканинг ҳақиқий хўжайини бўлмиш халқ оммасига мурожаат қилдилар. Ҳамза Октябрь социалистик революциясини соз билан, шеър билан олқишлади, меҳнаткаш оммани ижтимоий активликка чақирди. Шоир биринчи бўлиб социалистик ҳаёт темасини бошлаб берди. Ҳамза Қизил Армия жангчиларига бағишлаб шеър ёзган биринчи ўзбек шоиридир. У Коммунистик партия сиёсатини, хусусан, революцияда ишчилар синфининг гегемонлиги масаласини тўғри тушуниб, ҳаётнинг реал инъикоси бўлган ўз поэзиясида ишчилар ҳаётини, унинг революцион кайфиятини тасвирлади. «Ишчилар, уйғон!», дея жар солди.

Ҳамза белгилаб берган тематик доира ўзбек совет адабиётининг биринчи харитаси, тўғрироғи, унинг асоси бўлиб, кейинчалик шоирнинг ўзи, унинг сафдошлари ва издошлари томонидан янада кенгайтирилди. Фарғонадаги ижтимоий курашни тасвирлашда Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий Ҳамза билан ҳамфикр бўлди. Садриддин Айнийнинг «Инқилоб учқунлари» тўпламига киритилган шеърлари Ҳамзанинг революцион поэзиясига ҳамоҳанг бўлиб, ўша давр ўзбек шеъриятининг эстетик принципларини янада мустаҳкамлади.

Ҳамзанинг поэтик ижодида катта ижтимоий ҳодисаларнинг барчаси ўз аксини топган. Лекин бу темаларнинг ишланишида Ҳамза кетидан унинг ҳаммаслаклари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Асосий машғулоти деҳқончилик бўлган ўлкамизда ер-сув ислоҳоти ўтказилиб, асрий муаммолар адолат билан ҳал қилинаётган даврда Ҳамза бу темада шеър ва шеърий драмалар яратган бўлса, бу темани С. Айний «Қулбобо» сарлавҳали тарихий повестида ўтмишга экскурс билан, Ойбек, Ғайратийлар ҳаяжонли лирик шеърлари билан ишлаб, кенгайтирдилар.

Ҳамзанинг бир қанча шеърлари хотин-қизлар озодлиги темасида ёзилган. Худди шу даврда, шу мавзуда Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғайратий, Ойдин, Ҳусайн Шамс каби шоирларимиз ҳам ижод этдилар ва бу масалани турли планда ёритдилар. Жамиятдаги эскилик сарқитларига Ҳамза бош бўлиб, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа ёзувчилар баробар ўт очдилар. Октябрь куйчиси бўлган Ҳамза социалистик революциянинг жаҳоний аҳамиятини очиш масаласини адабиётда бошлаб берган бўлса, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Миртемир ва бошқа шоирларимиз ижодида бу ташаббус давом эттирилиб, поэзиямизда халқаро тематика катта ўрин эгаллади.

Ҳамза қайси бир темада асар ёзмасин, масалага марксист санъаткор сифатида Коммунистик партия нуқтаи назаридан ёндашди. Шунинг учун ҳам у ўтмиш ҳақида гапираркан, биринчи навбатда ҳаётдаги икки қарама-қарши кучни, эзувчи ва эзилувчини, уларнинг ҳақиқат тантана қилгунча давом этадиган курашини акс эттирди. Совет воқелигидаги конфликтларга диққатни қаратганда, шоир ҳар вақт масалага коммунистик партиявийлик билан ёндашиб, янгиликни қувватлади, эскиликни лаънатлади. Ҳамза ўз поэтик ижоди билан коммунистик партиявийликнинг ижобий намунасини кўрсатди ва бошқа ўзбек ёзувчиларига бу соҳада ўрнак бўла олди. 20-йиллар адабий ҳаётида қизғин давом этган идеологик курашлар Ҳамзанинг ғоявий позициясини мустаҳкамлади. Коммунистик партия сиёсатини Октябрь инқилоби арафасидаёқ ўзининг ижтимоий эътиқоди деб қабул қилган шоир умрининг охиригача унга содиқ қолди ва бутун қобилиятини Ленин партиясининг адолатли ишига бағишлади.

Ҳамза ижоднинг тематик актуаллиги, юксак ғоявийлигинигина эмас, балки бадиий мукаммаллигини ҳам асосий шарт деб қабул қилган санъаткор эди. Шунинг учун у умр бўйи янги, оригинал, мазмунга мос бадиий форма излади ва бу соҳада муваффақиятга эришди. Инқилобдан олдинги давр ижоди учун унинг асосий эстетик принципи ҳақиқатни куйлашдир, дейиш мумкин бўлса, унинг инқилоб арафасидаги ижодий принципи шу ҳақиқатни революцион кайфиятдаги омма нуқтаи назаридан текшириб, баҳолаб тасвирлаш деб тушуниш керак. Коммунистик дунёқараши тўла-тўкис шаклланганидан сўнг эса Ҳамза воқеликка марксизм нуқтаи назаридан ёндашди, қонуний ва тасодифий ҳодисаларни тўғри белгилади ва етакчи тенденцияларни умумлаштириб, уларни юксак маҳорат билан тасвирлади, қисқаси, социалистик реализм методини ўзбек адабиётига биринчи бўлиб олиб кирди.

Ана шу илғор методда ижод қилиб, Ҳамза меҳнаткаш оммани — тарихнинг ҳақиқий қаҳрамони бўлган кишиларни ўзбек совет адабиётининг бош қаҳрамонига айлантирди. Меҳнаткаш омма тушунчаси кенг бўлиб, унинг ижтимоий қиёфаси ҳар хил бўлиши мумкин. Социалистик реализм поэзиясининг вакили бўлган Ҳамза унинг илғор қисмини, революцион онг эгаси бўлган меҳнаткашларни ёки фалсафий қилиб айтганда, ҳаётдаги янгиликни байроқ қилиб кўтарди. Чунки, марксистик диалектикани фаҳмлаган шоир янгиликнинг эволюцион тараққиёт билан охири ҳамма ёқни эгаллашига имони комил эди. Хусусан, Октябрнинг шонли байроғи вақти келиб Ғарбда, Шарқда баробар ҳилпираши ҳақидаги фикр ҳам ана шу дунёқараш ва ишонч туфайли туғилган эди.

Ана шу дунёқараш шоирга адолат изловчи революционер ишчи ва коммунист образини яратиш имкониятини берди. Октябрь инқилобининг ғалабасидан сўнгги даврда яратилган асарларида Ҳамза совет кишиларининг янги ва ижобий хусусиятларга бой маънавий қиёфасини тасвирлади. Ҳамзанинг бир гуруҳ шеърларида хинолик қўлларига қизил байроқ олган зубдаи башарлар — энг яхши инсонлар бўлмиш совет хотин-қизларининг ажойиб образлари яратилган. Бу образларни тўла асос билан бадиий новаторлик меваси, дейиш мумкин.

Ҳаққоний дунёқараш ва илғор ижодий методни эгаллаган шоир ҳаётдаги конфликтларни тўғри топди, уларга тўғри ёндашди ва тўғри ҳал қила билди. Ҳамза асарларидаги бош конфликт эски дунё билан янги дунё орасида бўлиб, шоир янги дунёнинг афзаллигини зўр мантиқ билан исбот қилади ва ҳар доим шу позицияда туради. Бу конфликт Ҳамза асарларида гоҳ ижтимоий, гоҳ маиший, гоҳ оилавий, гоҳ психологик, гоҳ ахлоқий планда тасвирланди, лекин шоир конфликтни қайси планда тасвирламасин, уни бир принципда ҳал қилди.

Ҳамзанинг бадиий новаторлигидан яна бир белги шундаки, у фақат эскиликка эмас, эскириб қолган янгиликка ҳам дадил қарши чиқди. Шоир ҳаётда умуман ижобий бўлган, лекин онгида эскилик сарқитлари мавжуд шахсларни ҳам сатира олови билан қатрон қилди. Бу жиҳатдан Ҳамза ўзбек совет сатирасида янги саҳифа очди.

Шоир эскилик вакиллари — бой, имом, қози, савдогар ва бошқаларни бутун ижоди давомида танқид қилиб ўтди, совет даврида эса уларга жуда қаттиқ, охирги — узил-кесил тор-мор қиладиган зарбани берди. Айниқса динни фош қилишда Ҳамза бошқа ўзбек ёзувчиларига нисбатан анчагина кўп хизмат қилган. Аввало протест формасида бошланган бу кураш, инқилобдан сўнг тўла ва изчил атеизмга айланди. Ҳамзанинг зарбаларидан қақшаган дин шайхлар қўли билан шоирни ўлдиришдан бошқа чора тополмади.

Бюрократлар, халқ молига кўз олайтирганлар, хотин-қизлар озодлигининг яширин душманлари, эскилик тарафдорлари, қисқаси, барча мунофиқлар Ҳамза сатирасидан керакли даражада тарсаки еди. Устоз шоир бошлаб берган бу традиция ўзбек совет сатириклари томонидан муваффақиятли равишда давом эттирилди ва эттирилмоқда.

Конфликтлар топишга уста бўлган шоир сюжет қуришга ҳам моҳир эди. Ҳамзанинг совет даври поэзияси ҳам асосан лирик характерда бўлиб, унда воқеабанд шеърлар деярли учрамайди. Шунинг учун ҳам бу шеърларда сюжет ҳиссиётларнинг тараққиёт схемасидир. Деярли барча шеърларда шоир аввал тинч, экспозицион қисм билан гап бошлаб, сўнг ҳиссиёт тўлқинларига кенг ўрин беради ва маълум авж нуқтага етгач, фикрини якунлайди.

Ҳамза жуда кўп шеърларини ашула қилиб ёзган. «Атиргул» тўплами унинг инқилобий ашулаларидан ташкил топган бўлса, «Яхши» радифли шеъри «Уфори бузруг» оҳангида ашула қилиб айтилади. «Бир эшон ўпкаси» шеърига автор «Кўча боғи ашуласи» деб сарлавҳа қўйган. Шоир сатирик шеърларининг деярли барчасини халқ орасида машҳур бўлган қўшиқлар куйида, у қўшиқларга назира ва пародия формасида ёзган. Ана шунинг учун бу

# ҚАРДОШЛАР МУСОБАҚАСИ

Икки қардош республика — Ўзбекистон ва Тожикистон меҳнаткашлари кўпдан буён бир-бирлари билан мусобақадош. Ленинобод область, Пролетар районидаги Ленин орденли Ленин номли колхоз ҳамда Тошкент область, Оққўрғон районидаги «Ленинизм» ва Бекобод районидаги Ленин номли колхозларнинг бу борадаги анъаналари диққатга сазовордир. Қуйида «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» шиори остида фидокорона меҳнат қилаётган ана шу мусобақадош хўжаликларнинг ютуқлари ва режалари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Ўтган йилнинг август ойлари эди. Оққўрғонликлар ва бекободликлар қардош Тожикистоннинг Пролетар районидаги Ленин номли колхозга ташриф буюрдилар. Улар колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Абдуғафур Саматов билан қизғин суҳбатлашдилар.

— Колхозимиз йил сайин улкан зафарларни қўлга киритмоқда,— деди мамнун ҳолда колхоз раиси.— Ўнинчи беш йиллик мобайнида давлатга 137 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб бердик. Чорвадорларимиз эришаётган ютуқлар ҳам салмоқли: ҳар йили 500 тоннадан зиёд гўшт топширяпмиз. Йиллик даромадимиз 24 миллион сўмдан ортиқ.

Ҳа, мазкур колхоз — Иттифоқимиздаги энг йирик хўжаликлардан бири. Унинг ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида эришган тажрибалари мусобақадошлар учун ибратли.

Ўша куни мусобақадош Бекобод район партия комитетининг секретари Тошмамат Ширинов, райондаги Ленин номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ҳайдарали Ҳамроқулов, колхоз бўлим мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абубашар Усмонов, пахтачилик бригадаси бошлиғи, КПСС XXVI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолат Рўзиматова, халқ депутатлари Оққўрғон район Совети ижроия комитетининг раиси Умматқул Мирзақулов, «Ленинизм» совхозининг раиси Жуман Элчибоев ва бошқалар илғор хўжалик тармоқлари билан атрофлича танишдилар.

Пролетарликлар ўз навбатида Оққўрғон ва Бекобод районларида бўлдилар. Мусобақадошлар қайта учрашар эканлар, аввало бир-бирларини қўлга киритган меҳнат ғалабалари билан қутладилар. Тожикистонлик меҳмонлар «Ленинизм» ва Ленин номли колхозларнинг ишлари билан танишдилар, мусобақа шартларининг бажарилиши билан қизиқдилар.

Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхози ҳам бақувват хўжаликлардан. Унинг омилкор деҳқонлари пахта ҳосилдорлигини ўтган йили гектарига 45 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар. Бу ютуққа Мамат Рисбоев, Болтабек Унтаев, Турдибек Яхшибоев, Шарифбой Эсонбоев бошлиқ юқори ҳосилдор бригадаларнинг аъзолари салмоқли ҳисса қўшдилар.

## Дўстлик ришталари

Мавжуд 12 бригаданинг тўрттаси эса ҳар гектар ердан 47 центнердан ошириб ҳосил олди. Хўжалик бўйича ҳосилдорлик гектарига пландаги 32,7 центнер ўрнига 40 центнерни ташкил этди. Ялпи ҳосил 5 минг 900 тоннага етди.

Бекобод районидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашлари учун ҳам мусобақа натижалари қувончли бўлди.

— Ўтган беш йилликда она-Ватанга пландаги 31,5 минг тонна ўрнига 36,5 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердик,— деди колхоз раиси Ҳайдарали Ҳамроқулов меҳмонларни хўжалик ҳаёти билан таништираркан.— Ўн биринчи беш йиллик- [illegible] лишига қарамасдан 8 минг тонналик пахта хирмони уйдик. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтарилди. Чорвадорларимизнинг ютуқлари ҳам чакки эмас. Ўтган йили ҳар бош соғин сигирдан ўртача 4 минг 150 килограммдан сут соғиб олдик. Бўрдоқи қорамолларнинг ўртача тирик вазни 530 килограммни ташкил этди.

Ҳа, салмоқли рақамлар!

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили ҳар уччала мусобақадош колхозда қизғин бошланди. Ўтган йили давлатга 26,5 минг тоннага яқин «оқ олтин», 525 тонна гўшт, 2 минг 150 тонна сут, 6 минг дона қоракўл тери ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берган Пролетар районидаги Ленин номли колхоз азаматлари бу йил 32 минг тонналик пахта хирмони уйиш, мўл гўшт, сут, пилла, қоракўл тери, мева, сабзавот етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг мусобақадошлари оққўрғонликлар ҳам, бекободликлар ҳам янги марраларни кўзламоқдалар. Мусобақадошлар КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми (1981 йил) қарорлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини уюштириш тўғрисидаги қарори асосида иш тутмоқдалар. Энг муҳими, улар мусобақанинг янада амалий тус олиши учун курашаётирлар. Масалан, пролетарликлар ўртача пахта ҳосилдорлиги бўйича ўзбекистонлик мусобақадошларидан орқада бўлганликлари учун пахта етиштиришнинг Тошкент технологиясини чуқур ўрганмоқдалар. Ўз навбатида оққўрғонлик ва бекободлик заршунослар Ленин номли колхознинг Исоқ Ботиров, Жалил Набиев, Насрулла Сафидуллаев сингари 60 центнерчи бригадаларининг иш тажрибасини ўзлаштирмоқдалар. Пролетарликлар эса бекободлик сут соғувчиларнинг ишидан ибрат олмоқдалар.

Қардошлар мусобақаси давом этмоқда. Икки қардош халқ деҳқонларининг ҳамкорлиги бу йил ҳам ажойиб самаралар беради. Шу ўринда Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари Эгамназар Ҳотамовнинг айтганларини эслаш жоиздир:

— Мусобақа — катта куч. Биз унга ишлаб чиқариш самарадорлигини, кишиларнинг меҳнат фаоллигини кучайтириш воситаси сифатида, дўстлик, қардошлик, маданий ва маънавий ҳамкорлик воситаси сифатида қараймиз. Ана шу самимий дўстлик асосига қурилган ҳамкорлик янги-янги ютуқлар гаровидир. Ёрқин уфқлар олдинда!

**Мухтор БАҲРИДДИНОВ,**
**Тоштемир ЖЎРАБОЕВ**

---

асарларнинг композицияси ҳам ашула талабига бўйсундирилган.

Сатирик шеърларда Ҳамза комик ситуацияни тўғри топиб тасвирлайди. Унинг шеърларида вазият комиклиги ҳам, баён комизми ҳам бор. Сўнгги ҳол кўпинча сўз ўйини формасида учрайди.

Ҳамза синовдан ўтказиб берган машҳур ашулаларга пародия ва назира қилиш услуби ҳозирги замон сатирасида кўп учраши шоир традицияларининг давоми, деб қаралиши керак.

Ҳамза Октябрь инқилобидан аввал бадиий асар халқ учун ёзиладиган бўлса, халқ тилида ёзилиши керак, деган эстетик принципни қаттиқ ушлади ва уни бутун ижоди давомида юқори кўтариб ўтди. Агар инқилобгача бўлган ижодида шоир араб, форс тили элементларига, архаик сўзларга анчагина ўрин берган бўлса, совет даври асарларининг тили мусаффо, тиниқ, равон. Ҳамзанинг поэтик лексикони жуда бой. Ҳамза поэзиясида учрайдиган совет-интернационал сўзлар шоирнинг жонли сўзлашув тилини кузатиб ва ўрганиб юрганидан далолат беради.

Ҳақиқий санъаткор сифатида Ҳамза ўзига хос услуб яратди. Бу услубнинг хусусиятларидан бири ибораларнинг ўта образлилигидир. Шоир адабиёт — образлар орқали тафаккур қилмоқдир, деган принципни қаттиқ ушлаган. Шунинг учун ҳам оригинал образлар, ташбеҳлар, муболағалар мазмундор, айни чоқда кулги туғдириш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади. Шеърдаги тон, тасвир объектига автор муносабати бадиий тасвир воситаларининг характерини белгилайди.

Шеъриятнинг энг муҳим элементларидан бири қофиядир. Ҳамза қофияга катта эътибор билан қаради, оригинал қофиялар ахтарди, кўпинча тўқ қофия ишлатди. Лекин ҳеч қачон қофия учун мазмунни қурбон қилмади, бунинг акси эса гоҳи учраб қолади. Аруз вазнида ёзган шеърларида Ҳамза радифнинг қисқа ва мазмундорини танлади. Кўпинча мураддиф шеърдан воз кечиб, муқаффо шеърлар ёзди. Ҳамза ўзбек совет шоирларидан биринчи бўлиб қофиялашган прозани совет адабиётига олиб кирди.

Ҳамза ҳақиқий услуб эркинлиги совет адабиётидагина бўлиши, ягона ижодий метод услублар ҳар хиллигини инкор этмаслигини исбот қилиб, совет даври поэтик ижодида уч хил вазн ишлатди. Аруз вазни кўпроқ ишқий ва сатирик шеърларида, қисман сиёсий лирикада учрайди. Ҳамза бу вазндан имкон борича фойдаланиб, уни инкор этмаган ҳолда жуда кўп асарларини бармоқ вазнида ёзди. Янги ҳаётни, воқеликдан туғилган жўшқин ҳиссиётларни ифода этишга аруз вазнининг рамкаси торлик қилиб қолгани учун Ҳамза ўзининг инқилобдан аввалги давр ижодида тажрибадан ўтган бармоқ вазнини биринчи бўлиб етакчи вазн сифатида ишлатди ва уни ўзбек совет поэзиясига доимий қурол сифатида киритди. Бу ташаббус бошқа совет шоирлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланди ва ижодий давом эттирилмоқда.

1927 йилларда ўзбек совет адабиётида Маяковский таъсири жуда кучайган, кўпчилик шоирлар ундан ибрат олиб, эркин вазнда ижод қилганлар. Шулар қаторида Ҳамза ҳам эркин вазнда «Қутлуғ бўлсин» шеърини ёзган. Бу шеър Ҳамза уч вазнда ижод қилганлигини исботловчи ва Ҳамзанинг улуғ Маяковский билан ижодий алоқасини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қадрлидир.

Ана шу ўзи ишлатган уч вазн талаби остида Ҳамза строфика системасига ҳам янгиликлар киритган. Агар аруз ва эркин вазнда унинг янгилиги кўп бўлмаса ҳам, бармоқ вазнида шоир а-а-б-а-а строфикаларни биринчи бўлиб қўллайди.

Ҳамза бармоқ вазнини ўзбек халқ оғзаки ижоди тажрибасини ўрганиш орқали, инқилобдан аввал қўшиқлар ёзиш вақтида чуқур эгаллаган. Шу маънода Ҳамза ижодига фольклор таъсири кучлидир. Бу таъсир формадагина эмас, мазмунда ҳам кўринади. Ҳамза совет даврида ҳам халқ қўшиқларини тўплаган, уларни ўрганган, уларга ўхшатиб инқилобий шеърлар ёзган. У фольклор мотивларини қайта ишлаб «Майсаранинг иши» каби ажойиб комедиялар яратди. Унинг ижодий тажрибаси Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Собир Абдулла каби адибларимизга намуна бўлди ва улар бу традицияни яхшигина давом эттирдилар. Ҳамза, айниқса халқ мақолларига кўп мурожаат қилди.

Ҳамза ўзбек поэзиясида инқилобий лирика, фельетон, публицистик очерк, публицистика, шеърий фельетон, шеърий драма, сажъ, қўшиқ каби поэтик жанрларни бошлаб берди ва шу билан ўзбек совет поэзиясининг жанрлар арсеналини биринчи бўлиб қурди. Бу жанрлар Ҳамзанинг сафдош ва издошлари томонидан бойитилди, янги-янги формалар билан тўлдирилди.

Шу йўсинда Ҳамза ўзбек совет адабиётининг асосчиси ва тўнғич вакили, бу адабиётнинг эстетик принципларини белгилаб берган устоз санъаткор даражасига кўтарилди.

Ҳар бир йирик санъаткор ўз мактабига ва талантли шогирдларига эга бўлади. Шу маънода барча ўзбек совет ёзувчилари Ҳамзанинг традицияларини давом эттираётган издошларидир, дейиш мумкин. Хусусан, Комил Яшин, Собир Абдулла, Ғайратий, Зиннат Фатхуллин, Зиё Саид, Комил Алиев каби ўзбек совет ёзувчилари Ҳамзанинг ёшларга горькийча ғамхўрлиги билан адабиётимизга кириб келганлар. Ўнлаб артистлар, журналистлар, режиссёрлар, композиторлар ҳам Ҳамзанинг шахсан тарбиясини кўрганлар ва ғурур билан ўзларини Ҳамзага шогирд санайдилар.

«Владимир Маяковский, Демьян Бедний ва революция туфайли бунёдга келган бошқа улкан шоирлар рус поэзиясида новаторлик йўлларини излаган ўша тарихий даврда Ҳамза ўзининг миллий адабиётида ана шу йўлларга дадил асос сола олди...

Биз, камбағаллар учун мактаб очиб, халқ маорифи соҳасида ислоҳот ясамоқ учун зўр бериб курашган Ҳамза олдида қуллуқ қиламиз.

Биз, Шарқнинг барча буюк мутафаккирлари сингари йироқ бегона юртлар бўйлаб сафарга отланиб, бирдан-бир ҳақиқатни, яъни ўз ватанини қуллик ва ижтимоий адолатсизликдан озод қилишни топган, ана шу исёнкор қалб эгаси бўлган киши олдида қуллуқ қиламиз.

Биз, шеъриятда ислоҳот ясаган, халқнинг жўшқин революцион интилишлари энг яхшиараннум этиладиган янги шеърий усулларни яратган шоир олдида қуллуқ қиламиз.

Советлар мамлакатининг барча халқлари Ҳамзанинг ёрқин хотирасини ҳурмат билан эсга олиб, унинг тимсолида ҳозирги авлод учунгина эмас, балки келгуси авлод учун ҳам ибратли ажойиб инсонни кўриб турибдилар», деган устоз Николай Тихонов минг марта ҳақ.

# ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

**Шоназар ШОАБДУРАҲМОНОВ,**
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги

МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилган ленинча миллий сиёсат, иқтисодий-сиёсий ва маданий юксалиш СССР халқлари тиллари қаторида ўзбек тилининг ҳартарафлама ривожи ва бойиши учун бекиёс имконият ва шароит яратди. Шу туфайли ўзбек тили қардош тиллар сирасида тараққий топиб, бойиб, ўзбек социалистик миллатининг нормаллашган, ягона адабий тили бўлиб қарор топди. Ўзбек адабий тилининг совет даври тараққиёти уни фан, маданият, маориф ва матбуот тили даражасига кўтарди.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили нормаларининг шаклланиши ва мустаҳкамлана бориши узоқ ва ўзига хос тарихга эга. Ўзбек адабий тили пайдо бўлганидан то шу вақтгача яратилган кўплаб ёзув ёдгорликлари туфайли у ўз нормаларини (турли тарихий даврда турлича бўлишига қарамай) такомиллаштириб келди. Лекин бу такомиллашув эски ўзбек адабий тилида жуда секинлик билан асрлар давомида амалга ошди.

Ўзбек адабий тилининг совет даври тараққиёти, аввало, кўп шевали ўзбек тили хусусиятларини бирлаштирувчи адабий тилнинг таянч диалектини, шунингдек, ўзбек тили фонетик составига мос алфавитга ўтиш ва орфографик нормаларни белгилаб олиш, ягона орфография қоидаларини яратиш ва орфографик луғатлар тузиш; терминологиянинг асосий принципларини белгилаб олиш ва терминологик луғатлар тузиш; грамматик структурани (турланиш, тусланиш, сўз ясалиши, сўз бирикмаси ва гап қурилиши моделларини) нормалаштириш; лексик нормаларни белгилаб олиш; орфоэпик нормаларни белгилаб олиш каби бир қанча масалаларни тўғри амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда содир бўлди.

Ўзбек адабий тили нормаларини белгилаш учун марказий шаҳар шеваларининг таянч шевалар сифатида олиниши ва шу шеваларга таяниш тилнинг манбаларидан бирини тўғри аниқлашга ёрдам берди, уни халқ тилига яқинлаштирди. Иқтисодий-сиёсий ва маданий юксалиш ўзбек адабий тилининг қўлланиш доирасини кенгайтирди. Адабий тил нормаларининг кенг умумлаша бориши аста-секин тор диалектик нутқ доирасида ҳам умумийликни вужудга келтирди.

Маълумки, ўтмишда генетик жиҳатдан турлича бўлган ўзбек халқ диалектларининг бир умумий тилга бирлашиши учун халқнинг экономик ва маданий жиҳатдан қолоқлиги тўсқинлик қилиб келган эди. Территория жиҳатидан чегараланган бу диалектлар шеваларaро фарқларни сақлаб турар эди. Шеваларнинг текислаша бориш жараёни революциядан кейин республикамизда амалга оширилган социал-иқтисодий тадбирлар натижасида интенсивлашди. Диалектик хусусиятларнинг сўна бориши фақат қўшни шеваларнинг ўзаро тил муносабатлари натижасидагина эмас, балки ягона адабий тилнинг атрофлича самарали таъсири натижасида воқе бўлди. Бу ҳол ўзбек халқи ҳаётида рўй берган янги социалистик муносабатларнинг тобора ўсиши, кенгайиши билан ҳам боғлиқ эди.

Ҳозирги кунда анъанавий тор диалектал хусусиятлар тугай бориши ҳисобига адабий тил хусусиятлари кенгроқ амал қила бошлади. Диалектларга янги тил фактларининг кириб бориши адабий тил таъсири орқали яна кучайди. Адабий тилдаги сўз ва формалар диалектлардаги ўзига мос сўз ва формаларнинг ўрнига алмашинди, баъзан эса диалектал сўз ва формаларнинг ўзи адабий тил нормасига айланди.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили ўзининг тараққиёт жараёнида ички имкониятлардан (эски ўзбек адабий тили анъанаси ва жонли тилдан) фойдаланиш билан бирга, ташқи омиллардан (бошқа тиллардан сўз олиш) кенг фойдаланди.

Ҳозирги замон ўзбек тили анъанавий ўзбек тили сўз фондини сақлаб қолган ҳолда, ўзи учун таянч бўлган диалектлардан, халқ тилидан кўплаб сўз ва формалар олди. Сўз ва формаларнинг шаклан бирлиги таъминланди. Традицион сўзлар маъносида кенгайиш, силжиш содир бўлди.

Адабий тил сўз составининг асосий қисмини ўзбек халқ тилининг асрлар давомида шаклланган туб сўзлари ташкил этади. Бундай сўзлар адабий тилда мустаҳкам ўрин олганига қарамай, айрим ҳолларда бир тушунчани ифодаловчи сўзнинг турли шаклда учраши кўринади. Бундай сўзлар бадиий асар тилида учраб турса-да, уларнинг бири адабий тил учун норма бўлиб, бошқаси эса унинг диалектал синоними бўлиб қолганича йўқ. Масалан, зағизғон — ҳакка, ўғир — кели, читтак — жинқарча, гаримдори — қалампир, ёстиқ — болиш, беда — йўнғичқа, нарвон — шоти каби.

Айтиш мумкинки, кўп сўзлар ўзининг доминантини белгилаш босқичида турибди. Шунингдек, айрим дублет сўзлар ҳам борки, улар тилнинг лаёқатини, имкониятларини белгилаб, шу билан бирга стилистик ранг бериш учун ишлатилмоқда: прогрессив — тараққийпарвар, интеллигент — зиёли, инсоният — кишилик, процесс — жараён. У кўпгина **тараққийпарвар зиёлиларга** яқин алоқада бўлди (Ойбек). Бир вақтлар камтар бир муаллим, **прогрессив** интеллигент бир неча ёшларни зиёфатга таклиф этган эди (Ойбек).

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилида жуда бой бадиий ва ижтимоий-сиёсий адабиёт, шунингдек, фан, техника тармоқларига оид асарлар яратилди. Бу ҳол ўз навбатида ўзбек адабий тили ривожини янги босқичга кўтарди. Ўзбек адабий тили ривожида ва унинг нормаларининг турғунлашувида, тилнинг ижтимоий стилистик имкониятларининг кенгайишида ўзбек ёзувчиларининг ҳам хизматлари катта бўлди. Улар халқ тилининг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўзбек адабий тилининг бойишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ўтмишда ўзбек адабий тили лексик составига араб-форс сўзлари ҳам қабул қилинган эди. Бу сўзлар ўзбек адабий тили тараққиётида маълум ўзгаришларга учради. Ўзбек тили талаффуз нормаларига бўйсундирилди. Айрим китобий сўзлар ўзбек сўзлари ва рус-интернационал сўзлар билан алмаштирилди. Халқ учун тушунарли бўлиб кетганлари эса, туб ўзбек сўзлари каби ўқиладиган бўлди ва ҳозирги ўзбек адабий тили учун лексик нормага айланди.

Асрлар давомида ўзбек ва тожик халқларининг бирга яшаб, яқин муносабатда бўлганлари уларнинг тилларида ҳам акс этди. Бу ҳол икки тилнинг ўзаро бойишига олиб келди.

Маълумки, Иттифоқимиздаги миллий тиллар халқларнинг дўстлиги ва ўзаро ишончи мавжуд бўлган социалистик шароитда бир-бирини бойитиб, тенг ҳуқуқ асосида ривожланмоқда. Тилларнинг ўзаро алоқаси ва муносабатларининг ижодий характери — СССР халқлари миллий тилларининг асосий ривожланиш қонуниятларидан биридир. Ижтимоий ҳаётда содир бўлган барча янгиликларнинг тилда ўз аксини топа бориши ҳам, тилнинг тузилиш ва вазифа жиҳатидан такомиллашуви ҳам, ўз имкониятлари ҳисобига бойиши ҳам миллий тиллар ривожланишининг шу қонунияти асосида воқе бўлади.

Айни вақтда, СССР халқлари тиллари тараққиёти қонуниятларидан бири бўлган тилларнинг ўзаро муносабати ва ҳамкорлиги, ўзаро бир-бирини бойитиши социалистик миллатлар ва маданиятларнинг ҳам ўзаро яқинлашувини таъминламоқда.

Миллий тилларнинг ўзаро муносабати ва ҳамкорлигида, илғор ғоя, фан, маданият, социал тараққиёт ва тинчлик учун курашда, шунингдек, СССР халқларининг миллатлараро алоқа тили сифатида улуғ рус тили тутган фахрли ўринни алоҳида таъкидламоқ керак. СССР халқлари миллий тилларида илмий-сиёсий терминологияни ишлаб чиқишда, умумий лексик интернационал фондни яратишда, миллий тилларнинг фонетик, лексик, грамматик ва стилистик такомиллашувида рус тилининг ижобий ва ижодий ёрдами жуда катта бўлди. Ўзбек адабий тилининг ҳам ҳар томонлама ривожланиб шаклланишида, шубҳасиз, рус тилининг баракали таъсири бор.

Рус тилининг ўзбек тили тараққиёти ва бойишига бўлган самарали таъсири рус тилидан ўзбек тилига қабул қилинган сўз ва формалар, маъно ва стилистик бўёқларнинг миқдоридагина эмас, балки ўзбек тилининг ўз имкониятларини ҳам активлаштирганида, ижодий қўзғатганида ҳам кўринади.

Рус тили ўзбек адабий тилининг тузилиши жиҳатидан ривожида ва бойишида асосий манба бўлди. Бу ҳол ўзбек тилининг лексик жиҳатдан тараққий этишида айниқса яққол кўринади. Совет даврида ўзбек адабий тили лексикаси рус тили ва у линган рус-интернационал сўзлар ҳисобига бойиди. Бу сўзлар ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, илмий-техник, умуммаданий терминлар ва аббревиатуралардир. Ўзбек тилига янги-янги тушунча ва атамаларнинг кириб келиши билан боғлиқ ҳолда бундай сўз ва терминларнинг миқдори яна ортди.

Ўзбек адабий тилида учрайдиган ва унда умумлексик фонд сифатида мустаҳкамланган **социализм, коммунизм, коммунист, совет, съезд, партия, демократия, интернационализм, прогрессив, пролетариат, реформа, диктатура** каби ижтимоий-сиёсий терминологияга хос сўз ва терминлар; **машина, автобус, луноход, поезд, электр, завод, кибернетика, институт, фабрика, космонавтика, механика, кафедра, электрон, конференция** каби фан-техника ва саноатга хос сўз ва терминлар; **трактор, агроном, агротехника, комбайн, ирригация, мелиорация** каби қишлоқ хўжалигига хос сўз ва терминлар; **футбол, матч, хоккей, турнир, тренер, полковник, пулемёт, солдат** каби спорт ва ҳарбий ишга хос сўз ва терминлар; **концерт, театр, клуб, газета, журнал, композитор, артист, роман, очерк, драма, лирика, фельетон** каби санъат, адабиёт ва маданий-оқартув ишларига хос сўз ва терминлар; **гастроном, ярмарка, магазин, ассортимент, кредит, буфет** каби савдо-сотиққа хос сўз ва терминлар; **тротуар, водопровод, канал, парк** каби ободончиликка хос сўз ва терминлар; **помидор, картошка, печенье, костюм, пальто, стакан, шкаф, стол, кровать** каби озиқ-овқат, кийим ва рўзғор буюмларига хос сўзлар; **колхоз, совхоз, СССР, комсомол** каби аббревиатуралар ва кўплаб турли соҳаларга хос сўз ва терминлар рус тилида ҳамда у орқали **мотор, метод, коллектив, система, монтаж, группа, предмет, секретарь, директор, граждан** каби сўз ва терминлар рус тилидан ва у орқали бошқа тиллардан ўзлашгандир. Бундай сўзларнинг ўзбек адабий тилидаги талаффузи ва ёзилиши ҳам миллий тиллараро бир-бирига мосдир. Бу ҳол совет халқларининг барчаси учун умумий бўлган ягона лексик фонднинг шаклланиб бораётганидан далолат беради.

Юқорида айтилганидек, рус тили ва унда яратилган грамматик ва сўз ясаш моделлари ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари асосида тил ижод қилиш жараёнининг ривожланиши учун ҳам туртки бўлди. Дарҳақиқат, рус тилининг грамматик ва сўз ясаш моделлари таъсири туфайли ўзбек тилида сўз яратиш ва грамматик қурилишнинг янги-янги формалари вужудга келди, ривожланди, тараққий этди. Бу ҳол, айниқса, ўзбек тилининг ўз имкониятлари натижасида сўз ясаш (масалан, **-чи, -лик, -иш, -ма, -лаш, -лаштириш** каби айрим аффиксларнинг активлашувида), калькалаш, сўзларни қўшиш орқали янги сўз ва сўз бирикмалари яратиш ҳамда сўзларнинг семантик силжишида яққол кўринади.

Ҳозирги замон ўзбек адабий тили фонетик системаси ривожида ҳам бевосита рус тилининг таъсирини кўрамиз. Бу таъсир натижасида а (**база** сўзидаги каби), **о** (**тонна** сўзидаги каби), **и** (**лирика** сўзидаги каби) унлиларнинг талаффузи, шунингдек, лаб-тиш, **в, ф,** сирғалувчи **ж** (**вагон, фабрика, журнал** сўзларидаги каби) ва қоришиқ **ц** (**цирк** сўзидаги каби) ундошларининг талаффузи ўзлашди. Ўзбек адабий тили фонетикасида унли ва ундошларнинг қават келиши, янги бўғин типларининг пайдо бўлиши ва уруғда содир бўлган айрим ўзгаришлар ҳам бевосита рус тилининг самарали таъсири туфайлидир.

Шунингдек, ўзбек алфавитини рус графикаси асосидаги алфавитга кўчирилиши ўзбек ёзувини демократлаштиришнинг ёрқин намунаси

**ШИРИН СУҲБАТ.**

**(Академик Воҳид ЗОҲИДОВ ва Ўзбекистон халқ шоири УЙҒУН)**

...ти ва у орқали жаҳон маданияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбек тилининг совет давридаги тараққиёти унинг функционал тараққиётини ҳам белгилади. Тилнинг функционал тараққиёти — бу унинг ижтимоий функциясининг, қўлланиш доирасининг кенгайиши ва халқларнинг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаётида тилнинг ролининг ошишидир.

Бу жиҳатдан ўзбек тили шу тилда сўзлашувчи халқларнинг алоқа воситасигина эмас, балки ривожланган ўқиш ва ўқитиш тили, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиёт тили, матбуот тили даражасигача кўтарилди, инсон муносабатларининг барча соҳаларида амал қила оладиган тилга айланди.

Рус тили Иттифоқимиздаги миллий тилларни, шу қатори ўзбек тилини бойитиш ва ривожлантиришда ягона манба бўлиши билан бирга у миллатлараро алоқа воситаси, республикалар эришган миллий маданият, фан ва техника ютуқларини ташвиқ қилувчи восита сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Фақат шу тил туфайли ўзбек фани, халқ хўжалиги ва санъати, адабиёти эришган ютуқлар Иттифоқ ва жаҳон миқёсига кўтарилди. Ўзбек совет адабиёти классиклари асарлари рус тилига қилинган таржималари орқали мамлакатимиздагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам машҳур бўлди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда рус тили миллатлараро алоқа воситаси, образли қилиб айтганда, СССРдаги рус бўлмаган халқларнинг иккинчи она тилидир. СССРдаги барча миллатлар ва элатлар рус тилини умумалоқа тили сифатида ихтиёрий танлаганлар. Чунки у — дунё тиллари орасида энг тараққий этган тиллардан бири. Шу билан бирга у Совет Иттифоқи халқларининг кўпчилиги сўзлашадиган тилдир. Рус тилида илмий-техник ва маданий маълумотларни билмай туриб, халқларнинг юксак маънавий қизиқишини қондириш, фан ва техника ютуқларини мукаммал билиш мумкин эмас. Жаҳон цивилизацияси, маданияти билан танишмоқ учун ҳам рус тилини билмоқ керак. Шуларнинг ҳаммаси совет халқлари томонидан рус тилини ўрганишга бўлган интилишни ва унга бўлган ҳурматни оширди. Рус тилини табиий равишда кўпмиллатли совет халқлари муносабатида умумалоқа воситаси бўлишини ҳаётнинг ўзи белгилади.

Рус халқи, унинг қудратли бой тилига бўлган қизиқишимиз, ҳурматимиз кўпмиллатли ва кўптилли мамлакатимиз халқларининг тил практикасида ҳам миллий тилдан, ҳам рус тилидан фойдаланиш — икки тиллилик (билингвизм)ни вужудга келтирди. Бу икки тиллиликнинг ўзига хос характерли томони шундаки, ҳар икки тил, мутлақо тенг ҳуқуқлилик принципи асосида, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида коммуникатив функцияларини баробар бажараверадилар.

Ўзбек адабий тилининг бугунги ҳолатини кўрмоқ учун «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га бир назар ташланг. Унда Ҳамзадан ҳозирги кунгача бўлган ёзувчилар тилида учрайдиган олтмиш минг сўз ва ибора изоҳланган. Бу ўзбек тили сўз составининг ҳаммаси деган сўз эмас. Лекин луғат маълум даражада ўзбек адабий тилининг ҳозирги ҳолатини кўрсата олади.

Ниҳоят, шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирги ўзбек адабий тили марксизм-ленинизм классиклари асарлари ва улардаги теран фикрларни, жаҳон ва рус адабиёти классиклари асарларини тўла ифода эта оладиган лексик бой, грамматик сайқалланган, нормалашган тил даражасига — СССР ташкил топган кундан бери ўтган 60 йил ичида ўзбек халқи эришган муваффақиятлар мужассами даражасига кўтарилди.

# ЗАРБДОРЛАР

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг чорвачилик бўйича кўрсаткичлари 1981 йилда ҳам яхши бўлди. Ўтган йили маҳсулот таннархининг камайиши натижасида мазкур хўжалик экономикаси янада мустаҳкамланди, ўнинчи беш йиллик якунларига кўра колхоз Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳмуд Исматов эришилган ютуқларнинг сирини бизга гапириб берди:

— Чорвачилик хўжалигимизнинг етакчи тармоқларидан бўлса, ўз навбатида, бу тармоқнинг ҳам қорамолчилик, қўйчилик, йилқичилик, асаларичилик, паррандачилик каби ўнга яқин тури мавжуд. Уч йил илгари хўжалигимизга райондаги камқувват хўжаликлардан бири — Фрунзе номли колхоз қўшиб олинди. 1977 йилда Фрунзе номли колхозда ҳар бош сигирдан атиги 2 минг 300 килограммдан сут соғиб олинган эди. Икки колхоз қўшилгач, ташвиш икки баравар ортди. Лекин қийинчиликдан чўчимадик. Резерв ва имкониятларни ишга солдик. Моллариннг зотини яхшилашда, озуқа рационини йилнинг ҳар мавсумига мослаб тузишда республика Чорвачилик илмий-тадқиқот институти олимлари билан маслаҳатлашдик, уларнинг ёрдамига суяндик. Умуман, колхознинг ўртача кўрсаткичини туширмасликка ҳаракат қилдик. Бунинг учун икки нарса асосий омил бўлди: биринчиси — чорвадорларимизнинг жонкуярлиги; иккинчиси — озуқа базасини мустаҳкамлаш. Эндиликда сигирларнинг ҳар биридан 5 минг килограммгача серқаймоқ сут соғиб олинмоқда.

Биз сут-товар фермасига йўл олдик. Оқ халат кийган соғувчи қизлар ўзларига биркитилган говмишларни соғиб бўлиб, тоза ҳавога ҳайдаб чиқаётган эканлар. Маҳмуд ака соғувчилардан бирини — Жамила Асхўжаевани таништирди. Истераси иссиқ бу аёл ўз ишлари ҳақида кам гапирарди. У ҳар соғин сигирдан 5 минг килограммдан сут соғиб, биринчиликни эгаллабди.

— Жамилахон, сигирнинг серсутлилигини қандай биласиз?— деб сўрадик ундан.

— Агар одам ўз ишига сидқидилдан меҳр қўйса, касбининг сирларини тез пайқаб олади. Биз одатда қорамолни иккига ажратамиз: гўштбоп ҳамда сутдор. Баъзи хўжаликларда ишнинг бу томонига эътибор бермай, гўштбоп сигирдан ҳам сут олмоқчи бўлишади. Бу тўғри эмас.

Ҳа, Жамила Асхўжаева ҳақиқатан ҳам моҳир, касбига чинакам меҳр қўйганлардан. У узрли сабаб билан бирор кун фермага келолмай қолса, алланарсасини йўқотиб қўйгандек бўлади, говмишларини соғинади.

— Дунёда инсон меъдасига урмайдиган неъмат — бу сут,— деди Жамила.— Инсон танини яйратадиган, унинг умрига умр қўшадиган оқликни кўпайтириш билан биз бахтиёрмиз.

Жамиланинг гапини унинг ишчан ҳамкасблари Анора Тожиева, Гулсара Бердибоева, Салима Чинжигитова, Мунаввара Абдураҳмоновалар маъқуллашди.

— Сигир — бу дастгоҳ эмас, жонли организм,— дея Жамиланинг гапига илова қилди Анора Тожиева.— Унга меҳр билан қараш керак. Сершира озуқа етарли бўлиши лозим.

— Анора тўғри айтади,— деди суҳбатга қўшилиб Мунаввара.— Сигирнинг сути тилида, дейди халқимиз. Агар озуқа таркибида протеин, витаминлар ва минерал моддалар каби тўйимли озуқалар етарли бўлса, говмишларнинг сути ортаверади.

— Қизларимиз — ўз ишининг устаси,— деди Маҳмуд ака суҳбатга якун ясаркан.— Соғувчиларимиз аппаратларни ювиш, сигирларнинг танасини тозалаш, сутни соғиб олиш билан банд бўладилар. Молларни озиқлантириш учун эса махсус кишилар ажратилган. Ҳозир хўжалигимиз фермаларида 1 минг 200 бошдан ортиқ қорамол, 3 минг 600 бош қўй, 5 минг 500 та парранда, 60 уя асалари мавжуд. Ҳар бир участканинг ўз миришкорлари етишиб чиқмоқда. Юқорида номлари тилга олинган соғувчиларимиз сут соғишда ўрнак кўрсатаётган бўлсалар, Гулзина Оймирзаева, Петр Смирнов каби молбоқарлар зотдор ғунажинларни меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Колхозимиз наслчилик ишларини яхши йўлга қўйганлиги учун республика кўрик-конкурсида иккинчи ўринни эгаллади.

Колхозда 1981 йили аввалги йилдагидан 125 тонна кўп сут етиштирилди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори 110 килограммга ортди. Булар зарбдорчасига меҳнат қилаётган моҳир ва ишбилармон чорвадорлар меҳнатининг самарасидир. Улар беш йилликнинг иккинчи йилида янада юксакроқ марраларни кўзламоқдалар.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ**

# ЗАМОНГА ҲАМНАФАС



Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Воҳид Абдуллаев эллик йилдан буён илм-фан ривожи учун самарали меҳнат қилиб келмоқда.

Устоз Садриддин Айний ҳам шогирди Воҳид Абдуллаев истеъдодига яхши баҳо берганлигини биламиз. Чехословакия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг илмий ходими, доктор Иржи Бечка эса: «...Воҳид Абдуллаевнинг аъло даражада ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» китоби ва бошқа илмий асарлари менга, менинг тожик адабиёти ҳақида олиб бораётган илмий ишимга катта ёрдам бермоқда», деб таъкидлаган эди. РСФСР Педагогика Фанлар академиясининг академиги, профессор В. В. Решетовнинг мана бу сўзлари ҳам Иржи Бечка фикрининг давомига ўхшайди: «Профессор Воҳид Абдуллаев ўзбек, тожик ва бошқа қардош республикалар адабиётининг талантли тадқиқотчиси сифатида ўзини кўрсатди. Етмишдан ортиқ илмий тадқиқот ва ўқув методик характердаги асарлар унинг қаламига мансубдир. Айниқса, олимнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» номли дарслик китоби мутахассислар томонидан юқори баҳоланди».

Ҳақиқатан ҳам В. Абдуллаев Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлигидан тўлиқ баҳраманд бўлгани ҳолда униб-ўсган ва бутун фаолияти коммунистик идеалга чексиз муҳаббат руҳи билан суғорилган олимдир.

Воҳид Абдуллаев 1912 йили Самарқандда камбағал-деҳқон оиласида туғилди. Совет мактабларида ўқиди. 1932 йилда Фарғона Давлат педагогика институтини битирди. Шундан сўнг Ўзбек Давлат университети (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети) ва Ўзбекистон ССР Фанлар комитети қошидаги аспирантурада ўқиди. Машҳур рус олимлари: профессорлар Л. М. Тимофеев, Ю. М. Соколов, Г. Ф. Асмус, Г. С. Федосеев, Е. Э. Бертельс ҳамда Садриддин Айнийдан таълим олди. У 1935 йили аспирантуранинг назарий курсини тамомлагач, аввало Тошкентда республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида адабиёт фанидан дарс берди, 1936 йилда эса Серго Оржоникидзе номидаги Бухоро Давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти кафедрасига мудир қилиб тайинланди.

Воҳид Абдуллаев 1938 йилда Бухородан Самарқандга қайтиб, Максим Горький номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтида адабиёт кафедрасининг мудири бўлиб ишлай бошлади. Айни пайтда илмий-текшириш ишларини ҳам давом эттирди ва 1941 йил 31 майда улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳаёти ва Самарқандлиги фаолиятига бағишланган кандидатлик диссертациясини ўз муваффақият билан ҳимоя қилди.

Маълумки, кўпгина шарқшунос ва адабиётшунос олимлар Навоий не сабаблар биландир Самарқандга келган, бу ерда икки йил ўқиган, дейишдан нарига ўтолмас эдилар. Воҳид Абдуллаев эса ўз илмий ишида Алишер Навоийнинг Самарқандга келиш сабаблари, 1465—1469 йиллар давомида унинг Мовароуннаҳрда бўлгани, замондошлари, ўрганган фанлари, Фазлулло Абулайсий хонадонидаги ҳаёти, бу ерда ёзган асарлари, Ҳиротга қайтгач, Самарқанд ва умуман, Мовароуннаҳр аҳолиси, айниқса, илм-фан, маданият аҳллари билан ўз муносабатларини узмаганлигини батафсил ёритиб берди.

Воҳид Абдуллаев Улуғ Ватан урушн йилларида мамлакат ичкарисини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида қизғин қатнашди. Жумладан, жангчиларимизни душман устидан ғалаба қозонишга чорловчи публицистик мақолалар ва шеърлар ёзди. У Ўзбекистон делегацияси составида 1942 йилда ўзбек халқининг совғасаломларини олиб фронтга борди.

Воҳид Абдуллаев 1944 йилдан то ҳозирга қадар Самарқанд Давлат университетининг ўзбек адабиёти кафедрасини бошқариб келмоқда. Шу давр ичида у мамлакатимизга жуда кўплаб малакали филолог кадрлар, олимлар етиштиришда катта куч-ғайрат сарфлади. Воҳид Абдуллаев 1963—1970 йилларда Самарқанд Давлат университетининг ректори сифатида ҳормай-толмай ишлади.

В. Абдуллаев республикамизда адабиётшунослик фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган. Ўзбек адабиёти тарихида ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган сиймоларни «тирилтириш»да — уларнинг ноёб асарларини халқ орасида кенг тарғиб қилишда, ўзбек адабиёти тарихида очиқ қолган саҳифаларни тўлдиришда В. Абдуллаевнинг хизматлари улкан. Бу соҳада, айниқса унинг 1959 йилда «XVII—XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти» мавзуида ёқлаган докторлик диссертацияси муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек адабиётшунослигини бойитган бу тадқиқот изланувчан олимнинг узоқ йиллар давомида олиб борган жиддий меҳнати, чуқур илмий текширишларининг мевасидир. Зотан, айрим тарихчи ва адабиётчи олимлар XVII—XVIII асрлар ўзбек адабиёти тарихида «сокин» давр бўлган, бу даврда ҳозирги Ўзбекистон территориясида деярли адабиёт ривожланмаган, кўзга кўринарли шоирлар ҳам ўтмаган, деган бир ёқлама фикрларни такрорлаб келар эдилар. В. Абдуллаев жуда кўп нодир қўлёзма манбаларни топиш, уларни синчиклаб ўрганиш асосида юқоридаги каби ғайриилмий фикрларнинг хато эканлигини исбот қилди. Мавлоно Вафо Вафоий, Паҳлавонқули Равнақ, Хоксор ва Нишотий, Толиб Толибий каби шоирлар асарларининг топилиши — олимнинг янги кашфиётлари, деса бўлади.

Воҳид Абдуллаев асарлари орасида унинг «Ўзбек адабиёти тарихи» номли дарслиги алоҳида аҳралиб туради. Олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида «Ўқитувчи» нашриётида уч марта (1964, 1967, 1981 йилларда) нашр этилган бу китобда XVII—XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек адабиётини юзага келтирган тарихий шароит, ижтимоий ҳаёт билан бирга, маданий муҳит, илм-фан, архитектура, музика соҳалари бўйича муҳим маълумотлар келтирилган.

Олим ўзбек адабиётини таҳлил қилар экан, уни тарихий шароит, халқ оғзаки ижоди, халқ китоблари ва қардош халқлар адабиёти билан мустаҳкам алоқада олиб текширади. Классик адабиёт ва фольклорнинг демократик тенденциялари ҳамда реалистик принципларининг XVII—XIX асрларда яшаб ижод этган илғор шоирлар ижодининг шаклланишидаги ижобий ролини кенг ёритади. Ҳар бир даврда яратилган муҳим асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари ва санъат ёдгорликлари батафсил тадқиқ этилиб, улар ҳақида атрофлича маълумот берилади.

Воҳид Абдуллаевнинг мазкур дарслиги икки катта бўлимдан иборат: биринчиси, «XVII аср ва XIX асрнинг биринчи ярми адабиёти» деб номланади. Учинчи нашрда бу икки даврнинг обзор қисми бирлаштирилиб, анчагина янги маълумотлар қўшилган.

Китобнинг биринчи бўлими асосан янги материаллар асосида ёзилган. Унда автор XVII асрдаги моддий ва маънавий маданиятнинг турли-туман соҳаларида қилинган ишлар тўғрисида, жумладан, архитектура обидалари ва уларнинг хусусиятлари, музика ва музикашунослик аҳволи, илм-фан, таълим-тарбия ишларининг савияси тўғрисида ҳам қизиқарли ва муҳим маълумотлар келтиради. Бу даврда яратилган тарихий асарлар (жумладан, Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк») ва уларнинг илмий тарихий аҳамияти, адабиётшуносликка доир асарларнинг (жумладан, самарқандлик Малеҳонинг «Музокирул асҳоб», Мутрибийнинг «Тазкиратуш шуаро» тазкираларининг) ўша давр адабий муҳитини ўрганишдаги аҳамияти таъкидланади.

Дарсликда XVII асрдаги бадиий адабиётда мавжуд бўлган мафкуравий кураш батафсил ёритилган ва прогрессив тенденциядаги ўзбек адабиёти кўлга киритган муваффақиятлар бой материал асосида умумлаштирилган. Шу билан бирга, дарсликда халқ оғзаки ижодида яратилган «Тоҳир ва Зуҳра», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» сингари халқ достонлари ва уларнинг ғоявий-бадиий қиммати, жанр хусусиятлари тўғрисида ҳам муҳим фикрлар баён қилинган. Автор ўша даврдаги адабиётшуносликнинг илмий савиясини кўрсатиш мақсадида Малеҳо ва Мутрибийларнинг тазкираларини таҳлил қилади. Ўша даврдаги шеър назарияси ва шоирларга муносабатни англатувчи адабий-танқидий қарашлар хусусида тўхталади.

В. Абдуллаев ўз дарслигида XVII аср адабий жараёнида муҳим мавқега эга бўлган Турди, Бобораҳим Машраб, Мавлоно Вафо Вафоий, Мавлоно Нодир ва бошқа шоирларнинг ҳаёти, ижодий фаолиятини алоҳида-алоҳида олиб, кенг ва чуқур ёритади. Бу адабий-ижодий портретларда шу шоирларнинг адабиёт соҳасидаги хизматлари, айни пайтда ўша давр ижтимоий ҳаёти билан изоҳланадиган заиф томонлари ҳам очиб берилган. Дарсликда XVII аср китобиётининг ажойиб намунасини яратган шоир ва олим Муҳаммад Хоксор ва унинг «Мунтахаб-ал-луғот» асари ҳақида келтирилган маълумотлар ҳам ғоят қимматлидир.

Воҳид Абдуллаев илмий асарлари ҳақида гапирар эканмиз, унинг «Алишер Навоий Самарқандда» (1948, 1967, 1968 йиллар нашрлари) «Хоксор ва Нишотий» (1960), «Асрлар нафаси» (1970) каби монографиялари ҳам ўзбек адабиётшунослигининг жиддий ютуқларидан эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Чунки бу тадқиқотларда ўзбек классик адабиёти тараққиётида муҳим роль ўйнаган айрим йирик шоирлар ҳаётига ва ижодига оид материаллар тўпланган. «Алишер Навоий Самарқандда» монографиясида ўзбек адабиётшунослигида ёритилмаган, лекин ёритилиши лозим бўлган муҳим мавзу ноёб қўлёзма манбалар асосида ҳал қилиб берилган. Бу асарни ўқиган китобхон Алишер Навоийнинг Самарқанддаги ҳаёти ҳақида тўлиқ маълумот олиш билан бирга, ўша давр ижтимоий ҳаёти, адабиёт ва санъат ёдгорликлари ҳақида ҳам яхши тушунча олади.

Воҳид Абдуллаевнинг «Самарқанд — шоирлар ва олимлар шаҳри» (1967), «Асрлар нафаси» (1970) монографияларида Самарқандда яшаб ижод этган, лекин ўтмишда турли сабабларга кўра бутунлай унутилган ёки номлари кўпчиликка маълум бўлмаган 600 дан ортиқ шоир ва олим ҳақида маълумот берилади. Воҳид Абдуллаевнинг дарслиги ва монографиялари мавзуларнинг актуаллиги, материалнинг янгилиги, фактларнинг кўплиги билан характерланади. Бу хусусият унинг ўзбек классик адабиётининг турли мавзуларини ёритишга бағишланган икки юздан ортиқ мақолаларига ҳам хосдир.

В. Абдуллаев ўзбек адабиётининг тарихига оид бўлган мавзуларни ишлаш билан кифояланиб қолмай, тожик, туркман, озарбойжон, қозоқ адабиёти бўйича ҳам илмий ишлар олиб бормоқда. Ана шу илмий асарларга қараб, уни қардош халқлар адабиётининг ҳам йирик мутахассиси, деб айтиш мумкин. Чунки у «Фузулий ва ўзбек адабиёти», «Собир ва Ажзий» «Ҳофиз», «Мирзо Бедил — буюк шоир ва мутафаккир», «Жомий ва ўзбек адабиёти», «Ўзбек ва туркман адабиёти алоқалари тарихидан» каби мақолаларида озарбойжон, тожик, қозоқ ва туркман адабиётларининг билимдони сифатида қалам тебратиб, қардош халқлар адабиётига оид, хусусан, адабий таъсир ва адабий алоқаларга доир қизиқарли фикрларни ўртага ташлайди.

Устод Воҳид Абдуллаевнинг илм-фанни ривожлантириш ва етук кадрлар тайёрлашдаги хизматлари партия ва совет ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У икки марта Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган.

Муҳтарам устоз Воҳид Абдуллаев 70 ёшга тўлди. Биз у кишини қутлуғ ёши билан муборакбод этамиз ва унга сиҳат-саломатлик, замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўла бориб, маданий меросимизни бугуннинг хизматига қўшишида янгидан-янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

**Сайдулла МИРЗАЕВ,**
**Ботир ВАЛИХЎЖАЕВ,**
филология фанлари докторлари

Самарқанд

# ЙИЛЛАР ТУРНАЛАР КАБИ...

**Убайд РАЖАБ**

Таниқли тожик шоири, Тожикистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Убайд Ражаб эллик ёшга тўлди. У асосан болалар шоири, аммо катта ёшлилар учун ҳам тинмай ижод қилмоқда. У кўп йиллар давомида «Садои Шарқ» журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. Шоир асарлари рус, ўзбек, украин ва бошқа қардош халқлар тилларига таржима қилинган.

Биз шоирни қутлуғ эллик ёши билан табриклаб, унга узоқ умр ва ижодий парвозлар тилаймиз.

* * *

Не-не асрор қулфини очди кимё ҳикмати:
Турли-туман толалар яратилди ботма-бот.
Лек одамлар ёдидан кетмас пахта қиммати,
Пахтасиз мири камдек туюлади бу ҳаёт.
Инсон заковатидан ечилди не чигиллар,
Об-ҳаво чигилидан ўзга мушкул қолмади.
Пахтакор-чи тер тўкар,
ҳатто майишар беллар,
Тола етилгунича деҳқон тиним олмади.
Пахта — қуёш фарзанди,
равшан бу таъбир сири,
Рост, тобланиб вояга етар офтоб тафтидан,
Аммо қадоқ қўлларда бу нозик жон тақдири,
Ерда эмас, унар у гўё деҳқон кафтида.
Деҳқон ҳар бир марзада тутқун бўлар хаёлга,
Гўё тинглаб тургандай ҳар бир ғўза розини,
Ғўза розин тинглабон ўзин тутар саволга,
Не тахлитда қондирсин эҳтиёжу нозини.
Темирлар эригудек саратоннинг қўридан,
Соядаги тупроқ ҳам лаҳча чўғ сандон мисол.
Фақат деҳқон яйрайди бу барака нуридан,
Уни гўё яшнатар гуркираган ҳар ниҳол.
Сингиб кетар жисмига пахтазорнинг ғубори,
Тегирмондан чиққандай оқаради уст-боши.
Замин унга мадору, у — заминнинг мадори,
Қайнатар ҳосил дошин пахтакорнинг бардоши.
Пахта тоғи тоғларга бугун нодир сайқалдир,
Унда башар нигоҳи,
у юртимнинг паноҳи,
Бу тоғ мард пахтакорга энг муаззам ҳайкалдир,
У —матонат,
жасорат,
ҳалол меҳнат гувоҳи...

Йилларнинг қулоғига етармикан бонгимиз?
Йиллар турналар каби учиб ўтдилар шитоб.
Турналарнинг садосин тинглар бедор онгимиз,
Кўз ўнгимдан бирма-бир ўтар гуноҳу савоб.
Ҳаёт — учиш майдони,
қанот қоқиб учдик биз,
Ҳамиша қанот қоқдик қудратимиз етгунча.
Гар орзулар ўлкасин баланд учиб қучдик биз,
Кўрсатдик эл кўзига, этмай уни тугунча.
Шаҳдимизга тўғаноқ бўлди гоҳ ҳасад, фитна,
Йўқса, азму жазмимиз кўпроққа ҳам етарди.
Йўқса, асло қолмасди бугунги иш эртага,
Эқилган ҳар бир уруғ тезда яшнаб кетарди.

Ҳар ким ўз қилмишига жавоб берар бир куни,
Қилмишимдан пушаймон эмасдирман зарра ҳам.
Юрагим не буюрса, бажо келтирдим уни,
Ғаламислар сўзига кирмадим бир карра ҳам.
Ҳар ким кирган бўлса гар ҳасад, фитна сўзига,
Фойда бермас, минг ниқоб тутган билан ўзига.
Боқтум ёруғ юз билан мен келажак кўзига,
Боқтум ёруғ юз билан авлодларнинг юзига...
Йилларнинг қулоғига етармикан бонгимиз?
Йиллар турналар каби учиб ўтдилар шитоб.
Турналарнинг садосин тинглар бедор онгимиз,
Кўз ўнгимдан бирма-бир ўтар гуноҳу савоб.

* * *

Етар, дерлар, бугундан ҳам —
Нурли, файзли, тотли кун.
Кечагидан гарчи тотли,
Гарчи қутлидир бугун.

Бугуннинг ҳар мўъжизаси,
Эскираркан у вақтда.
Янги авлод ўлтираркан,
Бошин тик тутиб тахтда.

Бир авлодким, қалби дарё,
Сизу биздан ўктамроқ.
Бизлардан ҳам қобил, қодир,
Доно, хушдил, таъби чоғ.

Яширмасдан ифшо этар
Дилда ҳарна борини.
Ҳақиқатнинг мезонида
Ўлчар эътиборини.

Унинг амрин тинглаб замин,
Теграсида айланар
Қўшни уйга боргандай у
Коинотга шайланар.

Гарчи қуёш мисоли у
Мукаммалу расодир.
Аммо олтин қўлларига
Бугунимиз асодир.

Буюк йўлни унга, ахир,
Бугун бизлар очганмиз.
Оқ йўл тилаб, омад тилаб,
Меҳримизни сочганмиз.

Қўлидаги йўлланмага
Муҳр босиб берганмиз.
«Ишончли йўл, ишончли қўл»,
Дея кўкрак керганмиз.

Етар, дерлар, бугундан ҳам
Нурли, файзли, тотли кун...
Чунки тарих изми энди
Қўлимиздадир бугун.

* * *

Ғам — ўткинчи,
Ўкинма ҳеч,
Шодлик олар жойини.
Шодликни қуч, қўйган чоғи
Остонангга пойини.
Шодликни қуч, уни асра
Кўз қарогинг сингари.

Чекинмагин, отлан фақат
Бир умр шодлик сари.
Макру найранг, рашку ҳасад —
Ғаму андуҳ йўлдоши.
Кулгин, титраб турсин ёвинг —
Бошига етсин тоши.
Ғам юзига кулиб боқгин,
Унга асло эгма бош.
Йўқса сени чўктиради
Кўзларингдан чиққан ёш.
Бундан ағёр мамнун бўлар,
Сиғмай кетар ўзига.
Ғам чекинар, тик боқсанг гар —
Қон қуйилган кўзига.

Ғам — ўткинчи,
Ўкинма ҳеч,
Шодлик олар жойини.
Шодликни қуч, қўйган чоғи —
Остонангга пойини.

Тожикчадан **Жонибек ҚУВНОҚ** таржимаси.

# ЖЎШҚИН РАССОМ

**Ҳабиб КАРИМОВ**

Рассом Рўзи Чориев санъат даргоҳига катта илҳом, йирик мавзу билан кириб келди. Унинг диплом иши ҳисобланган «Амирликнинг емирилиши» тематик картинасини жамоатчилик илиқ кутиб олди ва мусаввирга ижодий муваффақиятлар тилади. Мақтовлар ёш рассомнинг бошини айлантириб қўймади, аксинча уни янги-янги ижодий ишларга илҳомлантирди. Рўзи Чориев баъзи ёш рассомлар каби кибру ҳавога берилмай, ижоднинг машаққатли сўқмоқларидан юксакликка интилди. У устозлар кўмагида мустақил ижод бўсағасидан ўтганидан кейин қумға сепилган сувдек ғойиб бўлган баъзи тенгқур ижодкорларга ўхшамасликка ҳаракат қилди. Ижод сўқмоқларида адашган ҳоллари ҳам бўлди, аммо бундай пайтларда умидсизликка тушмади.

Тасвирий санъатнинг чўққиси ҳисобланган портрет жанрида ижодий тер тўкишнинг, қаҳрамон характеридаги ўзига хос томонларини илғаб олиб, уни бадиий образга айлантиришнинг уддасидан ҳар ким ҳам чиқавермайди. Бунинг учун катта маҳорат талаб этилади. Рўзи Чориев чизган кўпгина портретлар эса ғоят таъсирчан чиққан. Унинг «Николай Карахан портрети», «Оганес Татевосян портрети», «Қутлуғ Башаров портрети», «Профессор Л. И. Ремпель портрети» асарларининг қаҳрамонлари образлари жуда қаётий чиққан.

Ижодкор тасвирламоқчи бўлган қаҳрамон характерини ҳар томонлама пухта ўрганиб, кейин унинг бадиий образини яратса, ниятига тўлатўкис эришади, албатта. Рўзи Чориевнинг «Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратов» портрет-картинаси худди шу фикрнинг тасдиғидир. Рассом машҳур пахтакорни ўзи меҳнат қилиб юрган она ер бағрида тасвирлаган. Атоқли механизаторнинг келгуси йилда ҳам мўл ҳосил кўтариш, халқ ишончини қозониш орзусида турган ҳолатини маҳорат билан кўрсатган.

Рўзи Чориев — асли сурхондарёлик. У ўзи туғилиб ўсган воҳанинг мафтуни, доимий куйчиси ва тарғиботчиси. Рассом тез-тез шероботдик чўлқуварларнинг эъзозли меҳмони бўлиб туради. Шоймардон Қудратов портрети ҳам ўша ижодий сафарларнинг мевасидир.

Сурхондарёнинг ажойиб қалбли кишилари, ўзига хос бетакрор манзаралари Рўзи Чориевга олам-олам қувонч ва илҳом бағишлаб келмоқда. Рассом шу воҳада чизган дастлабки асарлардан бирини «Бойсун гўзали» деб номлади. Тоғлик жувоннинг нафис қиёфаси санъат мухлисларини сеҳрлади. «Сурхондарёлик келин», «Каштачи», «Тушлик», «Най», «Сурхондарёлик аёл механизаторлар», Сайроб ва Бойсун манзаралари, Шеробод ва Бойсунлик отахон ҳамда онахонларнинг портретлари (этюд тарзида), чўлқуварлар ва ирригаторларнинг меҳнат жасоратлари тасвирланган асарлар кўргазмалардан ўрин олабошлади.

Маълумки, сурхондарёликлар кўпроқ қизил рангни ёқтирадилар. Рўзи Чориев шу воҳанинг фарзанди бўлгани учунми, ҳар қалай, унинг мўйқаламида сайқал топган асарларда, қизил, қоратир, қўнғир рангларни кўпроқ учратамиз.

Сюжетли-тематик картиналар чизиш жуда мураккаб, рассомнинг истеъдоди ва маҳоратини тўла намоён қилувчи жараён. Рўзи Чориев узоқ муддат персонажларни излайди, этюдлар чизади, композициялар, бир асарнинг бир неча хомаки вариантини яратади. Шунинг учун ҳам у эътиборга молик тематик картиналар автори сифатида ҳам ҳурмат қозонди. Мисол учун рассомнинг «Келин-куёв» асарини эслайлик. Картинанинг марказий қисмида нуроний ота-она ҳаяжонда турибди. Ота тарафда куёв (ўғил) ва куёвнавкарлар, меҳрибон она тарафда эса келин ва дугоналари, икки ёш бахтли, иноқ оила қуриш учун отахон ва онахондан оқ фотиҳа олишга келганлар. Автор картинада фақат меҳрибон ота-она, келин-куёвлар образи устида ижодий тер тўкибгина қолмай, ёрдамчи персонажларнинг ҳам қиёфаси, ички ҳаяжонини беришга муваффақ бўлган.

Жўшқин рассом Р. Чориев ўз ижодий ютуқлари билан чекланиб қолмайдиган, шу кунга қадар дунёнинг анчагина мамлакатларида бўлди, талай музейлардаги ноёб асарлар билан танишди, бир олам йўл хотираларини тасвирга туширди. Унинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган ижодий кўргазмаси маданий ҳаётимизда сезиларли воқеа бўлди, Рўзи Чориев камолот даражасига етганлиги, бу истеъдодли рассом келажакда ҳам халқимизга манзур бўладиган янги-янги полотнолар, ажойиб картиналар яратаолишидан далолат берди.

Л. АБДУЛЛАЕВ.

# ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН

ЙЎЛДОШ ОХУНБОБОЕВ.

# ЎзССР ХАЛҚ РАССОМИ **ЛУТФУЛЛА АБДУЛЛАЕВНИНГ** ЯНГИ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР.

ХУМСОН.

УзССРда
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
САНЪАТ АРБОБИ,
**РЎЗИ ЧОРИЕВ**
АСАРЛАРИДАН
НАМУНАЛАР.

КОМПОЗИТОР ИКРОМ АКБАРОВ.

КЕКСА ЧЕКИСТ БАҲРОМ ИБРОҲИМОВ.

РОКСАНАНИНГ БАҲОРИ.

БОЙСУНЛИК ТУРСУНОЙ ОПА.

КПСС ВЕТЕРАНИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ **НАЗИР САФАРОВ.**

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ

# САДОҚАТ

Ибодат асли халққа хизмат,
На масжид, на жойнамозда бу иш...
Саъдий ШЕРОЗИЙ

Кган одам ҳақида ёзишнинг қийинлиги шундаки, «воқеалар ичра воқеалар»ни ажратиб олиш мушкул, яна нимадир қолиб кетгандек туюлаверади. Сабаб — ҳаётнинг серқирралиги, умр йўлининг сермазмунлиги, фаолиятнинг кенглиги. Гап шундаки, севикли «Гулистон» журналидан топшириқ олиб, ўзбек совет адабиётининг намояндалари ичида биринчи бўлиб кўксига «КПСС сафида 50 йил» нишонини таққан атоқли адиб Назир Сафаров ҳақида ёзишга қарор қилганимдан сўнг ўй босди: тўғри, у киши ҳақда ёзганман, лекин доимо мавзуни ўзим белгилаб, ўзимга лозим томонини — қўл етадиган, тиш ўтадиган қиррасини қаламга олганман. Бироқ, ёзувчи кўксига тақилган нишон ҳойнаҳой, уни жанговар адиб, партия солдати сифатида тасаввур қилишни тақозо этади. У эса, таъбир жоиз бўлса, мен дунёга келмасдан қарийб чорак аср муқаддам партиянинг муқаддас остонасига қадам қўйган. Бинобарин, шундай экан, аср тенгдошларигина унинг ҳаётига шаҳодатнома битишга, тўла ҳуқуқ билан сўзлашга ҳақлидирлар.

Мана шу истиҳола қўлимни ушлаб турар, лекин, шу баҳона унинг ибратли ҳаёт йўлини қайта варақлаш, ўрганиш, тасаввур этиш иштиёқи астойдил ёзишга ундарди. Бироқ, бутун ҳаёти, шу жумладан, ўзига нисбатан ҳам «танқидий кўз» дан иборат бўлган адиб билан навбатдаги мулоқот менга қўшимча машаққат юклашини билардим. Бу сафар, оқсоқол маъзур тутсинлар, ўзларининг синалган усулларини қўллаб, танқид кўзойнаги (шахсан ўзлариники)ни қўллашга журъат этдим. Оқсоқолда ҳам танқид кўзи билан қарайдиган жойлар, ўринлар озми-кўпми топилади. Қолаверса, Назир аканинг ўзлари «танқид — келажакнинг меваси» деган иборани ишлатишни яхши кўрадилар, демак, танқидда ҳикмат кўп.

Ана шу ҳикматнинг этагидан тутиб оқсоқол билан юзма-юз келишга ошиқаману, начора, дилимда кечган танқид руҳини уққандек, Назир ака тутқич бермайди. Шаҳри азимда нима кўп, у киши боғланган идора кўп, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи, бу ерда у бош штаб аъзоси — секретариат, правление мажлислари даврасида унинг доимий ўрни бор. Республика кўнгилли Китобсеварлар жамияти правлениесининг раиси — бу ерда ҳам оқсоқолнинг иш столи бор, стол борми, демак, у бўш турмаслиги керак, Назир ака масалага шундай қарайди, кунда бир кўриниш бериш шарт, раис бўлгач, идора ишидан, ҳамма нарсадан огоҳ бўлиши керак. Уруш ветеранлари Тошкент комитетининг аъзоси, Улуғ Ватан уруши темасида қалам тебратадиган ёзувчилар секциясининг раҳбари, республика «Ёш мухбирлар» клубининг президенти, «Совет Ўзбекистони» ва бир қанча республика газеталарининг шай турган доимий мухбири, редколлегия аъзоси. Бунинг устига республиканинг бир қатор областларида — Тошкентда, Самарқандда, Андижонда у фахрий аъзо бўлган колхозлар борки, ёзувчи улар билан ҳам доимий алоқада. Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди халқ ёзувчисига катта ишонч билдирди — у Марказий Комитет составига сайланди.

Хуллас, унинг зиммасида жамоатчилик асосида ўндан ортиқ масъулиятли вазифа борлигидан хабардорман, ҳаммаси холис хизмат, виждон бурчи, қалб амри. Бироқ, уларнинг бирontaсида ва умуман, ҳеч бир жойда (ёлғиз райсобесдан бўлак) касса хизматидан умидвор эмас. Моянаси бўлмаса, таъминоти бўлмаса, тинчлик бўлмаса, бир бошга бунча ташвиш?

Оқсоқол саксонни қоралаяптилар. Ёшлар, шогирдлар унинг тетиклигини кўриб қувонишади. Одатга кўра: «Бардаммисиз?» деб сўраймиз. «Саломатликдан шикоят йўқ», деган жавоб оламиз. «Бунинг сири нимада?» десангиз: «Саксонга тақалиб бориб қолганда биласиз», дейди оқсоқол. Демак, бунинг мағзини чақиш ҳаммага ҳам осон эмас. Шифокорлар, шу жумладан, рафиқалари — Ленин орденли, республикада хизмат кўрсатган врач Мукамбар Қориевна икки сўзнинг бирида: «У кишига осойишталик керак», дейишади. Худди шу нарса етишмайди. Агар: «Бу одамда ҳам «чап бериш» одати борми?» — деб сўрасалар, мен: «Бор», деб айтардим. Менинг фикримни эса даволовчи врач тасдиқлаб, керак бўлса, бу ҳақда ёзиб беришга тайёр. Шикоят ҳам қилишган, фойдаси йўқ, у врачларга чап бергани-берган. «Буйрак чатоқ» деб зудлик билан касалхонага олиб кетишади, ҳамма кечаю кундуз ташвишдаю оқсоқол сир бермайди. Профессор Одил Мухторов мижжа қоқмайди, операция асбоблари тайёр, мана-мана қон босимининг хуружи тўхтайдию... операция бошланади. Унинг палатаси остида ҳамма оёқ учида: сокинлик талаб қилинади. Ҳамшира ҳаяжонда, профессор ташвишда, операция... бу ёшда қандай натижа бераркин? Устига-устак, тинчимас одам бўлса? Эртага соат 12$^{00}$да операция... Лекин оқсоқолни тирноқ оларлик даражада ҳаяжон босмайди. Нега бундай?

Кўплар оқсоқолни ўз-ўзидан иши ўнгидан келаверадиган одам деб юришади. Бунда озми-кўпми ҳақиқат бор. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Табиат ўз сеҳрини кўрсатди, операцияга бир неча соат қолганда машъум тош ўз йўли билан кўчди, операция белгиланган дақиқаларда эса у профессор столида турарди... Оқсоқол эса, кулиб, «ёмонни ўз йўлига қўйинг, ўз оёғи билан йўқ бўлади», дейди.

Оқсоқол мана шунақа одам, гоҳо ўз жонига ҳам шафқат қилмайди. Ўз фойдасини билмагани-чи? Бунга ҳам оқсоқол ҳаётида мисоллар кўп, қай бирини келтириш мумкин? Кўпгина сафарларда бирга бўлганмиз, республика бўйлаб турли хил шароит, турлича муҳитда кезганмиз, айниқса баҳор ва кузда оқсоқол уйда туролмай қолади, кимнингдир, ниманингдир ташвишини қилаверади?

— Ҳаво нега паст? Чигит экишимиз кечикмадимикин? Ёмғир чатоқ, қатқалоқ бостириворади-ку! Ҳароратга нима бўлди? Нега гармсел туряпти, баҳорикор ерларнинг ҳолини танг қилади-ку! Пахта нима бўлди?

Кейин, узоқ йиллик қадрдонлари, қалбга ўрнашган қаҳрамонлари кўз ўнгидан ўта бошлайди. Қўли етган, овози борган жойдан гоҳ телефонда, гоҳ учрашувда, гоҳ дуч келган нотанишдан суриштира бошлайди.

— Мирзачўлданман денг, хўш, аҳвол қалай? «Мирзачўл маршали»ни танийсизми? Ҳа, Саттор Усмоновнида. Ким билмайди, денг. Пахтаси қалай? Одамнинг темирдан ясалган хилидан экан ўзи ҳам, чўл чекиниб адо бўлди, Мирзачўлни у бурчидан бу бурчига қадар қадамба-қадам кезиб чиқди. Лекин ҳамон бўш келмайди. Қаерга борса, йўқни бор қилади, қўриқ бағридан янги хўжаликни йўргаклаб олади, аллалайди, опичади, бешигини тебратиб оёққа қўяди, ўз фарзандининг қўлидан етаклагандай катта ҳаёт йўлига олиб чиқади, кўзга кўринганда эса бошқаси эгалик қилиб кетади. «Ҳей, буни мен йўқдан бор қилгунча сочим оқарди!» деб жар солиб ҳам ўтирмайди. Ильичдаги 6-совхозда эса худди шундай бўлди: Мирзачўлда зафар байроғини дастлаб кўтарган хўжалик мана шу — Титов номли хўжалик эди. Саттор Усмонов уни йиллик хирмони 24 минг тонналик, даромади 12 миллион сўмлик даражага олиб чиқди. Кейин уни Мирзачўлнинг бу бошидан олиб у бошига отдилар, нақ 120 километр нарига бориб тушди. Ёши 60 ни қоралаганда Арнасой — Мирзачўлнинг Қизилқумга туташган нуқтасида Юлиус Фучик номли хўжаликни йўргаклаб олди. Бу хўжалик ҳам оёққа турди, 15 минг тонналик маррага етди, республиканинг машъал қўриқ совхозларидан бирига айландию яна Саттор Усмоновнинг янги кўчиши бошланди. Энди бу сафар у Жиззах даштидаги харитадагина ўрни бор хўжаликка келди. Бугун эса Жиззах даштидаги «Оқ олтин» хўжалиги чўлнинг машъалларидан бирига айланиб бормоқда.

— Нега шундай? — ўй суради оқсоқол, — баъзи бировлар арзимаган тўсиқ, кундалик турмуш қийинчиликларидан нолиб, айюҳаннос солиб юришади. Мана, Саттор Усмоновга ўхшаганлар эса ернинг бу томонидан қоқиб юборилса, у томонидан: «Мен ҳаётман, мен курашаман, мен енгаман», деб тешиб чиқишади. Одам билан одамнинг фарқи ҳам ана шунда эмасми? Мана, Турсуной, ўзбек аёлларининг фахри, лекин у ҳам шу даражага етгунга қадар озмунча синов йўлини босиб ўтдими? Бор-йўғи 20—25 йил муқаддам, эндигина трактор рулини ушлаганда кимлар унинг йўлини тўсмаган эди?

Ҳаммаси кечагидек оқсоқолнинг ёдида.

— Сўраб-сўраб Турсунойнинг уйини топдим, — ҳикоя қилади Назир ака. Ёши қайтган, сариқ юзли, олд тишлари тушган ўрта бўй аёл билан унинг ёнида ёш бир қизни учратдик. Аёл Турсунойнинг онаси — Башорат хола, қиз эса синглиси — Инобат экан. Биз чақирилмаган қўноқ мисоли тик туриб қолдик. Нега дейсизми? Ўша кунлари Башорат хола катта қизи Турсуной билан «оқ безор — кўк безор» бўлиб юришган экан.

— Ҳеч бўлмаса, Турсунойнинг қаҳбўларди, — деб илтимос қилдик.

Она жим, қиз она оғзига қараб турарди. Қайта сўрадик. Шунда Инобат: «Опам колхозда», деб жавоб қилди. «Қайси колхозда?», деб сўрадик. «Билмадим. Қўшни колхозда бўлса керак...» «Бизни олиб бормайсанми ўша колхозга?» Қиз яна онасига қаради. Башорат хола этагини қоқиб ичкарига кириб кетди. Шунда Инобат кутилмаган жасорат билан бизни Турсуной томонга бошлаб кетди...

Бу учрашув 1959 йил ноябрь ойининг дастлабки кунларида бўлганди. Бу ҳақда Турсуной Охунова шундай эслайди:

— Икки қаторли машинага дастлаб ўтирган йилларим эди. Ўз колхозимизда йўл беришмагани учун иш қидириб — пахта тергани қўшни колхозга кетдим: қўлимда ёш бола бор... Кейинчалик синглим орқамдан борди. Турмуш ўртоғим Султонжон акам етиб келди, қийинчилик кўп эди, бегона жойда ётиб-тураман, денг. Машинага шубҳа билан қаровчилар кўп десангиз, у пайтдаги машиналар ҳам ҳозиргидай эмасди... Шундай бир оғир дамда дарду ҳасратимни эшитгани, ёрдам қўлини чўзгани келган шундай ёзувчини, мен ота дейман, Назир отамнинг хизматини унутиб бўладими? Отам, акаларим йўқ эди, мен отамни кўргандай бўлдим...

Турсуной Охунованинг бугунги ҳаёти ташбеҳларга муҳтож эмас. Ёлғиз Турсунойгина эмас, республикада довруғ солган кўпгина меҳнат дарғалари — Фарғонадан Олияхон Султонова, Намангандан Меликўзи Умрзоқов, Андижондан Хадича Аҳророва, Оққўрғондан Қурбонали полвон Эрматов, Самарқанддан Раҳима Исломова каби ўнлаб қаҳрамонларни катта майдонга олиб чиқишда ёзувчи қалами ўтаган бурчни ким рад эта оларди?

Оқсоқол фақат қаҳрамонлар кашф этиш билангина эмас, гоҳо бу майдонга тасодифан чиққанларни супуриб туриш одати билан ҳам таниқли. «Мирзачўл қўриғини очган шер — менман» деб оламга довруғ солган раис Соҳиб Назаров билан ёзувчи жанги қандай тус олган эди? Ёзувчи ўз дўстлари билан бу мавзуда уч марта чиқиш қилди ва оқибатда раиснинг ниқоби йиртилди. «Гулистон» журналида Аҳмаджон Валиев каби «мингтонначилар»нинг сохта ташаббуси, ҳашарчилар ниқобидаги юлғичлар ва бошқа кўпгина ҳаётдан узилган нореал «қаҳрамонлар» ҳақида баҳс очган ҳам Назир Сафаров эди. Ҳаёт ҳақиқати эса ёзувчи фикрини эртами-кечми тасдиқлаб, оқни-оққа, қорани-қорага ажратиб бормоқда.

Коммунист-ёзувчи Назир Сафаров ҳаётига, унинг тиниб-тинчимаслиги, куюнчаклигига боқиб савол туғилиши табиий: бунчалар бедорлик, беоромлик нимага керак бу одамга? Нега бунчалик ташвиш, ниманинг ғамини тортади бу одам? Нима керак ўзи унга? Буларнинг замирида биргина мақсад бор кўринади: тил ва забон берган халққа, гражданлик мандатини тутқазган Ватанга, киндик қони томган табаррук тупроққа, юртга садоқат туйғуси, хизмат қилиш иштиёқи унга ором бермайди, тинчитмайди. Ёзувчи қалбида кечган туйғулар гоҳ «Наврўз» бўлиб ниш уради, гоҳо «Момоқалдироқ»қа айланиб ларза солади, гоҳ жўшқин публицистика, жанговар сўз бўлиб жаранглайди. Халқ ёзувчисининг сўзи халқ қалбига оқади. Мақсад битта: у ҳаётнинг мусаффолигини истайди, унинг янада гўзал ва тиниқ бўлишини орзу қилади. Эътиқод йўлида у ҳеч кимни аямайди. Партиявий эътиқод — унга доимий куч, илҳом бағишлаб турган ички руҳ уни шунга ундайди. Бу йўлдан уни ҳеч ким, ҳеч қандай куч қайтаролмайди. Эллик йилдан ортиқроқ мана шу йўлдан собит қадам билан юриб келди, юрмоқда ва шундай юриб бораверади.

# Ҳасадгўйнинг инқирози

ҲИКОЯ

Ҳега ярим ёнбошлаб олган Латиф ота ҳар замонда эснаб-эснаб қўяди. Олдидаги доирасимон патнисда пишиб қорая бошлаган — ўтинқираган уч-тўртта помидор, чойнак-пиёла, битта ликобчада арзон нархдаги конфет.

Чойхонада деярли ҳеч ким йўқ. Қария бундан хафа эмас. Бундай пайтларда у ўзини эркинроқ сезади. Чойхўрлар сўриларни тўлдириб ўтирган вақтларда Латиф ота тезда чанқоғини қондирадию уйига жўнаб қолади.

Латиф ота пиёладаги чойдан бир хўпладию ён-атрофига назар ташлади. Нариги бурчакда тўрт киши оҳиста суҳбатлашиб ўтиришибди. Улардан бериироқда нонвой Шокиржон чой ичяпти. Маҳаллада Шокиржоннинг ҳурмати баланд. У ўз касбининг устаси: ёпган нони ҳам чиройли, ҳам хуштаъм бўлади. Маҳаллада ўтадиган тўю маъракаларда беминнат хизмат ҳам қилади...

Қария бир зум кўзини юмиб ҳаёлга берилди. Эрталабга яқин кўрган алғов-далғов туши яна эсига келди. Латиф ота саҳрода аллақаёққа кетаётган экан. Бир маҳал рўпарасида сарғиш-пуштранг шоҳидан тикилган чодир пайдо бўлибди. Чодирга кириладиган йўлак олдида иккита забардаст ҳабаш ҳайкалдек қотиб турганмиш. Уларнинг бақувват билакларини, ўткир шамширларини кўрган Латиф ота қўрқиб кетибдию, бари бир чодирга яқин борибди. Ичкарида қимматбаҳо тақинчоқлар билан безанган нотаниш киши кўринибди, Латиф отани имо билан чақирибди.

Қария чодирга кириб, атлас кўрпачага ўтириб олибди-да, одатдагидек бахмал ёстиққа ёнбошлабди. Бамисоли эртаклардагидек, баланд тўсиқ оғ-чдан қадди-қомати келишган оқу кўзли гўзал фариштa олтин патнисни бошига қўйган ҳолда чиқиб келибди. Латиф отанинг кўзлари қамашиб кетибди. Ёпирай, аёл шунақаям нозик кийинганмишки, узоқроқ тикилиб қарашга одам уялармиш!.. Латиф ота бир муддат кўзини юмиб, сўнгра очибди. Олдида хилма-хил ноз-неъматлар, устаси фаранг ошпаз тайёрлаган таомлар турганмиш. Қария мулозамат кутмасдан енг шимариб, иштаҳа билан овқатланишга тушибди. Қорни тўйиб, эндигина мизғиб олмоқчи бўлиб турганида тўсатдан ёш йигит пайдо бўлибди. Латиф ота кўзларини пирпиратиб унга қарабдию... ё тавба! Кўз олдида ўғли Анвар турганмиш. Узун бўйли, салобатли, юз-кўзлари онаси Мукаррамга тортган ўша Анвар! У меҳмонга қарамасдан баланд овозда:

— Сиз кимсиз?— деб сўрабди.

— Мен... мен... Латифман... отангман,— дея дудуқланиб жавоб берибди қария.

— Хуш келибсиз,— дебди Анвар қовоғини солиб.— Идишингиз борми? Сизга гавҳар, олтин, кумуш керакми?

— Гавҳар?! Олтин?! Йўқ, керак эмас, менга пул керак... фақат йиригидан бўлсин,— дебди Латиф ота шоша-пиша.

Шу аснода у беихтиёр ўғлига бир неча марта таъзим қилибди.

— Истагингизни бажаришдан олдин саволимга жавоб берсангиз...

— Хўш, хўш, Анваржон.

— Аввалгидек ёш эмассиз... Пулни нима қиласиз?

— Ўрганган кўнгил-да, ўғлим.

— Сиз янглишяпсиз — пул ҳаётнинг асоси эмас.

— Отангдан ақлинг ошиб кетган бўлса, айт, ҳаётда асосий нарса нима?

— Ҳар қалай, ўйлаб кўринг,— дебди Анвар ва кулимсираганча қарсак чалибди. Шу пайт бояги оқу кўзли фариштa бошига олтин патнис қўйганча тўсиқ ортидан чиқиб келибди. Патнисда эса! Ёпирай! Ҳали пачкаси бузилмаган юз сўмликлар беҳисоб эмиш!

— Саволимга жавоб бермадингиз,— дебди боягидек жилмайиб Анвар. Латиф ота:

— Ўйлаш керак эмас. Ҳамма нарса тушунарли,— дебдию қўллари титраганча шоша-пиша пулларни чўнтагига тиқаверибди.— Пул яхшида, ўғлим. Енингда пулинг бўлса, сен одамсан! Ҳамма ерда ҳурмат-иззатда бўласан...

Қария уйғониб кетди. Каравотида туриб ўтирдию пешанасидаги терни артди, хона деворларига кўз югуртириб чиқди. «Ё тавба,— деди ўзига ўзи,— тушга нималар кирмайди-я! Алғов-далғов туш кўрибман».

У яна жойига чўзилди-да, атлас кўрпани ниятигача тортиб қўйди, чарчагандек: «Уҳ-ҳ», деди. Қариянинг уйқуси қочган эди.

— Тушимда ҳам шу саволни берди-я, нодон,— деди у ўзига ўзи ва бошини хиёл қимирлатиб қўйди. Ҳайрон бўлишга ўрин йўқ. Ақли бўлса шаҳарга кетмасди. Тошкент, албатта, кичкина жой эмас. Ҳар хил одам, театрлар, ресторанлар. Катта шаҳарда қинғир ишлар ҳам кўп бўлади. Қўлга тушиб қолсанг, бир нима бериб қутулиш керак. Чўнтагингда ҳеч вақо бўлмаса-чи?.. Эҳ!

Латиф ота ўғли Анварни қанчалик умид билан ўстирганини ёлғиз худонинг ўзи билади. У, ўғлим менинг ишимни давом эттиради, деб ишонарди. Лекин ният амалга ошмади. Ахир, худонинг олдида нима гуноҳи бор эди Латиф отанинг?! Яхшиси, бу ҳақда ўйламагани маъқул. Ўғлини ўстирди, едириб-ичирди, кийинтирди. Анвар эса ўнинчи синфни битирдию Тошкентга жўнади. Қаранг, институтда ўқишни хоҳлаб қолди! У ўғлини бу хоҳишдан қайтаришга кўп уринди. Институт нега керак, диплом нима учун зарур? Ахир, Латиф отанинг умр бўйи йиққан пули Анварга ҳам қартайиб қолгунча етади-ку.

— Худога шукур, ҳамма нарсамиз етарли, ўғлим,— деди Латиф ота Анварга.— Бирон нарсага зориқаётганимиз йўқ. Пулимиз бор, обрў-эътиборимиз жойида.

Анвар отасининг сўзларини жимгина эшитди. Аслида у Латиф отага қаттиқроқ сўз айтиб юбормаслик учун ўзини аранг босиб турарди. Бунақа гапларни биринчи марта эшитаётгани йўқ. Шундай бўлса ҳам, отанинг мулоҳазалари унинг жаҳлини чиқарди. Отасининг пули кўплиги тўғри эди. Бироқ унинг обрў-эътиборимиз бор, деганини Анвар мунофиқлик деб биларди.

— Ҳали ёшсан, ўғлим,— дея гапини давом эттирди Латиф ота,— ҳаётни билмайсан. Вақти билан ўзинг билиб оласан. Онанг иккаламиз сенга ҳамма нарсани тайёрлаб қўйганмиз. Сенинг бахтли бўлишингни истаймиз.

Анвар жим эди. Ўзининг мустақил фикрини билдиргани билан бари бир ота тушунмасди. Отасининг дунёга қараши мутлақо бошқача эди, ҳамма нарсани пул билан ўлчарди. Анвар эса отасига ўхшаб пул билан қимматбаҳо нарсаларнинг қули бўлиб қолишни истамасди, институтни битириб чиқишни, юксак, гўзал уйлар, саройлар қуришни орзу қиларди.

Анвар охири ўз фикрини билдиришга мажбур бўлди. Латиф ота унинг сўзларини қовоғидан қор ёғилиб ўтирганча тинглади. Ғазабдан ранги бўзарди, ўғлига қўлидаги пиёлани отмоқчи бўлди, Анварни нодон, миясини еб қўйган эшак, деб сўкди. «Уйимдан кет, энди сенга фарзандим йўқ», деди.

Анвар ўша куни уйдан чиқиб кетди. Кечқурун эса Анварнинг онасини — юрак ўйноғи билан ётиб қолган Мукаррам опани «Тез ёрдам» машинасида шифохонага олиб кетдилар. Латиф ота ўғлининг кетиб қолганига ҳафа бўлмади, унинг қайтиб келишига қаттиқ ишонарди. Хотини Мукаррамнинг тузалиб чиқишига ҳам ишончи комил эди. Чунки ҳозирги врачлар ҳар қандай касални тузата оладилар-да.

Латиф ота айтганидек, Мукаррам опа бирор ойдан кейин тузалиб қайтди. Бироқ Анвардан дарак бўлмади. Мукаррам опа ўзини врачларга кўрсатиш баҳонасида Тошкентга тез-тез бориб турарди. Латиф ота унинг ўғли Анвар билан учрашиб келаётганини ич-ичидан сезардию, бироқ билмаганга олиб юрарди.

...Қария пиёладаги совуган чойни тўкиб ташлаб, иссиқ чой қуйди. Бироқ чойни ичмади. Ўғлининг хатти-ҳаракатини ўйлаб уҳ тортди, ўз одатича ўнг қўли билан мўйлабини силади. У тушда қоғоз пул кўришнинг хосияти йўқлигини биларди. Яқин орада қандайдир фалокат юз беришини ўйлашю аъзойи бадани жимирлаб кетди. «Ҳам Анварни, ҳам пулни кўрдим,— дея ўйларди у пиёла четларини бармоғи билан силаркан.— Ўғлим, неча йиллар бўлдики, ёнимда эмас. Жуда мағрур бола чиқди. Мағрурлик ҳам керакдир. Лекин... ўз отасига нисбатан қиладими мағрурликни?!»

Қария ўз отасини, унинг этикдўзлик дўконини, бозор кунлари отаси билан аравада махси олиб чиққанларини эслади. Сержаҳл, камгап отаси бозорга етгач бирданига ўзгариб қоларди, кулгию ҳазил-ҳузил билан ўз молини тезроқ ўтказишга интиларди, пешинга қолмай махсиларини сотиб бўларди.

Отаси пулни узоқ санарди. Сўнгра ҳафсала билан тахларди-да, қоғоз белбоққа ўраб, темир сандиққа жойлаштирарди.

— Обрў-эътибор топаман, десанг, ўғлим, пул йиғишни ўргангин,— дерди у.— Халқда ҳикмат бор: «Оғзи қийшиқ бўлса бўлсин, бойнинг ўғли сўзласин!»

Пулга қизиқиш, гапнинг очиғи, Латифда кейинроқ бошланди. Отаси тўсатдан ўлиб қолдию бир куни ёлғиз ўзи темир сандиқни очди. Очдию юраги гуп-гуп уриб кетди. Олтин, кумуш, қоғоз пулларни кўриб кўзлари чақнаб кетди. «Ё оллоҳ!», деб юборди-да, пешанасидаги терни дастрўмоли билан артди.

Олтин ва кумуш пулларга қўл урмади. Қоғоз пуллардан фойдаланди. Қанча олган бўлса, икки баробар қилиб ўрнига қўйишга уринди. Мана, салкам ярим асрдирки, шундай ҳаёт кечиряпти. Отасининг ўгитларини бир дақиқа ҳам ёддан чиқармайди, бирор имкониятни бой бермайди. Қария асосий бойлигини олибсотарликдан топди. Кейинроқ эса, қўлга тушиб қолишдан қўрқиб, гулчилик қила бошлади.

* * *

Узоқ хотираларга берилиб кетган қария қўни-қўшнилардан Аъзам ота, Шерали ота ва Жавлон оталарнинг чойхонага келганларини сезмай қолди. Маҳалладаги ҳазилкашлар уларни уч оғайни ботирларга, Диёр чойхоначини эса, эртакдаги подшога қиёс қилишарди.

— Латифбой, жанда чопон кийиб юришга уялмайсанми?— деди Аъзам ота. У ғўлабирдан келган эдию, аммо ҳаракатчан эди. Латиф ота бошини кўтариб қўшнисига қарадида, ғўлдираб қўйди:

— Жанда эмас бу. Эски бўлса ҳам бус-бутун.

— Бус-бутун эмиш-а!— дея унниқиб кетган кўрпачани нари суриб қўйди Аъзам ота кулганича.— Бир неча йилдан бери судрайсан-ку бу жониворни.

— Мен битта тўнни беш-олти йил кияман, одатим шу,— деди Латиф ота қўполлик билан. Шерали ота билан Жавлон ота: «Ё тавба! Сатиндан тикилган тўнни ҳам беш-олти йил киярканми? Бир-иккита бекасам тўн олиб кийса нима бўларкин!», дея ҳайронликларини билдирдилар.

Латиф ота яна ҳам хўмрайиб олди. У ўзининг маҳалла кексаларига ёқмаслигини яхши биларди. Қачон йиғилиб қолсалар, унинг хасларини юзига соладилар. Айниқса, манави «уч оғайни» Латиф отанинг жиғига тегишгани тегишган. Қария бунга кўникиб ҳам қолган. Кўпинча у, булар пулдорлигимни кўришолмайди, шунинг учун тиллари қичиб туради, деб ўзига далда беради. Маҳаллада Латиф отадан кўра пулдор одам йўқ-да!

Қаттиқ кулгидан Латиф отанинг фикри бўлинди. Жавлон қизиқроқ латифа айтганга ўхшайди. Ўзиям ғалати одам, йирик бир заводда йигирма йилча директор бўлиб ишладию уйига кирсанг йиғлагинг келади. Мебеллари комиссион магазинидагидек эски; кичик экранли телевизор. Холодильниги-чи? «Саратов»нинг энг аввалги маркаси!.. Латиф

йиғиб қўйган пули йўқлигини ҳам билади. Жавлон фақат пенсия билан яшайди. Қанчалик кулгили! Ахир бир юз йигирма сўм билан рўзғор тебратиб бўладими? Йўқ, албатта! Шуниси қизиққи, Жавлон ҳамиша фаслга қараб тоза кийинади. Ёлғиз пенсиянинг ўзи билан шундай яхши кийинса бўлармикин?

Латиф ота Шерали билан Аъзамга қараб қўйди. Уларнинг ҳам Жавлондан фарқи йўқ. Мана, Шерали, умр бўйи муаллимлик қилди, аммо пул йиғмади. Аъзам улардан кўра серпулроқ. Ҳали ҳам тинмай-тинчимайди. Гоҳо чойхонада ош ушлатиради, гоҳо норин қилиб уйига одам чақиради. Тўртта ўғли ой сари пул юбориб туришади. Қани энди ақлини йиғиб, ўша пулларни бир ерга тўпласа! Қаёқда, тийинигача совуради!.. Латиф ота мамнуният билан мўйлабини силаб қўйди. Ҳудога шукурки, у мана шулардек нодон эмас, пулни бефойда жойга сарфламайди.

* * *

Латиф ота ўзини ғоят ишнинг кўзини биладиган одам деб ҳисоблайди. Биринчидан, пул топиш йўлларини билади. Иккинчидан, унинг оиласи бадавлат яшайди, маҳалладаги бошқа оилалар бундай яшашни тушларида ҳам кўрмаганлар. Учинчидан, у пулдор одам, раҳматли отасида ҳам бунчалик сармоя йўқ эди. Тўртинчидан, у ҳаётни ўзи ният қилганидек, яхши кечирди.

Латиф ота бошқа тоифадагиларни, масалан, Аъзам, Шерали ва Жавлонларни узоқни кўролмайдиган нодонлар деб ҳисоблайди. Айниқса, мана шу «уч оғайни» инсон умрининг мазмуни ҳақидаги мулоҳазалари билан сўнгги йилларда унинг жиғига кўпроқ тегишяпти. Улар ҳалоллик, ахлоқлилик, меҳнатсеварлик тўғрисида соатлаб гап сотишлари мумкин. Латиф ота уларни эшитаверади, тортишиб ўтирмайди. «Ҳалоллик» сўзининг ўзига ош пиширибми бўлармиди?!

Айрим камчиликларни ҳисобга олмаганда, Латиф ота ўз ҳаётидан хурсанд. Фақат хотини Мукаррамнинг тез-тез тоби қочиб туради. Қани энди шунчалик ишчан эрнинг паноҳи остида соғ-саломат яшаса... Анвар масаласида қариянинг кўнгли хижил. Уни афсус ва норозилик билан эслайди. Вақт ўтиши билан ўғлига нисбатан оталик меҳри ҳам сўна борди, унинг ўрнини норозилик эгаллади. Ана шу озгина норозилик Латиф отага Анварни эслатиб туради, боланинг қачон ва қай тарзда ота измидан чиқиб кетгани ҳақидаги саволни унинг ёдига туширади. Қандай қилиб барча нарсадан юз ўгирди ва ота уйини тарк этди. Бу саволга ҳар гал тайинли жавоб тополмайди ва ҳар бир оилада ҳам бирда-ярим бефаҳм фарзанд туғилади-да, деган фикр билан ўзига далда беради. Тўрттала фарзанд орасида фақат Анвар шунақа чиқди. Худога шукур, қизлари ўзи ўйлаганидек бўлиб етишди. Барака топкурлар, ҳаммаси пулни яхши кўришади...

Қария қўлини орқасига ташлаганча хира ёритилган, йўлакдан шошилмай борарди. Тушида Анварнинг берган саволлари миясида айланарди. Латиф ота ўз-ўзича ўғлига жавоб бераркан: «Ҳа, мен шунақаман, фақат пулни ўйлайман. Бунинг нимаси ёмон? Маҳалла оқсоқоллари мени ёқтирмайдилар. Шуни ўйлайманми? Уларни жиним суймайди. Улар мени кўролмайдилар, пулдорлигимни ҳажв қилиб куладилар. Тўғри, пул менда кўп. Бу нарса Шерали, Аъзам ва Жавлонларга нисбатан мағрур юришимга ҳуқуқ беради. Улар менга тенглашолмайдилар. Менда бор бойлик уларда йўқ. Мен кучлиман, уларга ялинмайман!»

У сўнгги сўзларни овоз чиқариб айтди. Шу пайт бир неча бор йўталдию ёмғир суви тўлиб турган чуқурчага билмасдан оёқ босди. Уша заҳоти кавуши муздек совуқ сувга тўлганини сезди. Латиф ота Сунгра шилта ҳўл пайпоғини ечно олди-да, ҳўл оёғини тўнининг этагига артди.

* * *

Латиф ота бетобланиб қолди. Мана, у каровотда ётибди. Ўнг қўлини силаб-силаб қўяди. Ҳамшира қиз ҳозиргина укол қилиб чиқиб кетди. Оғриқ тугади, укол ўрнида озгина қон сачраган пахта қолди. Синдирилган кичкина дори шишачаси тақсимчада турибди.

Хонага Аъзам ота кирди. Оҳиста сўрашиб, стулга ўтирди. У Латиф отанинг уйига кўп йиллардан бери энди кираётганди.

— Бетобланиб қолдингми?— деб сўради у чўнтагидан конверт чиқараркан.

— Ўзимни асролмадим, Аъзамжон. Кўкрагим оғрийди,— деди Латиф ота. У кутилмаган меҳмоннинг ташрифидан хурсанд эди.— Мукаррам, қаёқдасан? Меҳмонга дастурхон тайёрла!

— Қўй, безовта қилма. Мен йўл устида бирров кирдим. Сенга айтадиган муҳим хушхабар бор.

— Мулозамат эмас, рост айтяпман, чой ичиб кетгин,— деди Латиф ота. Аъзам ота индамади. Латиф ота ёнбошига дурустроқ ағдарилиб, пар ёстиқни олдинга сурди.

— Менга қара, Аъзам, кўпдан бери бир нарсани сўрайман деб юрардим. Лекин тўппа-тўғри жавоб бер.

Аъзам ота: «Хўш, нима экан?», дегандек, тенгдошига тикилди.

— Биламанки, мени ёқтирмайсан. Бунинг сабаби нима? Пулми, кўролмасликми? Ёки бошқа сабаби борми?

Аъзам отанинг лабларида табассум зоҳир бўлди.

— Сен янглишяпсан, Латиф. Ҳеч ким сенга ҳавас қилмайди. Мен бир сабабдан сени ёқтирмайман — сен тенгқурларимиз ичида гумроҳ одам

Расмни Н. ИБРОҲИМОВ чизган

Латиф ота уҳ тортди, бошини пастга эгди.— Биласан-ку, Анвар менинг йўлимдан юрмади... Ғазабимни келтирди...

— Жуда ғалати гаплар...

— Нимаси ғалати, Аъзам.

— Яшашинг ғаройиб-да, оғайни.

— Нега? Яхши яшайман, ҳамма нарса етарли.

— Буниси маълум. Айтгин-чи, Латиф, ҳаётингдан хурсандмисан?

— Худога шукур!

— Яширма, очиқ айт. Ваъда бераман, гап орамизда қолади.

— Ҳаётим ёмон десам гуноҳга ботаман, худо менга фарзандлар берди, кўп пул берди.

— Пулни-я?!— Латиф ота қўшнисига ҳайрат билан тикилди.— Пул доим керак. Усиз ҳаёт — ҳаёт эмас. Наҳотки, ўзинг билмасанг?

— Биламан. Лекин шунча пулни ким учун йиғяпсан?

— Кимга бўларди, ўзимга-да!

— Ўлганингдан кейин... Кечирасан, инсон бор ерда ўлим бор...

— Ўшанда кўраверамиз...

— Бир нарсага тушунмайман,— дея оҳиста сўзларди Аъзам ота,— одамзодга пул билан ҳаёт бағишлаб бўлармикан? Баъзан сен ҳақингда ўйлаб: етмиш йил нима учун ва ким учун яшадинг, деб ўзимдан сўрайман. Сен учун бу қийин савол, албатта. Шерали учун эса осон. Мен фарзандлар ўстирдим, болаларни ўқитдим, дея олади. Сен эса, очиқ гапирганим учун кечиргин, ўз ҳаётингни қоронғи бурчакдаги ўргимчак сингари ўтказяпсан. Оила билан болаларингнинг қувончию бошқа нарсаларни пулга алмаштирдинг. Узингдан бошқаларни назарга илмайсан. Сен пулдор одамсан, тўғри. Лекин биз сенинг йиққан бойлигингдан жирканамиз. Гоҳо-гоҳо сенга ачинамиз!

— Хўш, нега?— ҳайрат билан сўради Латиф ота.

— Чунки сен, ўзинг билмайсану, бахтсиз одамсан.

— Бўлмаган гап. Сенлар нодон одамсанлар.

— Мен ҳақиқатни айтяпман. Тирик ўғлини бой бериб қўйган отани бахтли деб бўладими?

— Мен ўғлимни бой берганим йўқ.

— Ўғлинг сендан воз кечган! Бу қаерда бор гап... Эҳ, Латиф, Латиф,— Аъзам ота истеҳзо билан бошини тебратди.— Ғалати одамсан. Сен ўғлингнинг ҳам ўргимчакка ўхшаб яшашини истаган эдинг. Анвар хоҳламади, сен уни уйдан қувдинг. Сўнгра унинг тақдири билан қизиқмадинг. Тошбағир экансан!

— Хотиним айбдор, болага яхши тарбия бериб ўстирмади.

— Бу гапинг ҳам нотўғри, Латиф,— Аъзам ота ўзини аранг ушлаб турарди шекилли, уҳ тортди.— Менинг тўрт ўғлим бор. Улар ҳам Анвар сингари мактабни битириб ўқишга кетишди. Ҳозир ҳар қайсиси дипломли инженер, севган касби, оиласи бор. Кечқурунлари хотиним иккаламиз ўтириб хурсанд бўламиз. Сен бошданоқ хурсанд бўлишни билмасдинг...

— Сен ҳам анавилардай...— Латиф ота дудуқланиб қолди.

— Яна қайтараман, қандай яшашни билмадинг. Асосий нарсани кўролмадинг, сезмадинг.

— Нимани?

— Болаларингнинг бахтиёрлигига қонмадинг. Уларнинг меҳр-муҳаббати нималигини сезмадинг. Фақат пулни кўпайтирдинг. Хўш, ўзинг айт-чи, ундан нима фойда бор?

— Пулни қизларимга бераман,— деди Латиф ота.

— Шошмай тур, Латиф, гап унда эмас,— деди Аъзан ота жиддий.— Бошқа нарсани айтмоқчиман. Аслида инсон ўзидан кейин бошқаларга қандайдир хотира қолдириш учун туғилади. Масалан, мен эллик йил умримни ер ишига сарфладим. Қишлоғимиз ортидаги аввалги қўриқ ерларни эслайсанми? Қуп-қуруқ саҳро эди. Ҳозир-чи? Пахтазор, боғ-роғ... Ҳар эгатда, ҳар бир дарахтда менинг меҳнатим бор. Сен нима иш қилдинг? Уй қурдингми? Йўқ. Болаларни ўқитдингми? Йўқ. Жавлон сингари бирон хўжаликни бошқардингми? Йўқ. Тўғри, тўрт фарзанд ўстирдинг. Бироқ шунда ҳам гирромлик бор. Улардан фақат Анвар керакли одам бўлиб етишди. Қизларинг эса текинхўр... Улар ўзингга ўхшаб халқ учун бирорта кичик тошни у ердан бу ерга кўчиришмади. Сен ўзингни, бойман, ақллиман, деб ўйлайсанми? Йўқ, Латиф, сен жуда ғўр, гумроҳ одамсан, ўз умри мазмунини ўғирлаган ўғрисан! Ёшли-

# ТЕХНИК ЎСИШ ШАРОФАТИ

Маълумки, ишлаб чиқариш ҳажмининг жадал ўсиши, техника тараққиёти билан боғлиқ ҳолда чиқиндилар миқдори ҳам ортмоқда. Ҳозир мамлакатимиз маҳаллий саноат корхоналарида маҳаллий хом ашё ва чиқиндилардан икки юздан ортиқ номда ҳар хил буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Ўн биринчи беш йилликда бундай маҳсулотлар ҳажми 72 миллион сўмни ташкил этади ва айниқса, халқ бадиий ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенгаяди.

КПСС XXVI съезди қарорларида маҳаллий хом ашё ҳамда саноат ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларнинг ассортиментини кенгайтириш йўли билан маҳаллий саноатни янада ривожлантириш вазифалари алоҳида таъкидланган.

1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда мамлакатимизни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида: «Халқ истеъмол товарларини ва саноат буюмларини маҳаллий хом ашё ва материаллардан, саноат ва қишлоқ хўжалик чиқиндиларидан ишлаб чиқариш кўпайтирилсин», дейилган. Мана шундан келиб чиқиб, Маҳаллий саноат министрлиги ва унинг жойлардаги бошқармаларига ишлаб чиқариш қуввати резервларини, маҳаллий хом ашё ресурслари ва материалларини, саноат ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши чиқиндиларини қидириб топиш ва улардан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш вазифаси юклатилган. Маҳаллий саноат министрлигига ва унинг областлардаги бошқармаларига маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан истеъмол буюмларини тайёрлашни уюштиришга шаҳар ва район халқ депутатлари Советлари яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Саноат чиқиндиларидан халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда тўғри фойдаланиш атроф-муҳитнинг тозалигини муҳофаза қилишдек давлат аҳамиятига эга бўлган вазифани ҳам ҳал этиш имкониятини беради. Сўнгги йилларда республикамиздаги маҳаллий саноат корхоналарида металл, ёғоч, шунингдек, химиялашган саноат, енгил саноат ва бошқа тармоқлардаги чиқиндиларни қайта ишлаш, улардан буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Хом ашё, ёқилғи-энергия ва бошқа моддий ресурслардан тежаб ва тўғри фойдаланиш ишларини кучайтириш тўғрисида», деб чиқарган қарори маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан самарали фойдаланишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур қарор республикамиз саноатининг бошқа тармоқлари каби маҳаллий саноат корхоналарининг ишчи-ходимлари учун ҳам дастуриламалдир. Тарихий қарордаги кўрсатмаларни изчил амалга ошираётган маҳаллий саноат корхоналарининг ишчилари маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндиларидан 1981 йилда маҳсулот тайёрлашни олдинги йилга нисбатан кескин кўпайтирдилар. Ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг ассортименти кенгайди. Масалан, қамиш ва хивичлардан чий ва саватлар, кондицион бўлмаган мўйнадан мўйна товарлари тайёрлаш кенг йўлга қўйилди.

Эндиликда савдо тармоқларида кондицион бўлмаган тери-мўйна, тивит ва пар хом ашёларидан, шунингдек, ноёб тошлардан ясалган совға буюмлари пайдо бўлмоқда. Кўпгина корхоналарда тежаш режимига риоя қилган ҳолда ҳар бир қарич газламани, тери, плёнка ва бошқа материалларни тежаш ва улардан фойдаланишга ҳаракат қилинаётир.

Саноат чиқиндиларидан буюмлар ишлаб чиқариш республикамизда йил сайин кўпаймоқда. Булар асосан маданий ва уй-рўзғор буюмларидир. Бу товарлар металл, ёғоч, шох, суяк, тери ва кигиз каби материалларнинг чиқитларидан ишлаб чиқарилаётир. Умуман, маҳаллий саноат системасида ўнинчи беш йилликда саноат чиқиндиларидан қарийб 35 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Ўн биринчи беш йилликда эса мавжуд корхоналар базасида саноат чиқиндилари ёки маҳаллий хом ашёлар билан ишлайдиган ихтисослашган тармоқлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Шуниси қувончлики, Маҳаллий саноат министрлиги қошидаги Махсус давлат бадиий-конструкторлик технология бюросининг мутахассислари кам чиқитли ва чиқитсиз технологияни ўзлаштирмоқдалар. Масалан, илгари олиф бўёғи таркибида қимматли озиқлик — пахта ёғи ишлатилган бўлса, эндиликда унинг ўрнини асосан чиқитлар қопламоқда. Тошкент пластмасса буюмлари тайёрлаш заводида саноат чиқитларидан майда атторлик ва рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилаётир. Оҳангарон, Паркент ва Коммунистик район тикувчилик фабрикаларида қамиш ва хивичлардан обинон, гул ва мева солинадиган саватлар тайёрланаётир.

Шуни қайд қилиш керакки, республикамизнинг ҳар бир областида бой маҳаллий хом ашё манбалари мавжуд. Мана шулардан ва саноат чиқиндиларидан тўғри фойдаланиш маҳаллий саноат корхоналарида турли хил буюмлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш имкониятини беради. Маълумки, ўн биринчи беш йилликда республикамиз маҳаллий саноатини ривожлантиришга 83 миллион сўм капитал жамғарма сарфлаш кўзда тутилмоқда. Бу маблағ, биринчи навбатда, саноат корхоналарини таъмирлаш ва техник жиҳатдан ускуналашга, шунингдек, 90 миллион сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги корхоналар қурилишига сарфланади. Аниқроғи, ҳозирги беш йиллик давомида 32 та янги корхона қурилади ва мавжуд корхоналардан 38 таси реконструкция қилинади. Ғишт ишлаб чиқарадиган саккизта ихтисослашган завод ишга туширилади, шунингдек, ипак газламалар ишлаб чиқариш кўпаяди. Илгари республикамизда бўлмаган тивит-пар буюмлар тайёрлайдиган фабрика ҳам ишга туширилади.

Умуман, ўн биринчи беш йилликда ҳам, ўнинчи беш йилликда бўлганидек, республикамизнинг кичик шаҳарларида маҳаллий саноатни ривожлантириш программаси кенг кўламда амалга оширилади. Чунки мамлакатимиз халқ хўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида йирик шаҳарларнинг техник ўсишини изчиллик билан чеклаган ҳолда кичик ва ўртача шаҳарларда корхоналар ва бирлашмаларнинг филиалларини жойлаштириш кўзда тутилган.

Республикамиз маҳаллий саноат ишлаб чиқариш суръатини мавжуд имкониятлар ҳисобига жадаллаштириш мамлакатимизнинг турли районларининг иқтисодий ривожланиш даражасини бараварлаштириш нуқтаи назаридан ҳам, фақат маҳаллий манфаатлар учунгина эмас, балки умумиттифоқ манфаати учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

**Татьяна НАЗАРОВА,**
иқтисод фанлари кандидати

---

гингда бой эдинг, олдингда порлоқ, жўшқин ҳаёт турарди. Сен эса ўша жўшқин ҳаётни бой бердинг. Ҳозир эса, руҳан, маънан ниҳоятда қашшоқ одамсан!

Аъзам ота ўрнидан турдию тенгдоши билан хайрлашмасдан чиқиб кетди.

* * *

Бозор ҳамишагидек гавжум эди. Март ҳавоси иссиқ нонлар, хилма-хил ошкўклар, олмаю ноклар ҳидидан тўйинган эди. Бозорда баҳор ойлари куздагидан кўра маҳсулот камаяди. Бироқ Латиф ота эрта кўкламда гул билан савдо қилишни ёқтиради. Бу пайтда узоқ қишдан зериккан одамлар баҳор даракчиси бўлган гулларни савдолашмасдан ҳам харид қилаверадилар. Латиф ота бир неча кун ичида ўз молини ўтказиб олади.

Қария гулчилар растасидан ўзига жой танлаб, саватларини олиб ўтди. Эски тўнда совқотаётганини сезди. «Ун оғайни ботирлар»нинг сўзлари ёдига тушди. «Чамаси, эгнимдаги тўним ўз хизматини ўтаб бўлганга ўхшайди,— дея ўйлади Латиф ота.— Энди алмаштириш керак. Лекин... харажат бўлади-да. Камида ўттиз сўмга янги тўн харид қилиш керак».

Бир неча дақиқадан сўнг Латиф ота ҳамма нарсани унутди — савдо бошланди. Қариянинг оғзидан гўё бол томарди, кўзлари гул қидириб юрган харидорларни дарҳол илғаб оларди. У тинимсиз жилмаярди, ҳазил-ҳузил гапирарди. Бу билан у ўзини шумлик-қувликни билмаган соддагина қария қилиб кўрсатишга уринарди. Гўёки кимдир унга, гулни шунча пулдан сотасан, дегану чол шу ишни бажараётир!

Тушга яқин гуллар сотиб бўлинди. Латиф ота чўнтаклари тўла пул билан ингичка йўлак орқали бир-бирининг ичига солинган саватларни кўтариб автостанцияга юрди. Ўз одатига кўра уйга етиб боргач, пулни қайтадан санаб кўради-да, отасидан қолган сандиққа жойлайди.

Ногаҳон чап курагининг остидан иссиқ бир нима санчилгандек бўлди. Қария базўр ингради, оёқлари мадорсизланиб, чалишиб кетди, саватлари ерга ағанади. Латиф ота ҳарсиллаганча тўғри келган жойга ўтириб олди. Юраги қафасдан чиқмоқчи бўлган қушдек қаттиқ урарди. «Тамом! Ҳаммаси тамом!», деган сўзлар элас-элас хаёлидан ўтди. Бозорга бораётган, бозордан қайтаётган йўловчилар унинг ёнидан тез-тез ўтишарди. Улар, отахон йўлда чарчаган чамаси, деб ўйлашарди шекилли, ёнбошлаб ётган чолга парво қилишмасди. Лекин улар орасида эски тўнли, оқариб кетган кўҳна этикли қарияга раҳми келадиган эътиборли кишилар ҳам топилди. Бояқишнинг рўзғори катта, болалари кўп бўлса керак, пулни етказолмай ўзига дурустроқ кийим ҳам ололмабди, деб ўйлаган бўлсалар ажаб эмас. Баъзилари қарияга яқинроқ борардилар-да, ундан сўрардилар:

— Дам оляпсизми, отахон? Ҳа, дуруст... Балки бирор ёрдам... Нима? Керак эмас, дейсизми? Ўзингиз биласиз... Саломат бўлинг, тузалинг...

Қариянинг юраги қафасдан қутулгандек тинчлана бошлади. Унинг нафас олиши енгиллашди. Миясида айланган бояги мудҳиш сўзлар йўқолди. Кўнгли ёришди. Яна бир муддат ўтирди.

— Ростдан ҳам қачондир ўлим етиб келади, унда ҳеч нима ёрдам беролмайди,— мўйлабининг учини оғзига солиб ўйларди қария. У оҳиста ўрнидан турди, тўнини қоқиб ташлади-да, саватларни йиғиштириб йўлга тушди.— Нима қилиш керак? Худо инсонни ўлим учун яратган. Қазои муаллақдан ҳар қанча пул ҳам қутқариб қололмайди. Афсус...

У йўл кесишган жойга етиб келди. Одатда у ўнг тарафга бурилардию чорак соатда автостанцияга етарди. Бу гал қария тўхтаб туришга мажбур бўлди — рўпарасида тобут кўтарган кишилар кўринди. Қария саватни ерга қўйди, қўлини кўтариб: «Жойи жаннатда бўлсин», деди...

Латиф ота автобусда борар экан, ўзича ўйларди: «Шу экан-да, умр... Қачондир юрак тўхтайдию уйингда йиғи-сиғи бўлади, қўни-қўшнилар чиқишади... Ҳа, ўлим етиб келади... Кимдир ачинар, кимдир йиғлар. Лекин, қўшнилар келишармикин? Келишмаса-я! Маҳалла кексалари мени ёқтиришмайди-ку. Мен ҳам уларга яқинлашишни истамадим. Аъзам айтганидек, улар мени ўргимчак, гумроҳ, ўғри, хасис одам деб аташади. Шундай экан, менинг ўлимимга биров ачинармикин? Елкасини қисиб қўйишади, аммо келишмайди! Унда мени ким кўмади? Ахир, марҳумни маҳалла эркаклари олиб бориб кўмишади-ку!..

Латиф отанинг пешанасидан совуқ тер чиқди. Қалбида нимадир қаттиқ азоб бераётгандек сезарди у ўзини. Оғир ва зирқироқ оғриқ эди. Қария қаттиқ уҳ тортди, сўнгра унсиз йиғлади. Кўз ёшлари сержин юзидан юмалаб, ички чўнтаклари пулга тўла эски тўнга томарди.

# НИКОЛАЙ ОСТРОВСКИЙ ИЗДОШИ

Жасоратли жангчи ва эл оғзига тушган ёзувчи Вали Ғафуров деҳқон фарзанди бўлганлигидан, болалигиданоқ бог-роғларни севиш ва унга парвариш бериш руҳи билан улғайди. Жонажон табиат қўйнида шавқланиб ўсди. Саховатли замин кўркамликлари, дилбар ва дилкаш кенгликлари ёшгина Вали Ғафуров туйғуларини сайқаллади. Шу боисдан у ҳисчан ва туйғун бўлиб вояга етди. Бу ҳол унинг келажагида муҳим роль ўйнади.

Вали Ғафуров оиладаги тўққиз фарзандининг олтинчиси эди. Бу муҳит унинг одамохун бўлиб шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Унинчи синфни тамомлаган Вали Ғафуров САГУ (ҳозирги ТошДУ) қошидаги олти ойлик ўқитувчилар курсининг талабаси бўлди. Бу курсни муваффақиятли битириб, Самарқанд областининг Митан районида ўқитувчилик қилди ва шу ердан 1942 йилда Совет Армияси сафларига чақирилди. У Волга бўйидаги қаҳрамонона Сталинград жангларида манфур фашист босқинчиларига қарши мардонавор курашларда қатнашди. Ёшликдан дилига шавқ ва ғурур солган салобатли адрлар ва маҳобатли қирларни, улуғвор тоғлар ва яшнаб турган боғларни фашист газандалари оёқ ости қилишига чидаб бўлармиди?!.

Қадами қирғин ва қабоҳатдан иборат фашистларнинг юртимизда қилаётган мурдорликлари ёш жангчи Вали Ғафуровнинг бир ғазабига ўн ғазаб, бир нафратига ўн нафрат қўшиб, қалбини ларзага солди. У жанг майдонларида мардлик ва матонат кўрсатди. 1942 йил 19 октябрь куни бўлиб ўтган жанг навқирон Вали Ғафуровнинг кўзларига ёпёруғ бу кенг дунёни бир умрга қоп-қоронғи қилиб қўйди. У жанг майдонида ёвуз душман билан олишиб туриб иккала кўзидан ажралиб қолди. Мана сизга машъум урушнинг омонсиз оқибатларидан бири!..

Меҳрибонлик билан қилинган барча муолажалар ва кўрсатилган барча чоралар бу оғир жароҳатни ўнглай олмади. У энди зим-зиёликда умр кечиришга маҳкум эди. Аммо навқирон Вали Ғафуров тақдирига тан бериб, бу бахтсизлик олдида ожиз бўлиб қолмади. Ёшликдан дилига жо бўлиб қолган шавқлар ва ажиб лавҳалар унга тинчлик бермади. Улуғ Ватан урушининг 1-группа инвалиди Константин Васильевич Зотов кўмагида кўзи ожизлар алифбесини ўрганишга киришди. Энди у борлиқни кўзлари билан эмас, қўллари билан, тусмоллари билан ҳис этадиган бўлди. Китоблар унга юпанч бахш этди ва ўз билимини кенгайтиришга бор вужуди билан берилиб кетди. Ниҳоят, 1951 йилдан бошлаб ўзининг кўзи ожиз бўлгани ҳолда худди ўзига ўхшаш кўриш бахтидан маҳрум бўлиб қолганларга дарс бера бошлади. Мана шу даврларда қоғозга бўрттириб туширилган ҳарфлар воситасида бадиий асарларни кўплаб мутолаа қилди. Ўқилган китоблар унда ёзувчиликка ҳавас қўзғарди. Пировардида унинг ўзи ҳам бадиий ижод устида машқ қила бошлади. Шундай қилиб, «Вафодор» деган роман дунёга келди. 1958 йилда бу асарни Ёзувчилар союзига топширди. Роман ёзувчилар ўртасида қизиқиш уйғотди. «Вафодор» романи 1961 йили «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинди. Адабиёт мухлислари романни зўр қизиқиш ва иштиёқ билан ўқидилар. Ҳатто мана шу асар асосида кўп серияли телевизион постановкалар қайта-қайта кўрсатилди.

Вали Ғафуров истеъдодини эътиборга олган Ўзбекистон ҳукумати адиб ижодий ишларининг янада равнақ топиши учун керакли шарт-шароитларни яратиб берди. Унга шахсий котиб ҳам тайин этилди. Натижада романнинг иккинчи қисмини яратишга киришилди.

Партия ва ҳукуматимиз кўрсатган бу ғамхўрликлар Вали Ғафуровни ғоятда рағбатлантириб юборди. Мана шундан сўнг муаллифнинг «Сўнгги пушаймон» деган қиссаси ва «Онажонлар» деб номланган ҳикоялар тўплами яратилди. Вали Ғафуров бадиий маҳорат сирларини тобора пухта ўзлаштириб, тинимсиз ижод қилмоқда. У «Шохлардаги мезонлар» деган қиссани ҳам қўлдан чиқарди. Ижодкор ҳарбий ватанпарварлик мавзусини бойитиш борасида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда. Эндиликда «Ботирга ўлим йўқ» деган қиссани ҳам тугаллади. Бунда Совет Иттифоқи Қаҳрамони — «Алексей» деб довруқ таратган Абдулла Қурбоновнинг жанговар фаолияти акс эттирилади.

Вали Ғафуров ана шу тариқа Николай Островский жасоратини такрорламоқда. Бадиий адабиётга қўшган ҳиссалари учун 1973 йили СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ёзувчи Вали Ғафуровга Меҳнат Қизил Байроқ ордени берилди.

1961 йилдан буён КПСС аъзоси, тиниб-тинчимас заҳматкаш Вали Ғафуров фаол жамоатчи ҳамдир. 1974 йилдан бери у Волгоград область, Труба ишлаб чиқариш заводи меҳнаткашлари билан яқин алоқада. Вали Ғафуров мана шу заводнинг фахрий ишчиси. У тез-тез мазкур корхонанинг меҳмони бўлиб туради. Вали Ғафуров ўзининг номига ёзилган маошни тинчлик фондига ўтказаётибди.

Игна билан ёзилган роман муаллифи мамлакатимизнинг қайси ерида Николай Островский номидаги музей бўлса, шуларнинг ҳаммаси билан алоқа боғлаб туради ва ўз асарларини уларга инъом этади. Ҳарбий мудофаа музейларида ҳам Вали Ғафуровга бағишланган фахрли ўрин мавжуд.

Жасоратли жангчи ва адиб Вали Ғафуров эндигина 60 ёш остонасига қадам қўйди. Унинг қаршисида янгидан-янги ижодий ва ижтимоий фаолият уфқлари жило кўрсатмоқда. Мардлик ва матонат билан йўғрилган ибратли ҳамда шарафли умрингиз пойидор бўлсин, азиз Вали Ғафуров!

**Зоҳиджон ОБИДОВ**

---

Редакция почтасидан

# МАҲАЛЛА ВРАЧИ

1950 йили Рихси Тошхўжаева Тошкент шаҳридаги 40-ўрта мактабни туғатиб, дугоналари Муҳаббат Зиёвуддинова ва Маъмура Назармуҳамедова билан бирга Тошкент Давлат медицина институтига ҳужжатларини топширди. Уч дугона кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтдилар. Улар олти йил бирга ўқишди, семинарларга ҳамкорликда тайёргарлик кўришди.

Рихси Тошхўжаева институтни битиргач, катта ҳаёт оқимига қўшилди. Ишда қийинчиликлар бўлиб турарди. Бунинг устига оилада ҳам қувончли ташвишлар юз берарди.

Бир куни Рихси опа одатдагидек кечки овқатдан сўнг ёзув-чизув ишларига ўтирган ҳам эдики, эшик қўнғироғи жиринглади. Остонада ёшгина жувон гўдагини бағрига босганча маъюс турарди.

— Опажон, боламни бир қараб қўйинг, ҳарорати юқори, йўталяптиям...— деди жувон Рихси опага илтижо билан тикилиб.

— Тинчланинг, хавотирланманг синглим. Ҳозир кўраман,— деб ёш онага далда берди доктор.

Рихси опа гўдакнинг қўлтиғига термометр тутди, беморнинг юрак уришини ва ўпка ҳолатини эшитди. Бола шифокорнинг меҳрибон чеҳрасига ҳайрат билан боққанча жим ётарди. Доктор опа шприцца қандайдир дори юборди. Шундан сўнг бола бир оз енгил тортиб аста уйқуга кетди. Онанинг ҳам чеҳраси ёришиб:

— Раҳмат, Рихси опа!— дея докторга миннатдорчилик билдирди.

Мана, қарийб ўттиз йилдирки, маҳалла врачи Рихси Тошхўжаева болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида тинмай ишлайди. Ҳар куни гоҳ поликлиникада, гоҳ бириктирилган маҳаллада уйма-уй юриб, болаларнинг соғлиғини назоратдан ўтказади, уларда турли касалликларга қарши эмлашни уюштиради.

Рихси опа ҳар бир хонадонга майин табассум билан кириб борарқан, гўё уй бекаларининг қалбида ёлқин нур чарақлаб кетгандек бўлади. Рихси опа бир оғиз ширин сўз, бир оғиз тасалли бемор учун ҳар қандай доридан афзаллигини ўз тажрибасидан яхши билади.

Рихси опа Тошхўжаева ишлаётган Калинин районидаги Свердлов номли совхоз поликлиникасидаги таклиф ва мулоҳазалар китобига кўз югуртирамиз:

«Тун соат ўн иккиларда,— деб ёзадилар Матлуба ва Рихсихўжа Умаровлар,— икки ойлик ўғилчамизнинг тоби қочиб, ҳарорати кўтарилди. Нима қилишимизни билмай ғаранг бўлиб қолдик. Зудлик билан Рихси опанинг уйига югурдик. Аллақаҳалда уни уйғотиб, уйимизга бошлаб келдик. У киши бетоб фарзандимизни кўриб, касалхонага ётқизамиз, деди ва ўша заҳоти «Тез ёрдам» машинасини чақиртирди. Ана шундай жонкуяр, меҳрибон шифокорларга мингдан-минг раҳмат!»

Бундай қалб сўзларини яна кўплаб ўқиш мумкин. Уларда дарддан халос бўлганлар Рихси опага ва у билан бирга ишлаётган ҳамширалар — Ҳафиза Абдумаликова, Муҳаббат Файзиева, Васила Саъдуллаева, Мелихон Юнусова ва Ҳанифа Зайниддиновага дил-дилларидан миннатдорчилик билдиришган.

Шифокор Рихси Тошхўжаева ўзининг ҳалол меҳнати билан эл назарига тушди. Партия ва ҳукуматимиз унинг кўп йиллик самарали хизматларини «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» деган юксак унвон билан тақдирлади. Шунингдек, жонкуяр маҳалла врачининг кўксини «Ҳурмат белгиси» ордени безаб турибди.

Ўзингиз ҳам ҳамиша саломат бўлинг, меҳрибон Рихси опа!

**Маъпура ЮНУСБОЕВА**

**В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 60 йиллигига**

# ШАРАФЛИ ЙЎЛ

**Суроб ЙЎЛДОШЕВ**

БЕПОЁН Ватанимиз Бутуниттифоқ Пионер ташкилотининг 60 йиллигини байрам қилмоқда. Бу турли ёшдаги барча совет кишиларининг тўйидир. Чунки оламга машҳур олим ва ёзувчи ҳам, донгдор ишчи ва деҳқон ҳам, космонавт ва шахтёр ҳам, билимдон саркардаю довюрак аскар ҳам, БАМ қурувчисию олтин қўлли пахтакор ҳам ўзларидаги энг яхши фазилатларни энг аввало пионерлар сафида ўзлаштирганлар, инсонпарварлик, тинчликсеварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, довюраклик, Ленин васиятларига ва Коммунистик партия ишига садоқат сабоқларини илк бор шу ташкилот сафида олганлар.

Маълумки, бундан салкам 65 йил муқаддам Октябрь революцияси ғалаба қозониб, халқларнинг асрий орзуси рўёбга чиқди. Аммо революция ғалабаларини ички ва ташқи душманлардан қўриқлаш, вайрон бўлган хўжаликни тиклаш ва йўлга солиш, мамлакатда социализм қуриш ва уни мустаҳкамлаш каби жуда кўп мураккаб вазифаларни амалга ошириш зарур эди. Айниқса, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш масъулиятли вазифалардан эди. В. И. Ленин 1919 йилда «Ёш коммунистлар отрядлари»га уюшган Москва болалари олдида гапириб, шундай деган эди: «Ўсиб келаётган пролетарлар бўлган болалар ҳам революцияга ёрдам беришлари керак. Болаларни уюштириш бўлажак коммунистларни тарбиялашнинг энг яхши йўлидир».

Ҳа, Ильичнинг истаги шундай эди. У кейинроқ бу истагини Комсомолнинг III съездида сўзлаган «Ёшлар союзларининг вазифалари» деган машҳур нутқида жуда кенг баён қилиб берди. У ёшларни ўқишга, коммунизмни ўрганишга, ишчи ва деҳқонлар билан биргаликда меҳнат қилишга, ўз ишини ва ўз кучини умум иши учун сарф қилишни ўрганишга чақирди.

1922 йил 13 февраль куни Москванинг Красная Пресня районидаги ҳозирги 16-босмахонанинг цехларидан бирида 75 боладан иборат пионер отряди мамлакатимизда биринчи марта тузилади.

Орадан бир неча ой ўтиб отряд қиёфаси буткул ўзгариб кетди. Жулдур кийимли болалар энди яхши ётган ўсмирларга айландилар. Болалар мактаб дружиналарига ва МОПР (Революция курашчиларига ёрдам берувчи халқаро ташкилот) фондига маблағ тўплардилар, походларга чиқардилар, гулхан атрофида ўтириб революцион қўшиқлар айтардилар, қишлоқларга чиқиб, деҳқонларга ёрдам берардилар.

Бу ишларнинг ҳаммаси катталарнинг — босмахона коммунистларининг, ишчиларнинг кўз олдида содир бўларди. Улар болалар ўзларига муносиб ўринбосарлар бўлиб етишаётганидан мамнун эдилар. Шунинг учун ҳам улар тантанали линейкада болаларга: «Мосполиграф 16-босмахона ишчиларидан пионерларнинг пионерига» деб ёзилган Қизил байроқ топширишди. Бу биринчи пионер байроғи эди.

Комсомолнинг 1922 йил 19 майда бўлган Бутунроссия конференцияси мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида пионер отрядлари тузиш ҳақида қарор қабул қилгандан кейин бу ҳаракат оммавий тус олди.

Тошкент шаҳар темир йўли устахоналарининг (ҳозирги Октябрь революцияси заводининг) комсомоллари Тошкентда 1922 йил май ойида тузилган биринчи пионер отрядининг ташаббускорлари бўлдилар.

Тошкентнинг собиқ эски шаҳар территориясидаги Охунбобоев номли болалар уйида 1922 йил ноябрь ойида (кейинчалик бу уй Островский номли пионерлар саройига айланди) ўзбек болаларидан иборат биринчи пионер отряди тузилди. «Байналминал» номли бу отряд кашшофлари маҳаллий болаларни ўқишга тортишда, саводсизликка қарши курашда катта ишларни амалга оширдилар.

Совет болалари — пионерлари учун 1924 йил жуда қайғули бўлди. В. И. Ленин вафот этди. Оғир жудолик кунларида каттаю кичик — ҳамма доҳий номини пок сақлашга, унинг васиятларига содиқ қолишга қасамёд этди. Комсомол Марказий Комитетининг мотам кунларида йиғилган пленуми пионер ташкилотига В. И. Ленин номини берди ва

**Низомжон ПАРДА**

# УММОНДА ОҚ КЕМАМИЗ...

*Саёҳат сатрлари*

Сиз, уч-тўрт азизларим, давра қурсангизлар бас,
Салонда авж қаҳқаҳа.
Чертиб узатилади қаҳва, чой ё мусаллас
Атлас пиёлада, ҳа.
Атлас пиёлада, ҳа, ўртада анор ҳам зўр,
Нақшларида илвон нур,
Қовун тилими порлаб ўроқ-ойни эслатур,
Ўроқ-ойни эслатур.
Донашўрак, бир ёнда ҳусайни терилибди —
Нақ аёл бармоқлари.
Дастурхонга файз сочиб Фарғонангиз келибди,
Фарғонангиз боғлари...
Мўминжон им қоқади бир чеккада ҳойнаҳой;
— «Тановор»га ташасин!..
Баҳодирхонни рақсга бошлаб қолар Ҳикматой,
Ҳикматойлар яшасин.
Шулар ўзи Ой бўлиб балқса арзир фалакка,
Лафзи ҳалол-шакарлар,

Офтобнинг етмиш хил нурин қўшиб палакка,
Берди шоҳи зарҳаллар.
Ойнадан кузатасиз, сиз-чи, Маҳфуза опа
Олисларни бетиним.
Қаршингизда оқ, кўк тус долғалар тепа-тепа,
Дамда ювош тортар жим.
Дамда кўҳлик бўйингиз шу долғалар узра шаън
Шўх таралиб қолмоқда.
Йўқ, тепангизда қамар ипак қўллари билан
Расмингизни солмоқда.
Сиз бўлса, азизларим, давра қурдингизми, бас,
Салонда авж қаҳқаҳа.
Чертиб узатилади қаҳва, чой ё мусаллас
Атлас пиёлада, ҳа.
Уммонда оқ кемамиз қитъаларни этиб лол
Сузар экан илгари,
Дарду шавқу ўйимиз кумуш беланчак мисол
Элтар сарҳадлар сари...

## Меҳмон келди-ку...

*Тавернада совет туристлари шарафига берилган зиёфатда ўқилган шеър*

Кўз тикиб кутган Таверна, қутлуғ меҳмон келди-ку,
Ўр ошиб, уммон ошиб, сайёҳ бўлиб жон келди-ку,
Неки сайёҳ, таърифи оламга шоён келди-ку,
Ер-ку, ер, фазо сирин айлаб намоён келди-ку,
Тиз букиб айланг тавоф, мўъжиза инсон келди-ку.

«Калеспери!», «Калеспери!»[1] — кўз қисиб дер шомлари,
Базми жамшид руҳи янглиғ бул кеча айёмлари,
Май тутар ошуфта қўлда лола нусха жомлари,
Шўх, ажиб ул созида «Москва оқшомлари»,
Тоқида ўн бешта юлдуз яшнаб осмон келди-ку,

Бу, Ватан осмониким, юлдузи авж гулхан эрур,
Тунлари ой, кунлари хуршид бўлиб кулган эрур,
Неча Румо, Андалусга бергисиз гулшан эрур,

Боқ, Уроқ-Болға тутишган эллари шўх-шаън эрур,
Дамлари омад қучиб, тимсоли бўстон келди-ку.

Марғилон атлас кийиб, шўх-шўх Муяссар ўйнагай,
Оқ булутлар ичра яшнаб шамс-қамардек бўйлагай,
Ёнида Гулшод Самадни рақсга тортиб қўймагай,
Айтингиз, завқли фарахдан қай кўнгиллар тўймагай,
Гул бўлиб, гул-гул бўлиб ҳур Ўзбекистон келди-ку.

Бу кеча нури-зиёга бердими гал кечалар,
Бағрига ўт тушдими ё ёнди ял-ял кечалар,
Лайлатул миққан кабидир файзли, зарҳал кечалар,
Ёки дўстлик қалб тўридан топди сайқал кечалар,
Бу томошани кўришга Зевс, Посейдон келди-ку.

Эй Низом, биллоҳ демасмен, сен гурунгда зўр бўл,
Зўрлар бор, зўрлар ичра майли думбул, ғўр бўл,
Майли авзли соз бўлма, бир синиқ танбур бўл,
То нафас чиққунча аммо дўстларга жўр бўл,
Ҳисларинг қўзғаб, тошиб дарёи уммон келди-ку.

1981 йил, 9 октябрь, Афина

[1] Хуш келибсиз! (грекча).

чақирди. Пионерлар Марказий бюросининг маълумотига кўра, 1924 йилнинг ўзидаёқ 603 минг 600 пионерни бирлаштирган 9 минг 20 отряд вужудга келди. Ўша йилнинг май ойида Қизил Майдонда пионер ташкилотига В. И. Ленин номи берилишига бағишланган тантанали линейка бўлди. Пионерларнинг биринчи отрядлари линейкада тантанали ваъда сўзларини айтиб, улуғ Ленин ва Коммунистик партия ишига содиқ бўлиш ҳақида қасамёд қилдилар.

Болалар пионер ташкилотларига уюшганларидан кейин мамлакатимиз ҳаётида фаол қатнаша бошладилар. Пионерлар Коммунистик партиянинг 1930 йил июль ойида очилган XVI съездига юборган табрикларида ўз ишлари ҳақида фахр билан шундай ёзган эдилар: «Биз бир миллиондан ортиқ саводсизларга савод ўргатдик. Уз оталиғимиздаги қишлоқларга 20 минг радиоприёмник юбордик. Қишлоқ пионерларига 500 мингдан ортиқ китоблар жўнатдик. Индустрлаштириш заёми учун бир миллион 500 минг сўм пул топширдик. Биз йиққан эски ашёлар ҳисобига олган маблағларимизга колхозчилар учун 4 минг 500 трактор сотиб олганимиз ҳақида мамнуният билан рапорт берамиз».

Бу ишларнинг ҳаммасида ўзбекистонлик пионерларнинг ҳам катта ҳиссаси бор эди. Пионерлар ўша йиллари республикамизда ҳам уйма-уй юриб, қишлоқларда, маҳаллаларда тозалик ўрнатишга ёрдамлашдилар, қулоқлар томонидан эксплуатация қилинаётган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар, халқ бойлигини ўғирлаётган, давлат мулкига зиён етказаётган кишиларни фош қилдилар.

1935 йилда Қўқон районидаги Ворошилов номли колхоздан Ҳавонур Отақулова, «Коммуна» колхозидан Нишонбой Қодировлар пахта етиштиришда, уни йиғиб-териб олишда фаол қатнашганликлари учун «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотландилар.

Улуғ Ватан уруши жангларида пионер ташкилоти тарбиялаган жуда кўп болалар мислсиз қаҳрамонликлар кўрсатдилар. Юзлаб ва минглаб ёш партизанлар, разведкачилар босқинчиларнинг ҳар бир жанг қилдилар, душманга қарашли кўприкларни, ўқдори ортилган эшелонларни портлатиб, жангчиларимизга ёрдам бердилар.

Мамлакат ичкарисида эса ёш ленинчилар «Ҳамма нарса фронт учун» шиори остида иш олиб бордилар. Пионерлар темир-терсак, доривор ўсимликлар тўпладилар, қишлоқ хўжалиги ишларида қатнашдилар, фронтга кетган жангчиларнинг оилаларига қарашдилар, госпиталларда назбатчилик қилдилар. Ўзбекистонлик пионерлар йўллаган пулга қурилган «Тошкент пионери» танк колоннаси душманларга даҳшат солди.

Қирқинчи йилларнинг иккинчи ярми ва эллигинчи йилларда пионер ва ўқувчилар янги-янги боғлар, хиёбонлар бунёд этишди. Уруш бўлган жойлардаги пионерлар шаҳар ва қишлоқларни қайта тиклашда қатнашдилар.

Олтмишинчи йилларда пионер ташкилотининг фаолияти яна ҳам ошди. Пионерлар металл парчалари тўплаб, Абакан — Тайшет темир йўлини қурдилар. «Дўстлик» нефть қувури ётқизидилар, қўриқ ерларга тракторлар юбордилар. Мана шу ишларнинг ҳаммаси учун Ватанимиз 1962 йилда Бутуниттифоқ Пионер ташкилоти байроғига Ленин орденини қадаб қўйди.

Ёш ленинчилар етмишинчи йилларда ҳам ўзларининг шонли ишларини қизғин давом эттирдилар. Пионерлар «Аъло билимимиз, меҳнат совғаларимиз, садоқатимиз ва муҳаббатимиз сенга, жонажон партия, сенга, Совет Ватаним!», деган шиор остида халқимизнинг барча ишларида кўмакчи бўлдилар, Анадирда пионер саройи қурдилар, вьетнамлик дўстларига ёрдам қўлларини чўзиб, Ханойдаги пионер саройи қурилишига 1,5 миллион сўм пул тўплаб жўнатдилар... Натижада, 1972 йилнинг баҳорида она-Ватанимиз Бутуниттифоқ Пионер ташкилоти байроғига иккинчи Ленин орденини тақиб қўйди.

Ўзбекистон пионерлари тўплаган металл парчаларидан ясалган пўлатлар эндиликда Тошкент метроси деворларини кўтариб турибди. Худди ўша йили «оқ олтин» майдонларида жавлон урмоқда.

Пионер ташкилоти 60 йиллик тўйини нишонлар экан, ўз сафларида мамлакатимизда коммунизм қураётган, космосни забт этаётган, ер юзида тинчликни барқарор этиш учун курашаётган, Ватан сарҳадларини қўриқлиқда, ҳавода ва сувда сергаклик билан қўриқлаётган ажойиб кишилар вояга етгани билан ҳақли равишда фахрланади. Леонид Ильич Брежнев Халқаро болалар йилида Артекда бўлиб ўтган «Тинч дунёда бахтли болалик учун!», байрамида сўзлаган нутқида болаларга қарата шундай деган эди:

«...Биз, кекса авлод кишилари, сизларнинг дўстларингиз, шу гапларни айтамиз: билиш учун ўқингиз, маҳорат ҳосил қилиш учун ўқингиз, ижод қилиш ва қалбингизга, кўнглингизга яқин бўлган нарса учун курашиш мақсадида ўқингиз. Соғлом, бақувват бўлиб ўсингиз, спортда, юришларда, меҳнатда ўзингизни чиниқтиринг. Ақлли, жасур, сезгир кишилар бўлингиз. Халқ иши учун, ер юзида тинчлик учун курашчилар қаторига ўтингиз! Чинакам инсон бўлингиз!».

Бутуниттифоқ пионерларининг ўтган йили бўлиб ўтган VIII слёти делегатлари мамлакатимиздаги барча ёш ленинчилар номидан Леонид Ильич Брежневга шундай деб ваъда бердилар:

«Қадрли Леонид Ильич!

Партия ва халқнинг биз, мамлакатнинг энг ёш гражданлари ҳақида қилаётган ғамхўрликларига Ватанимиз равнақи йўлида яхши ва аъло ўқишимиз, меҳнатимиз билан жавоб берамиз. Биз ғоявий эътиқодли, соф виждонли ва интизомли кишилар бўлиб етишишга тантанали ваъда берамиз. Партия ва комсомол олдида буюк Ленин васиятларига, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига ҳар доим содиқ бўламиз, деб қасамёд қиламиз!»

Мамлакатимиз ёш ленинчилари, албатта, ўз ваъдалари устидан чиқадилар. Уларнинг шонли таржимаи ҳоли буннинг ёрқин гаровидир.

# Кўринди юлдузинг чақнаб...

Ажиб ошуфтаи маскан қиёссиз баҳраёбимсан[1],
Кўринди юлдузинг чақнаб, кўзимда ёш, селобимсан,
Қучарга қўлларим ёздим, кел эй, ҳуснул маобимсан[2],
Қўяй кўксингга бошимни, эрирман, масту хобимсан,
Тушимда ҳам ўзинг пайдо, қадаҳ сун, майи-нобимсан.

Қачонлардир хаёлимни ўғирлабдир бўлиб чистон,
Нигоҳим ўрнида энди ўшал эски Фарангистон,
Гаҳи соҳил, қуроқ миллат, гаҳи сув, беҳудуд уммон,
Гаҳи юлдузларим тўксам дегандек, эгилур осмон,
Мен эсам сенга таъзимда, ўзинг нилгун ҳулобимсан[3].

Муқаддас, қутлуғ остонам қадим Баҳтар замин дерлар,
Ҳамиша жанг-жадалларда кўтарди номусин шерлар.
Бугун тенгсиз жамол очмиш эмиб пешонадан терлар,
Аму соҳиллари бўйлаб кўкарган дашт ўшал ерлар —
Сиқимда зарра тупроқ, зарра-зарра зар туробимсан.

Эсар шаббодалар, хушбўй ифордандир сўли-соғлар,
Наботот оламин кўз-кўз қилиб имлайди гул боғлар,
Қиру қишлоқ, зироатлар, учи найзасимон тоғлар,
Этакда салсабил[4] суви, кумушдай сою ирмоқлар,
Хазина, дафналар, хил-хил, ниҳон дури хушобимсан.

Офтобим, раво бўлса, ёруғ кунлар сенингда бор,
Нуру зулмат аро бўлсак, ёруғ кунлар сенингда бор,
Кими бахти қаро бўлса, ёруғ кунлар сенингда бор,
Балога мубтало бўлса, ёруғ кунлар сенингда бор,
Гаҳида шавқу фарёдсан, гаҳи дард изтиробимсан.

На хушдирким, ёш умримда бири гулдай ҳавас бўлди,
Нафасдай анқиса ҳам хуш, на етгулик нафас бўлди,
На ёш жонимни савдоси қарор топди, на бас бўлди,
Кичик кулбам — бу кенг дунё ва на ёким қафас бўлди,
Ватан ёди билан мен ҳам қанотлансам, шитобимсан.

Нечун бу довдираш дерсиз, ҳаёт-ку шон билан ширин,
Шараф ўз-ўзидан келмас, курашган он билан ширин,
Қоқилган бор, йиқилган бор, гаҳи армон билан ширин,
Ўлимдан қўрқмагай ҳатто, магар имон билан ширин,
Имонимда ўзинг барқ ур, деган танҳо хитобимсан.

Элим, қавмим, қариндошим, иним, жўрам, нигорим деб,
Ва ё наслу насаблардан кўчиб келган мадорим деб,
Бозор солсам агар ўзни, солим бергич бозорим деб,
Хоки-пойинг суриб кўзга, азизамга мозорим деб,
Низом, битсам китобларга, ўшал заррин китобимсан.

---

1 Баҳраёб — баҳра топувчи.
2 Ҳуснул маоб — ҳусннли, гўзал.
3 Ҳулоб — эгик осмон.
4 Салсабил — жаннатдаги кавсар ҳовузи.

# Румо ғалат...

*(Дўстим Абулқосимга)*

Демагил ногоҳ келиб, бу ўнгми ё рўё ғалат,
Чинданам афсонавий юрт, сув бўйи — Румо ғалат.

Тозариб денгиз сувидан ялтирар зайтунлар.
Еларо бир атру бўйдир наргису раъно ғалат.

Чорбоғда оқ работлар, вилла дерлар номини
Виллаларда ким хитобу, кимни қадди ё ғалат.

Йўққа-йўқ, борга яқиндир боғ ила шаҳр ораси,
Учсангиз оқ тўш мошинда шаҳри бир савдо ғалат.

Нур тошур дўконларида: нуқра жом, зарҳал қошиқ,
Зеби-зийнат тилларангдир, неки бор, тилло ғалат.

Ҳаттоким номус-имонни тош босиб олмоқ осон
Қайга бор, пулдир посанги, пулсиз дунё ғалат.

Ва лекин гар бу очунда бўлмасанг сармоядор
Топганинг кунликка етмай қолгусинг тенҳо ғалат.

Демагил, ногоҳ келиб, бу ўнгми ё рўё ғалат,
Чинданам афсонавий юрт, сув бўйи — Румо ғалат.

Қайда куз, қайларда авж кўклам куни,
Лола, гул акси била кўркам куни,
Кўз қамашгай барча ранглар жам куни,
Бир ҳовуч борларга бу хуррам куни.
Кимни қўша-қўша толе қучадик,
Ким қанот боғлаб ҳаволаб учади,
Ким айшда, кимдир шарбат ичади,
Кимнинг косаси оқармас ғам куни.

* * *

Қирга мол ҳайдайди ким молдай ориқ,
Ким ҳамон қўш кетида судрар чориқ,
Бандан мўминга ўзга чора йўқ,
Хўжаси измида қадди хам куни.
Чарх аро чарх сингари сен чарх уриб,
Гоҳ ёниб, гоҳо ўчиб гоҳ барқ уриб,

Борадирсан не диёрни тарк уриб,
Дўстларинг ҳайрон чашминг нам куни.
Шоиро, бирдам сукутни ёр эт,
Кўнглингга эл оҳангин бисёр эт,
Кўрганинг дафтарга ёз, ашъор эт,
Шеърларинг чиққан куни — байрам
куни.

Денов

# ...ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигига

# АЛ-ХОРАЗМИЙ ДАҲОСИ

**Халқимизнинг гениал фарзанди, «ўз даврининг энг улуғ математиги, агар бутун шароитлар ҳисобга олинса, ҳамма даврларнинг энг буюк математикларидан бири» (Ж. Сартон), астроном, географ, муаррих Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий жаҳон фани ва маданияти хазинасига беқиёс улуш қўшган, унинг ривожида чуқур ва сўнмас из қолдирган алломадир. Келаси йили бутун тараққийпарвар инсоният, барча қардош совет халқлари ал-Хоразмий таваллуд топган куннинг 1200 йиллигини катта байрам сифатида нишонлайдилар.**

**Ана шу муборак санага тайёргарлик кўрувчи ва юбилейни ўтказувчи Бутуниттифоқ ҳамда республика ташкилий комитетларининг Тошкентда ўтказилган қўшма мажлисида атоқли совет олимлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари буюк ватандошимизнинг ўз ижодиёти билан дунё фани тараққиётига зўр таъсир кўрсатганини гапирдилар, унинг илмий меросини тўлатўкис ўрганишга мамлакатимизда катта эътибор берилаётганлигини уқтирдилар. Юбилей муносабати билан республикамизда ал-Хоразмийга ҳайкал ўрнатилади, унинг математика, астрономия ва географияга оид асарлари беш жилдлик тўпламп рус ва ўзбек тилларида чоп этилади, илмий муассасалар, ўқув юртлари ва кўчаларга бу улуғ олим номи берилади.**

**Мухбиримиз қўшма мажлис қатнашчилари билан учрашди ва суҳбатлашди. Қуйида шу суҳбат билан танишасиз.**

## ҚОМУСИЙ ОЛИМ

**Петр ФЕДОСЕЕВ,**

Ал-Хоразмий туғилган куннинг 1200 йиллигига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи Бутуниттифоқ ташкилий комитетнинг раиси, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони,

КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида» деб чиқарган қарорида мамлакатимиз халқлари олтмиш йил мобайнида босиб ўтган буюк тарихий йўл тўла-тўкис таърифлаб берилди, халқимиз эришган тарихий ютуқларни қартомонлама илмий ёритиш вазифаси ўртага қўйилди ва тарихнинг буржуа сохтакорларини фош қилиш зарурлиги таъкидланди. Шу жиҳатдан олганда ал-Хоразмийнинг бўлажак юбилейига тайёргарлик ғоят улкан ижтимоий-сиёсий аҳамиятга моликдир.

Маълумки, партия ва ҳукуматимизнинг қарорига биноан 1983 йилда бизнинг ватандошимиз, Ўрта асрнинг ўрта осиёлик улуғ олими Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаймиз. Шу нуқтаи назардан бу юбилейни ўтказувчи Бутуниттифоқ ва республика ташкилий комитетларининг Тошкентда бўлган қўшма мажлиси фавқулодда муҳим аҳамият касб этди. Мазкур анжуман давомида ал-Хоразмий даҳоси ўзининг бутун улуғворлиги билан кўз ўнгимизда намоён бўлди. Биз унинг математика, алгебра, астрономия, география, тарих соҳаларидаги тадқиқотлари тўғрисида фикр-лашиб олдик. Хоразмлик бу алломанинг илмий фаолиятига бағишланган мароқли, теран мазмунли доклад ва ахборотларни тингладик. Хуллас, биз пировардида ватандошимиз Ўрта аср шароитида кўрсатган илмий жасоратининг мислсизлигини тағин бир марта ҳис қилдик. Ал-Хоразмий ўз даврига қадар Шарқ мамлакатларида тўпланган жамики фан ютуқларини, ҳамма билимларни ўзлаштирди, уларни жамулжам этиб қамраб олди ва инсониятга хизмат қилсин, деб кишиларнинг моддий ва иқтисодий ҳаёти зарур эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда асарлар яратди. Унинг илмий рисолалари суғориш, қуриш ишларида, экономика ва савдо муносабатлари кенгайишида самарали қўлланди. Бунинг учун эса математик амаллар, геометрия билимлари, арифметик ҳисоблар зарур эди. Бинобарин, ал-Хоразмий — унинг ўзи шаҳодат беришича,— ўз асарлари билан кишиларнинг турмуши ва меҳнатини енгиллаштиришни, уларга ёрдам беришни орзу қилган эди. Бу ҳақда анжуманимиз иштирокчилари қизиқарли мисолларни баён этдилар.

Ал-Хоразмий меросига у яшаб ижод этган давр муҳитини, жамиятнинг иқтисодий ва маданий ривожланиш шароитларини диққат марказида тутган ҳолда баҳо бериш керак. Унинг асарлари IX аср ўрталарида, X аср бошларида Хоразм воҳасидаги халқларнинг экономикаси, ижтимоий ҳаёти эришган реал даражани акс эттиради. Модомики, шундай экан, ал-Хоразмий асарлари Ўрта Осиё халқларининг жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини камайтириб кўрсатаётган буржуа тарихчиларининг уйдирмаларига қарши ишонтирарли далилдир.

Мажлисда ал-Хоразмий юбилейига тайёргарлик кўрувчи ва уни ўтказувчи республика ташкилий комитети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, халқ депутатлари Хоразм область Совети ижроия комитети раиси К. С. Сапаев ал-Хоразмий юбилейига тайёргарликнинг бориши тўғрисида батафсил ахборот бердилар. Ҳар иккала ахборот ҳам менда ва йиғилганларда катта таассурот қолдирди, катта қизиқиш уйғотди.

Қардош республикалардан келган олимлар ҳам бу мажлисда қатнашдилар, ўз республикаларида ал-Хоразмий юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақида сўзладилар, бу эса ҳаммамизни беҳад мамнун этди.

# ТАФАККУР ОЛАМИНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ

ХОРАЗМ ўлкаси кўпгина умумдунёвий аҳамиятли буюк кашфиётларни юзага келтирган улуғ мутафаккирлар ватанидир. Номи жаҳонга машҳур бўлган математик, астроном ва географ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳам аввало шу диёр фарзандидир. Тарихий маълумотларга кўра, унинг 780 йилда туғилганлиги ва 847 йилларда Бағдод шаҳрида вафот этганлиги тахмин қилинади.

Донишмандларимиз айтганидек, подшоликлар емирилади, дин тумандек тарқалиб кетади, аммо олимларнинг ишлари мангу қолади. Бу фикримизнинг тасдиғини буюк ватандошимиз ал-Хоразмий мисолида кўриш мумкин. Унинг бошланғич маълимни ўз ватани Хоразмда олганлиги шубҳасиздир.

Муҳаммад ал-Хоразмий илмий фаолияти ва дунёқарашининг шаклланишида ўзига қадар ва ўз даврида мавжуд бўлган дунё, Шарқ, шу жумладан, Хоразм маданияти, фанининг ўзига хос анъаналари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу анъаналарни у кейинчалик ўз илмий асарларида янада ривожлантирди. Олимнинг илмий фаолияти ўзининг кўп қирралиги билан ажралиб туради. У география, назарий ва амалий астрономия, математика ва бошқа фан соҳаларида талай асарлар ёзиб қолдирди. Унинг асарлари ўз даврига кўра муҳим илмий аҳамиятга моликдир.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг ҳаёти хоразмликларнинг қадимий бой маданий меросини яксон қилиб ташлаган ташқи истилочиларнинг қаттиқ жабр-зулми ва шафқатсизлиги даврига дуч келди. Ўзининг илғор қарашлари учун жаҳолатпарастлар таъқибига учраган бу мутафаккир бир неча йил дарбадарликда юрди. Жабр-ситамлар уни туғилиб ўсган диёридан умрбод бош олиб кетишга мажбур этди. У ўрта осиёлик бир гуруҳ машҳур олимлар сингари, Бағдодда яшовчи халифалар: ал-Маъмун, ал—Мутасим ва ал—Восиқ саройларида яшаб ижод этди. Маълумки, араб халифалигининг пойтахти Бағдод шаҳри — тарихий Мадинат ас—Салом VIII аср охири ва IX аср бошларида ободонлашган, юксалган эди. Хорун ар-Рашиднинг ўғли ал-Маъмун [813—833] даврида Бағдодда ўша даврнинг фанлар академияси ҳисобланган «Байт ал-ҳикма» [«Донишмандлар уйи»] ташкил этилиб, унга барча мамлакатларнинг машҳур олимлари, таржимонлари мажбуран жалб қилинди. Умуман, Бағдод бу даврларда илмий-таржима ишларининг марказига айланди. «Бу ерда илмий фаолият шундай ривожланадики,— дейди академик И. Ю. Крачковский,— баъзи ҳолларда бир-икки ўн йил ичида маълум бир асар уч-тўрт марта қайта таржима қилиниб, янги нусхада тайёрланар эди». Қисқа вақт ичида Аристотель, Евклид, Архимед, Менелай, Птолемей каби олимларнинг асарлари юнон тилидан араб тилига ўгирилиб, Шарқ халқлари орасида кенг тарқалди. Ривоятларга кўра, ҳинд олими Пандит Канканинг «Синдиҳанта» китобини (уни астроном Брахмагупта 628 йилда ёзган) 772 йилда Бағдодга олиб келган. Бу китоб халифа Мансурни жуда қизиқтириб қолади ва у дарҳол мазкур асарни арабчага таржима этишни буюради.

Санскрит тилида ёзилган бу асарни араб тилига шу даврнинг етук математика ва астрономия олими Абу Исҳоқ Иброҳим ал-Фазорий [тахминан 777 йилларда вафот этган] ўғли Муҳаммадга топширади. Бу таржимани «Катта Синдҳинд», «Илм ал-фалак» [«Осмон сфераси ҳақидаги фан»] номлари билан ҳам атай бошлайдилар. Муҳаммад ал-Хоразмий мазкур асарнинг тушунилиши қийин бўлган ва таржимада хато кетган жойларини топади, уларни қайта ишлаб, асарга бир қанча янги боблар қўшади. У китобни назарий ва амалий томондан асослаб, унга «Қисқартирилган Синдҳинд» деб ном беради. Унинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Ю. Х. Капелевич ва Б. А. Розенфельд асарнинг Кембриж университети кутубхонасида сақланаётган, XIV асрда кўчирилган лотин тилидаги китоби фотонусхасидан 1964 йили рус тилига таржима қилиб, нашр эттирдилар.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг «Синдҳинд» асари позицион ўнлик саноқ системасини оммалаштиришда катта роль ўйнади. Шарқ ва Европа математиклари ўз ишларида ушбу системани кенг қўллай бошладилар. Ал-Хоразмийгача фойдаланилган олтмишлик саноқ системаси ҳисобда анча қийинчилик туғдирар эди. Олимнинг арифметика рисоласи ҳисоблашда ўнлик системасининг [нолни қўллаган ҳолда] кенг тарқалишига асос солди. Муҳаммад ал-Хоразмий тарғиб қилган ўнта математик [0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9] сонлар ёрдамида қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш, даражага кўтариш, илдиз чиқариш амаллари бажарилиши мумкин. Бу «араб рақамлари» ишлатиладиган ўнлик ҳисоблаш системаси араб алфавитининг ҳарфлари ишлатиладиган ҳисоблаш системасидан бошқачадир. «Араб рақамлари»нинг ишлатилишида Муҳаммад ал-Хоразмийнинг тутган ўрни юксак.

# БИРИНЧИ «ЗИЖ»

**Владимир ШЧЕГЛОВ,**
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги

Ал-Хоразмий ўзининг кўп йиллик ва мислсиз илмий фаолиятида астрономияга эътибор берган. Бу эса ўз умрини астрономияга бағишлаган мендек бир кишида фахр туйғуларини уйғотади.

Энг қадимий фанлардан ҳисобланмиш астрономия ҳаётнинг моддий асосларини белгилаш зарурати туфайли бирлашган кишилик жамиятида пайдо бўлди, ҳаётнинг соф амалий, моддий эҳтиёжларидан келиб чиқди.

Ал-Хоразмий астрономия соҳасида биринчи бўлиб юлдузлар жадвалини —«Зиж ори илм ал-фалак» («Астрономик жадваллар»)ни яратди ва шуҳрат қозонди.

«Зиж» кишиларга: деҳқонларга ҳам, чорвадорларга ҳам, савдогарларга ҳам, канал қурувчиларга ҳам жуда керак эди. Айни шу «зиж» дарё ва кўл сувлари ҳаракатини йўлга солишда, сел ва тошқинларнинг олдини олишда, олис жойларга сафарга чиққанда кўмаклашди, деҳқончилик учун керак бўлган календарларни тузиш имкониятини берди.

Ал-Хоразмий ўз «Зиж»и халқнинг ҳаётий эҳтиёжларига, кундалик фаолиятига ҳозирбарор бўлишини пайқаган ва уни шунинг учун тузган эди. Кейинчалик кўплаб бошқа «Зиж»лар: ал-Сухий «Зиж»и, Беруний «Зиж»и пайдо бўлди, лекин Мирзо Улуғбек тузган «Зижи Кўрагоний» уларнинг энг юксак нуқтаси бўлиб қолди. Агар ал-Хоразмий биринчи «Зиж»ни яратган бўлса, Улуғбек иши ана шундай астрономик тадқиқотларнинг чўққисига кўтарилди.

Мен ал-Хоразмийнинг яна бир жуда муҳим ишини — ер ўлчаш ишларидаги иштирокини таъкидлаб ўтишни хоҳлар эдим. У бир гуруҳ олимлар билан биргаликда ер сатҳи градусининг узунлигини ўлчаган ва ҳозирги замон астрономия фани хулосаларига жуда ҳам яқин бўлган ажойиб натижага эришган эди.

## Табиат

Табиатжон,
Сен онамиз,
Чиройингга
Чиройингга
Парвонамиз.
Сен гўзаллик
Конидирсан,
Одамларнинг
Жонидирсан.
Сендан чирой
Олган бизлар:
Ота-она,
Уғил-қизлар.

Чиройингга
Яна чирой
Қўшажакмиз.
Ҳар кун, ҳар ой
Асрлардан —
Асрларга
Гўзал бўлиб
Ўтавергин,
Гўзалликни
Авлодларга
Биздан ҳадя
Этавергин.

## Ёзма иш

Ёзма иш, ёзма иш...
Ҳаммада битта ташвиш:
Кимдан мумкин
кўчириш?
Кимдан мумкин
кўчириш?
Мен кўчирдим
Фарҳоддан,
Фарҳод эса Дилшоддан,
Дилшод эса Офтобдан,
Офтоб эса китобдан.
Ёзма иш, ёзма иш...
Энг ўнғайи — кўчириш.
Ким ҳам ўтирар ўйлаб,
Тайёр турса қўшма гап.
Дарс чоғи, эртаси кун,
Муаллим ясар яқун:
— Икки бўлди ҳамма
иш,
Биттагина қўйдим беш.
— Қўйгандирсиз
Фарҳодга?
— Йўқ!
— Бўлмаса, Дилшодга?
— Йўқ!
— Унда-чи, Офтобга?
— Йўқ, беш қўйдим
китобга...

## Болаларга ўқиб беринг

Шоди САТТОР

### Дарахт дейдики...

Игна санчсам баданингга,
Босолмайсан қадамингни.
«Ойижон!»— деб бақирасан,
Ёки дўхтур чақирасан.
Бил, менинг ҳам бор баданим,
Ҳаракатда жону таним.
Михлар қоқиб ҳар жойимга,
Озор берсанг тан-жонимга,
Кўзларимга ёш оламан,
Одамларга жар соламан.
Улар сендан безишади,
Қулоғингдан чўзишади.

Душанбе.

* * *

Қидирдим бугун
Ёзув дафтарим —
Кун бўйи уни
Уйдан ахтардим.
Қидирдим полдан,
Диван остидан,
Подвалга тушдим
Унинг дастидан.
Агар уй ичи
Яхши қаралса,
Топилар экан
Кўпгина нарса.
Топдим йўқотган
Бўёқларимни,
Кўк, қора рангли
Сиёҳларимни.
Ошхонамизда,
Қарасам, ётар —
Бултур йўқолган
Ашула дафтар.
Ручкамни топдим
Ойна тагидан,
Аммо дафтарни
Тутдим янгидан.

Кавсар ТУРДИЕВА

### Хотира

Жуда қийин экан-да,
Ёмон бўлса хотира.
Хотираси ҳақида
Фарҳоджон бош қотирар.
Сўзлаб бера олмади
Шаршаралар ҳақида,
Тинч ва Муз океанин
Адаштирди яқинда.
Энг узун Нил дарёсин
Кўрсатолмас картада.
Ўтирса ҳам йил бўйи
Энг биринчи партада.
Қанча дори-дармоннинг
Тотиб кўрди у таъмин,
«Тикласин,— деб — хотирам»,
У ютади витамин.
Жуда қийин экан-да,
Ёмон бўлса хотира.
Хотираси ҳақида
Фарҳоджон бош қотирар:
Туну кун фақат ўйлар,
Тиним билмайин бирпас:
Хотираси ҳақида —
Дарси ҳақида эмас...

---

Араблар Ироқ, Миср ва Сурияни истило этгунларига қадар юнон алфавитига асосланган рақамлардан фойдаланганлар. VI асрдан бошлаб араб алфавитининг ҳарфлари билан ифодаланувчи рақамлар қўлланилган. VIII аср охирлари ва IX аср бошларида Муҳаммад ал-Хоразмий Ҳиндистонда кашф этилган ўн рақамдан ташкил топган позицион системани ўрганиб уни соддалаштиради, кенгайтиради ва биринчи марта араб тилида оригинал равишда баён этади. Хоразмий «Арифметика»си билан биргаликда бу ҳинд рақамлари араб Шарқига кириб келади. Хоразмийнинг бу асари арабчадан лотинчага таржима қилиниб, X асрда Испанияга, XII асрда Европанинг бошқа мамлакатларига тарқалади. Шунинг учун бу 0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9 рақамлар ҳануз жаҳонда «араб рақамлари» номи билан юритилади. Лекин бу «араб рақамлари» Европага Шарқдан эмас, Юнонистондан келган дегувчилар ҳам бўлган. «Араб рақамлари»ни тарқатган Муҳаммад ал-Хоразмий эканини исботлашда Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари ҳал қилувчи далил бўлди.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг алгебрага доир «Ал-жабр ва-л муқобала» номли рисоласи ҳам математика тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу асарнинг 1342 йили кўчирилган араб тилидаги асл нусхаси Оксфорд университети кутубхонасида сақланмоқда. Шунингдек, асарнинг XII асрда лотин тилига таржима қилинган икки нусхаси бўлиб, шундан биттаси 1838 йили Парижда чоп этилган.

Асарнинг алгебрага тегишли бобларида аллома номаълум сонни — «илдиз» («жизр»), номаълум сон квадратини — «мол», озод ҳадни эса пул бирлиги «дирҳам» номи билан атаган ва биринчи ҳамда иккинчи даражали тенгламаларни туркумларга ажратиб, уларнинг қуйидаги олти турини алоҳида кўрсатган: «квадратлар илдизларга тенг», «квадратлар сонга тенг», «илдизлар сонга тенг», «квадратлар ва илдизлар сонга тенг», «квадратлар ва сонлар илдизларга тенг», «илдизлар ва сонлар квадратга тенг». Хоразмий бундай туркумлашда тенгламаларнинг иккала қисмида ҳам мусбат сон бўлишига эришган. Унинг ва ундан кейинги олимларнинг фикрига кўра, квадрат тенглама ҳадларининг биронтаси манфий бўлса, бу тенглама маънога эга эмас.

Тенгламаларни юқоридаги олти турдан бирортасига келтиришда Хоразмий икки амални бажаради: булардан бири «ал-жабр» — манфий ишорали ҳадни тенгламанинг бир томонидан бошқа томонига кўчириш, иккинчиси эса «ал—муқобала»— ўхшаш ҳадларни ихчамлашдан иборат.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг «Алжабр ва-л-муқобала» китобидаги «ал-жабр» ва «ал-муқобала» сўзларини биринчи марта эронлик математик Баҳоуддин ал-Амилий [1547—1622] ўзининг «Хулосат-ул ҳисоб» асарида «ал-жабр»ни «тиклаш» ва «ал-муқобала»ни «қарама-қарши қўйиш» маъносида изоҳлайди.

Инглиз таржимони Роберт Честер бу асарни 1145 йили арабчадан лотин тилига таржима қилди. Мазкур таржима ҳақида Ж. Сартон ўзининг «Фан тарихига кириш» [1927] деган асарида: «Бу таржима Европа алгебрасининг дебочаси деса бўлади», дейди. Бу асар таржимасида «алжабр» сўзи «алгебра» деб, ал-Хоразмий сўзи эса «алгоритм» деб таржима қилинади. Бу атамаларнинг биринчиси ҳозирги замон математика фани номига, иккинчиси эса ҳисоблаш математикасининг асосий терминига айланди.

Шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, ҳисоблаш тарихида алгоритм, алгорифм, алгоризм сўзларининг луғавий маъноси XIX асргача номаълум бўлиб келган эди. Фақат 1849 йилдагина француз шарқшуноси олими Жозеф Туссен Рейно (1795—1867) бу термин «Ал-Хоразмий» сўзидан келиб чиққанлигини аниқлади.

«Алгоритм» — «Ал-Хоразмий»нинг лотинча транскрипцияси натижасида ҳосил бўлган экан. Алгоритм сўзи даставвал ал-Хоразмийнинг «Арифметика» китобининг биринчи бетидаги сўзлар: «Дедики алгоритм» деган сўздан бошланган. Бу эса «Дедики ал-Хоразмий»нинг лотинча ифодаси эди.

Қўшиш, айириш, кўпайтириш, тақсимлаш, ҳуллас, тўрт амалнинг ҳаммаси муайян ҳисоблаш қоидалари асосида бажарилади. Бу қоидалар — алгоритмлардан иборат бўлиб, уларни илдизидан чиқариш, квадрат тенгламани ечиш алгоритмларини дастлаб Муҳаммад ал-Хоразмий кашф этган. Квадрат тенгламалар ечиш учун тузилган алгоритм: алжабр, ал-муқобала, тенгламани ечиш каби уч қисмдан иборат бўлади. Алжабр [ҳадларнинг манфий ишорасидан қутулиш] ва ал-муқобола [ўхшар ҳадларни ихчамлаш) қоидалари квадрат тенгламаларнинг барча турларини олти типга келтиради ва улар ўзига хос қоидалар билан ечилади. Шунингдек, учбурчак, кўпбурчак, доира сегмент, сектор, конус, пирамидани ҳисоблашга оид қоидалар — алгоритмлар ҳам Хоразмий томонидан биринчи марта фанга киритилган эди.

Алгебра тарихида бу асарнинг аҳамияти жуда катта, чунки алгебра фани Хоразмий томонидан биринчи марта мустақил фан даражасига кўтарилди.

Арифметика, математика, тригонометрия, астрономия, география соҳасида катта муваффақиятларга эришибгина қолмасдан, балки Хоразмий бошқа тадқиқотлари билан ҳам фан тарихида шуҳрат қозонди. Унинг жаҳон илмий тафаккури тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган «Астрономияга оид рисола», «Музика ҳақида рисола», «Тарих тўғрисида рисола», «Қуёш соати ҳақида рисола» каби асарлари шулар жумласидандир. Лекин афсуски, улар бирмунча илмий манбаларда зикр этилсада, бизгача етиб келмаган.

Ал-Хоразмийнинг фалсафий қарашларига келганда эса шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда дин кенг тарқалиб, мустаҳкамлангандан кейин ҳам илғор фан ўз ютуқларини ҳимоя қилиб, динга қарши курашган; бу норозилик Хоразмий асарларида янада кучайтирилган. Хоразмий математика, астрономия ва географияни ўрганиши туфайли Қуръондаги дунё тасвирига, воқеа-ҳодисаларга ва ривоятларга танқидий муносабатда бўлди. Бинобарин, Хоразмийнинг табиий-илмий қарашлари математика, астрономия, география соҳасидаги ютуқлари Ўрта асрларда чексиз ҳукмронлик қилган ислом дини ва схоластик-идеалистик фалсафага қатиқ зарба берди, диннинг табиат тўғрисидаги уйдирма, ёлғон даъволарини фош этишда муҳим роль ўйнади.

**Солиҳжон ҲАСАНОВ,**
Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг илмий мухбири

# ЭРТАКДАГИ ҲАҚИҚАТ

Ўзбек эртакларини ёзиб олиш, нашр этиш, илмий ўрганиш Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Буюк Каримов каби устод фольклоршуносларимиз номи билан боғлиқ. Эндиликда Комилжон Имомов, Ғайрат Жалолов уларнинг ишларини давом эттирмоқдалар. Чунончи, Ғайрат Жалолов ёзма адабиёт ва фольклор муносабатлари, ўзбек эртаклари масалаларига бағишланган учта монография эълон қилди[1].

Айтиш мумкинки, авторнинг «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» монографияси ўзбек эртакшунослигида М. Афзаловнинг «Ўзбек халқ эртаклари ҳақида» (1964), К. Имомовнинг «Ўзбек сатирик эртаклари» (1974) асарларидан кейинги эътиборга молик тадқиқотдир.

Маълумки, фольклоршунос И. П. Сахаров рус халқ эртакларини тасниф қилишга XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ киришган эди. Ғ. Жалолов ўз монографиясида эртакларни анъанавий таснифга кўра: мажозий, сеҳрли-фантастик, ҳаётий-сатирик каби уч турга бўлиб ўрганади.

«Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» монографиясининг «Мажозий эртаклар» деб номланган биринчи бобида авторнинг таъкидлашича, одамлар ҳайвонлар ёки ўсимликларга эътиқод қилган замонларда ҳайвонлар образи ҳозиргидек мажозий маъно ташимаган. Шунинг учун мажозий, яъни ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг яратилиши қадимги миф ва афсоналар, тотемлар ҳақидаги ривоятлар, тотемистик ва анимистик қарашлар билан боғлиқ. Масалан, бир мисол келтирайлик: профессор Розен қадимги ўғизларда: «Бўрининг юзи марҳаматлидир», деган ҳикмат бўлганлигини айтади. Ғ. Жалолов шу фикрдан келиб чиқиб, ўзбек халқ эртакларининг айримларида бўри образи ижобий тасвирланади, бу уларнинг қадимий тотемлар билан алоқадорлигини кўрсатади, деган хулосага келади. Муҳими шундаки, автор ана шундай мисоллар асосида бир қарашда кўзга ташланмайдиган — шунчаки уйдирма бўлиб кўринадиган ҳайвонлар ҳақидаги эртакларда ҳаётий ҳақиқатлар яширинганлигини илмий-назарий далиллашга интилади. Натижада эртаклар генезисини ёритишга маълум даражада эришади.

Китобнинг иккинчи боби жаҳон халқлари, шу жумладан, ўзбек фольклорида жуда кенг тарқалган сеҳрли-фантастик эртакларга бағишланган. Муаллиф доҳиймиз В. И. Лениннинг: «Ҳар қандай эртакда ҳақиқат элементлари бўлади»[1], деган дастуриламал фикрига асосланиб, ўзбек сеҳрли-фантастик эртакларини жаҳонга машҳур «Калила ва Димна», «Минг бир кеча», «Веталининг йигирма беш ҳикояси» эртаклари билан қиёслашга, мотивлар ва сюжетлардаги ўхшашликларни, фарқларни кўрсатишга ҳаракат қилади.

Маълумки, ўзбек фольклорида Ҳотамтой, Луқмон каби ярим афсонавий ва Искандар, Ибн Сино, Навоий каби тарихий шахслар ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Фольклоршунос Ғ. Жалолов улар ҳақидаги сеҳрли-фантастик эртакларга алоҳида эътибор беради, халқ бадиий фантазия воситасида тарихий шахслар образлари орқали ўз асрий орзу-умидларини ифодалаганлигини айтади. Олимнинг яна бир ютуғи шундаки, у эртакларнинг синкретик характери, яъни, бир турга мансуб эртакларда иккинчи тур эртакларга хослигини кўплаб эртаклар мисолида муайянлаштира олган. Бундан ташқари, Ғ. Жалолов сеҳрли-фантастик эртаклар халқ қаҳрамонлик эпосига яқин туради, улардаги айрим эпизодлар бир-бирларига ўтиши мумкин, деган фикрни ўртага ташлайдики, бу жанрларнинг ўзаро муносабатини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Монографиянинг бу бобида сеҳрли-фантастик эртакларнинг мотив ва образларига, генезисига, уларнинг тараққиёт босқичларига алоҳида бўлим бағишланган. Жумладан, авторнинг сеҳрли-фантастик эртаклардаги кенжа қиз образининг генезиси ҳақидаги фикри жуда қимматли. У бу образнинг асосини икки факт: а) матриархат даврида кенжа қиз культининг вужудга келиши; б) полигамияда катта хотинлар ҳуқуқининг ортиши (95-бет) билан изоҳлайди. Умуман, муаллифнинг сеҳрли-фантастик эртаклар таҳлилида тарихийлик ва қиёслаш методига таяниши бу бобнинг илмий-назарий жиҳатдан пухта чиқишини таъминлаган.

Асарнинг ҳаётий-сатирик эртакларга бағишланган «Ҳаётий-сатирик эртакларга бир назар» бобида Ғ. Жалолов ҳаётий-сатирик эртакларнинг бошқа турларидан кейинроқ пайдо бўлганлигини таъкидлаб, уларда меҳнаткаш халқ ҳаётига хос воқеа-ҳодисалар ва уларнинг эксплуататорларга нисбатан салбий муносабатлари ўз ифодасини топганлигини мисоллар билан кўрсатиб ўтган.

Монографиянинг «Жанр қирралари» деб номланган, ўзбек халқ эртакларининг морфологияси ва бошқа поэтик хусусиятларига бағишланган боби илмий-назарий жиҳатдан анча пухта ёзилган.

Маълумки, йирик олим В. Я. Проппнинг эртаклар морфологияси, генезиси тадқиқ этилган асарлари совет фольклоршунослигининг катта муваффақиятларидан бўлди. В. Я. Пропп морфология терминини эртакларнинг композицияси (тузилиши) маъносида қўллайди. Ўзбек фольклоршунослари эртаклар композициясини эндигина ҳар томонлама ўрганишга киришдилар. Шу жиҳатдан Ғ. Жалоловнинг В. Я. Пропп фикрларига таяниб илгари сурган қарашлари диққатга сазовордир. Муаллиф ўзбек эртакларидаги турғун ва ўзгарувчан шаклларни, доимий стилистик формулаларни таҳлилга тортиб, уларнинг уч асосий турини кўрсата-вийлик етакчи мавқе касб этишини эртаклар мисолида исботлашга интилади.

Табиийки, фольклор жанрлари доимо тараққиётда ва ўзаро муносабатда бўлади. Баъзан айрим фольклор асарларининг жанрини аниқлаш қийин бўлиб қолади. Бундай ҳолларда фақат жанрларнинг ўзаро муносабатларини чуқур ўрганиш орқали масалани тўғри ҳал қилиш мумкин.

Фольклоршунос Ғайрат Жалоловнинг «Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат» монографияси ўзбек эртакларининг бошқа фольклор жанрлари билан муносабатлари масалаларига бағишланган. Бинобарин, у «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» тадқиқотининг мантиқий давомидир.

Мазкур асарнинг дастлабки бўлими мажозий эртакларнинг бошқа жанрлар, асосан миф ва афсоналар билан муносабати ҳақидадир. Бунда автор «Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси» монографиясида илгари сурган фикрлари, назарий қарашларини янада ривожлантириб, мажозий эртакларнинг миф ва афсоналарга ўхшаш ва фарқли томонларини кенгроқ ёритиб берган.

Монографиянинг кейинги бўлимида сеҳрли-фантастик эртаклар бошқа эпик жанрларга қиёсан ўрганилган. Таъкидлаб ўтиш кераки, Ғ. Жалолов ҳар уччала тадқиқотида сеҳрли-фантастик эртакларга жуда кенг тўхталган. У эртаклар билан халқ достонларидаги мотивлар ва образларни таққослаб, Х. Т. Зарифов фикрларини ривожлантириб, эртаклар достонларнинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнаган, деган хулосага келади.

Олим эртаклар ва достонлар муносабатини ўрганар экан, «Рустамхон», «Ғавшан», «Хуршидой», «Муродхон» каби халқ достонларига мурожаат қилади ва ўз назарий қарашларини исботлашга эришади.

Автор ўз монографиясида эртаклар ва ҳикматли сўзлар, топишмоқлар, қўшиқларнинг ўзаро муносабатлари масаласига ҳам тўхталган. Бу борада эртаклар таркибидаги ҳикматли сўзлар, топишмоқлар, уларнинг ғоявий-бадиий аҳамияти уқтирилган. Эртаклардаги қўшиқларнинг ҳаётий асослари, уларда ифодаланган халқ орзу-умидлари, хаёлоти атрофлича таҳлил қилинган.

Монографиянинг сўнгги бўлими устод Ҳамза ижодининг шакллани-

[1] Ғ. Жалолов. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. «Фан», 1976. Ўзбек фольклорида жанрлараро муносабат. «Фан», 1979; Узбекский народный сказочный эпос (Ўзбек халқ эртак эпоси). «Фан», 1980.

[1] В. И. Ленин. Асарлар, 27-том, 91-бет.

# МУҲИМ ТАДҚИҚОТ

Коммунистик тарбиянинг таркибий қисми бўлган интернационал тарбия масалалари тобора муҳим ижтимоий аҳамият касб этмоқда. Интернационал тарбия назарияси ва методикаси масалалари билан ҳозирги кунда ижтимоий ва аниқ фанларнинг деярли барча намояндалари фаол шуғулланмоқдалар. Масъуд Жунусовнинг «Интернационал тарбия назарияси масалалари»[1] деган монографияси ҳам шу жиҳатдан эътиборга моликдир. Биз санъатшунослик ва санъат педагогикаси нуқтаи назаридан ёндашиб, китобга ўз муносабатимизни билдиришни лозим топдик.

«Интернационал тарбия назарияси масалалари» даставвал ўзининг назарий теранлиги, фактларга бойлиги, композицион изчиллиги, мазмундорлиги билан характерланади. Зотан, интернационал тарбия масалаларига қизиқиш кучайган бир пайтда чуқур фалсафий-назарий масалаларнинг ёрқин ва образли тарзда ёритилиши диққатга сазовордир.

Монография ҳар жиҳатдан қамрови кенг. Унда интернационал тарбия масалаларига оид деярли барча илмий адабиётлар фалсафий-ғоявий умумлашма тарзида таҳлил этилган. Асосий материаллар Ўзбекистонга тааллуқли бўлса-да, улар Иттифоқ миқёсида аҳамият касб этган. Марксизм-ленинизм классикларининг таълимоти асарнинг методологик асосини ташкил қилади.

М. Жунусов интернационализмнинг назарий-амалий проблемалари билан мунтазам шуғулланиб келаётган забардаст олимлардан биридир. Унинг интернационализм назариясига доир илмий хулосалари мазкур соҳа бўйича тадқиқот ишлари олиб бораётган мутахассислар ҳамда амалиётчилар учун йўлланма беради.

Китобда пролетар интернационализми принципларининг ўзаро алоқадорлиги ва диалектикаси яхши очиб берилган. Муаллифнинг интернационал тарбиянинг сиёсий-ғоявий ва ахлоқий проблемалар билан алоқасига доир оригинал кузатишларини алоҳида эътироф этиш керак.

Ўқувчи мазкур асар орқали коммунистик тарбиянинг кўп қиррали ва мураккаб структураси билан танишади ва чуқур тарихий, назарий хулосалар билан қуролланади. Пролетар интернационализми ғоя ва принципларини амалга оширишда КПСС миллий сиёсатининг моҳиятини очиб берувчи мулоҳаза, мушоҳада ва хулосалар айниқса қимматлидир. Хусусан унда интернационаллик проблемалари ва миллий муносабатларнинг математик моделлари ва коэффициентлари ҳамда бошқа бир қатор социологик факторлар қизиқарли баён этилган. Пролетар интернационализмнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қиммати, халқлар ўртасида ўзаро ишончни қарор топтириш тажрибалари, коммунистик ахлоқ ва интернационал тарбия принципларининг ўзаро муносабатлари диалектикаси каби масалаларни муаллиф атрофлича ёритиб беради. Шу муносабат билан ҳар бир шахсда социал-психологик иммунитетларни ҳосил этишга оид илмий мушоҳада ва хулосалар китобхонда алоҳида қизиқиш уйғотади.

Маълумки, маданият ва оммавий информация воситаларининг интернационал тарбиядаги ўрни ва роли тобора кучайиб бормоқда. Муаллиф бадиий сўз санъатининг интернационал тарбия жараёнига таъсири ҳақида конкрет мушоҳадалар билдирар экан, бадиий маданият ва интернационал тарбия масалалари тадқиқ қилиниши жараёнида индуктив методга кўпроқ таяниш ва ички имкониятларни кўпроқ очишга интилиш лозимлигини уқтиради.

Ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган бу илмий теран асарда, назаримизда, айрим хато фикр ва хулосалар ҳам мавжудки, бу ҳолат мазкур соҳа бўйича чуқур тадқиқот-

[1] М. Джунусов. Вопросы теории интернационального воспитания. Изд-во «Узбекистан», Т. 1980 г.

тига бағишланганки, бу ўз навбатида халқ эртакларининг ижтимоий ҳаётда турган ўрнининг муайянлаштирилиши учун восита бўлган.

Ўзбек фольклоршунослари халқ ижодини тўплаш, нашр этиш ва илмий тадқиқ қилиш борасида катта тажриба орттирганлар. Аммо рус тилига таржима қилинган бадиий текстларимиз ва илмий асарларимиз ҳали жуда кам. Х. Т. Зарифов ва В. М. Жирмунскийнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» монографияси, «Алпомиш» эпоси ҳақида» илмий тўпламидан ташқари рус тилида эълон қилинган бошқа йирик тадқиқотларимиз йўқ. Бу эса кўпмиллатли совет китобхонларининг бой ўзбек фольклори билан танишувида маълум қийинчиликлар туғдиради. Шу жиҳатдан фольклоршунос Ғ. Жалоловнинг рус тилида нашр қилинган «Ўзбек халқ эртак эпоси» монографияси алоҳида аҳамиятга эга. Айни монографияга «Вопросы литературы» журналининг 1981 йил 10-сонида ижобий тақриз эълон қилинди ва у ўзбек эртакшунослигининг муваффақиятларидан бири сифатида баҳоланди.

Бу асар муаллиф аввал нашр эттирган икки монографиянинг ўзига хос синтезидир. Шубҳасизки, у фольклор асарлари билан қизиқувчи барча совет китобхонларини бой ўзбек халқ бадиий оғзаки ижоди, гўзал ўзбек халқ эртаклари, уларнинг асослари, поэтикаси билан таништиришда муҳим восита бўлади.

Ғ. Жалолов тадқиқотлари камчиликлардан ҳам холи эмас, албатта. Чунончи, муаллиф эртаклар поэтикасини тадқиқ этишга жазм қилгану, лекин поэтиканинг айрим соф масалаларини назардан четда қолдирган. Монографияларда автор ўз-ўзини такрорлаган ўринлар ҳам учрайди (1-китоб, 26-бет; 2-китоб, 19-бет).

Хуллас, айтиш мумкинки, айрим камчиликлар, тўлдирилиши лозим бўлган ўринларидан қатъий назар, фольклоршунос Ғайрат Жалоловнинг ҳар уч монографияси ўзбек эртакшунослигига қўшилган ўзига хос ҳиссадир.

**Муҳаммаднодир САИДОВ,**
филология фанлари доктори,
профессор
**Асқар МУСАҚУЛОВ,**
А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими илмий ходими

лар камлиги билан изоҳланади. Жумладан, муаллиф интернационал тарбия жараёнида эмоционал моментларни фақатгина безакли тадбирлар билан чеклаб қўяди, мазмунга хос эмоционал жиҳатларга унчалик эътибор бермайди. Ҳолбуки, эмоционал моментлар ана шу тадбирлар билан алоқадордир.

Айрим нуқсонларга қарамай, М. Жунусовнинг «Интернационал тарбиянинг назарий масалалари» номли монографияси катта назарий, амалий ва методологик аҳамият касб этади. Серқирра, чуқур ва йирик тадқиқотнинг рус тилида босилиб чиққанлиги қувонарли, албатта. Бироқ мазкур китобнинг ўзбек тилида ҳам нашр этилиши ниҳоятда зарурдир. Чунки унда интернационал тарбия масалалари, айниқса унинг назарияси мукаммал, яхлит, изчил ва қизиқарли тарзда ёритилган. Шунинг учун ҳам мазкур монографиянинг ўзбек тилида ва оммавий нусхада пайдо бўлиши интернационал тарбия масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларни зарурий билимлар билан қуроллантириш ишига ҳисса бўлиб қўшилади.

**Адиба НОСИРОВА,**
Тошкент Давлат Маданият институтининг катта ўқитувчиси

# УНУТИЛМАС У ЙИЛЛАР

Олимжон ака туни билан ғўзаларга сув тараб чарчади шекилли, узоқларга термилиб: «Энди озгина ҳордиқ чиқарсам бўлади», деб кўнглидан ўтказди. Кетмонини ерга қўйди, ҳовучига сув олиб юзини ювди, кўзидан уйқу қочгандай бўлди. Белбоғини ечиб, юз-қўлини артди. Тонг ғираширасида чайла томондан кетмонини елкасига қўйиб кимдир шошиб келарди. У сувчи Шокировой эди.

— Олимжон ака, узр, мизғиб оламан деб қаттиқ ухлаб қолибман,— деди у хижолат тортиб.

— Зарари йўқ, ука, ҳали ёшсан, кўникиб кетасан, сувчилик касби — фахрли касб, буни ҳар ким ҳам эплай олмайди. Шуни билгинки, ғўзанинг тақдири сувчининг қўлида. Ишга эътиқоду ихлос билан ёндошсанг, тажрибали сувчиларнинг маслаҳатидан чиқмасанг, касбингни улуғласан бўласан, эл ўртасида обрў-эътиборинг ошади,— деди Олимжон.

...1940 йилнинг ёз ойлари. Олимжон 32 центнердан пахта ҳосили оламан, деб экиш ва парвариш мавсумида роса тер тўкди. Қатор оралаб юриб ҳосилнинг чўғини чамалаб чиқди. У кўпинча далада — чайлада тунаб қоларди. Шундай кунларнинг бирида ҳарбий комиссариатдан чақирув қоғози келди. Ўша йили октябрь ойида у Ватан олдидаги ҳарбий бурчини адо этиш учун жўнади. Ҳарбий хизматни Житомир областида ўтай бошлади.

— 1941 йилда немис фашистлари Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб киргани ҳамон кўз олдимда,— деб ҳикоя қилади Олимжон ака.— Ўшанда мен 20 ёшли навқирон йигит эдим. 22 июнь кундузи соат бирларда тиш-тирноғигача қуролланган фашистларга қарши жангга кирдик. Душманнинг биринчи ҳамласи қайтарилди. Лекин фашистлар бизга қарши яна катта куч ташладилар. Ровно қишлоғи бир неча марта қўлдан-қўлга ўтиб турди. Вақтинча Житомирга чекинишга мажбур бўлдик. Кўп фурсат ўтмай моторлашган дивизия бизга ёрдамга етиб келди. Фашистларни Донбассгача улоқтириб ташладик. Шу жангда бошимдан енгил яраландим, госпиталда даволаниб чиққач, яна ўз қисимимга — Николай Сучков қўмондонлигидаги 862-ўқчи батальонга бориб қўшилдим.

Ўша куни рота командири, старший лейтенант Баранов қўлимга хат тутқазди. Мактуб колхоздан, отахонлардан экан. Мактубда мана бундай сўзлар ёзилган эди: **«Олимжон ўғлим, душманга омонлик берма, отанг, онанг, эл-юртинг, ватанинг ҳақи душманни янчиб ташла. Биз қариялар қўлимизда қурол ушлай олмасак ҳам фронт орқасида ўз меҳнатимиз билан душманга зарба беряпмиз. Йигитларимизнинг барчаси фронтга кетди. Колхозни аёллар, болалар ва биз кексалар бошқаряпмиз. Бизлардан кўнглинг тўқ бўлсин, бригадангнинг шуҳратини пасайтирмаймиз. Ғалабанинг калити сизларнинг қўлингизда, шуни асло унутма, ўғлим. Кўрқишгунча хайр.**

**Колхознинг бир группа қариялари».**

Хатни ўқиб, душманга нисбатан ғазабим яна ортди, кучимга куч қўшилгандай бўлди.

Бизнинг батальон Днепропетровскда ҳужумга буйруқ кутиб турарди. Қисмимиз командири Николай Сучков ҳужум олдидан мени разведкага юборди. Хамқишлоғим, ҳозирги пайтда Тошкент область, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозида истиқомат қилувчи Ғани Қаюмов билан «тил» ушлаб келишга жўнадик. Душман пистирмасига дуч келиб қолдик, икки ўртада отишма бошланди. Ғани ярадор бўлди. Тенгсиз жангдан омон чиқдим. «Барибир буйруқ бажарилиши керак!» дедим ўзимга-ўзим. Ғанининг ярасини боғлаб, уни пана жойга яшириб қўйдим. Эмаклаганимча бир қишлоққа кириб бордим, катта дарахт панасига ўтдим-да атрофни кузата бошладим. Четан девор билан ўралган ҳовлидаги уйда милт этиб чироқ ёнди. Бир оздан сўнг бир кампир челак кўтариб сувга чиқди. Қудуқдан сув тортиб, челакка қуйди-да, уйга кириб кетди. Мен чаққонлик билан паналаб қудуқ яқинига келдим. Эшик очилиб кампир яна челак кўтариб чиқди. Қудуқ олдида шарпамни кўриб, бақириб юбораёзди. Чапдастлик билан кампирнинг оғзини қўлим билан ёпдим. Қўрқиб кетган кампир дағдаға титради.

— Қўрқманг, онажон, мен ўзингизникиман, бу яқин атрофда фашистлар борми?— деб сўрадим.

Ҳушини йиғиб олган кампир менинг совет жангчиси эканлигимни билгач:

— Қўрқитиб юбординг-ку, болам,— деди.— Разведкачи немислардан иккитаси ҳозир ухлаб ётибди. Бизникида...

Мен уйга бостириб кирдим, бирини автомат қўндоғи билан уриб, суробини тўғриладим-да, иккинчисини асирга олиб, Ғани яширинган жойга келдим. Асирга Ғанини опичтирдим. Қисмимизга етиб келдик. Ўша жасоратим учун қўмондонлик мени Қизил Юлдуз ордени билан тақдирлади... 1943 йилдаги жангларнинг бирида оғир яраландим. Ярим йил госпиталда даволаниб, қишлоғимга қайтдим. Пахтакорлик яна жонажон касбимга айланди. 1974 йилдан буён пенсия гаштини суриб юрибман...

Улуғ Ватан урушининг ғалаба билан тугаганига ҳам, мана 37 йил тўлди. Бу уруш ҳақиқатан ҳам шонли совет армияси учун машаққатли синов бўлди. Шавкатли қуролли кучларимиз сафида ўзбек жангчилари ҳам урушда мардлик ва матонат намуналарини кўрсатдилар. Олимжон ака ҳам — ана шулардан бири. Собиқ жангчи Олимжон Қосимов 40 йил давомида колхозда сувчи бўлиб ишлади. Тунларни тонгларга улади. Йиллар ўтаверди. Олимжон ака тўққиз фарзанд кўрди. Бора-бора ўғил-қизлари меҳнатда отага мадад бўлди. Энг кенжа ўғиллари Ҳасан-Ҳусан айни пайтда ҳарбий хизматни ўтамоқда.

Отахон ҳали бардам. Байрамларда орден ва медалларини тақиб кўчага чиқади, тўйларда қишлоқнинг эътиборли кишилари қаторида кўр тўкиб ўтиради.

— Биз ҳамиша сафдамиз,— дейди Олимжон ака.— Чунки гвардиячи ҳеч қачон қаримайди.

Ҳа, Олимжон Қосимов каби гвардиячилар ҳамиша олдинги сафда. Уларнинг босиб ўтган жанговар йўли ёшлар учун ҳар доим ибрат мактаби бўлиб қолаверади.

**Анвар САИДУМАРОВ**

**МАРДЛИК-МАНГУЛИК**

Халқаро мавзуларда

# ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

Совет халқи ва тараққийпарвар инсоният СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини зўр тантана билан нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Ана шундай бир пайтда жаҳон афкор оммаси халқаро майдонда икки хил сиёсатнинг гувоҳи бўлиб турибди. Бу — бир томондан, Совет Иттифоқи, қардош социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва бошқа тинчликсевар давлатлар олиб бораётган тинчликни, халқаро хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсати бўлса, иккинчи томондан, Америка империализми ва унинг таъсир доирасидаги давлатларнинг ҳамда НАТО блокининг кескинликни кучайтиришга қаратилган агрессив сиёсатидир.

Жаҳон халқлари Америка империализми ва ер юзидаги реакцион кучларнинг термо-ядро уруши чиқариш сиёсатини эмас, балки Совет Иттифоқининг сабот ва матонат билан олиб бораётган тинчликсевар ташқи сиёсатини қўллаб-қувватламоқдалар. Зеро, дунё халқлари учун тинчликдан кўра азиз ва муқаддас бойлик йўқ. Шу боисдан ҳам жуда кўп уруш мусибатла¬ини бошидан кечирган инсоният тинчликни ниҳоятда қадрлайди.

КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, Совет давлатининг сиёсати империализм агрессив доираларининг дунёга қуролланиш пойгасини тиқиштириш, халқаро вазиятни доимо кескинлаштириш йўлидаги уринишларига амалий равишда қарама-қарши бўлган сиёсатдир. Бу сиёсат бениҳоя инсонпарвар, ошкора, демократик характердаги сиёсат бўлиб, бутун инсоният манфаатига мос тушади. Совет дипломатиясининг актив фаолияти туфайли Европада юз берган кескинлик маълум даражада юмшади, халқаро аҳвол бирмунча яхшиланди.

Шу йил март ойининг бошларида Польша партия-давлат делегациясининг Совет Иттифоқига визити ва Москвада олиб борилган музокаралар икки қўшни мамлакат ўртасидаги қардошларча иттифоқ, дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг бузилмаслигини, айни пайтда Совет Иттифоқи тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлашга астойдил интилаётганлигини яна бир бор исбот этди. Маълумки, Польша делегациясининг Совет Иттифоқига визити халқаро аҳвол анча кескинлашган, айниқса Польша Халқ Республикаси учун мураккаб ва машаққатли пайтга тўғри келди. Чунки империалистик доираларнинг мададига таянган контрреволюцион кучлар Польшада социалистик тузумга жиддий хавф туғдирган эдилар. Улар ички ва ташқи реакцион кучлар мададига таяниб, мамлакатда тартибсизликлар чиқардилар, анархияни авж олдирдилар. Польшада социалистик тузумга ёт унсурлар «Бирдамлик» деб аталувчи касаба союз ташкилотидаги ғаламислар билан тил бириктириб, мамлакат экономикасига катта зарар етказдилар. Улар Польшани социалистик ҳамдўстликдан айиришга, мамлакатда капиталистик тартибларни тиклашга интилиб, ҳокимиятни қўлга киритиш учун жон-жаҳдлари билан уриниб кўрдилар.

Ана шундай оғир бир шароитда республика Давлат Кенгаши поляк халқининг социалистик ғалабаларини хавф остида қолдирган вазиятни тугатиш мақсадида мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этди. Шу тариқа Польшада контрреволюцион тўнтаришнинг олди олинди. Мамлакатда ҳарбий ҳолат жорий этилганидан буён беш ойдан зиёд вақт ўтди. Шу қисқа муддат Польша халқ ҳукумати тутган йўл тўғрилигини исботлади: мамлакатда аҳвол нормал изга тушиб бормоқда, халқ хўжалиги ва экономикада жонланиш юз бераётир.

Бироқ Америка империализми ва реакцион кучларнинг айби билан ер юзида кескин вазият ва уруш хавфи ҳамон сақланиб турибди. АҚШ маъмуриятининг кейинги пайтдаги бебурд сиёсати туфайли бу вазият баттар мураккаблашди ва тинчликни хавф остида қолдирди. Бугунги кунда Ҳинд океани ва Форс кўрфази, Жануби-Шарқий Осиё ва Яқин Шарқда кескинликнинг сақланиб қолаётгани Осиё қитъаси халқларини жиддий ташвишга солаётир.

Империализм ва унга қўшилган гегемонизмнинг қора ниятларини АҚШ — Покистон, АҚШ — Хитой муносабатларида яққолроқ кўриш мумкин. Америка империализми узоқ йиллардан бери Покистонни ўзининг Осиёдаги ҳарбий полигонига айлантириш учун ҳаракат қилиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Афғонистонда Савр инқилоби ғалаба қозониб, Эрондан шоҳ тузуми улоқтириб ташлангандан сўнг АҚШ маъмуриятининг бу интилиши янада кучайди. Оқ уй Покистонга қарз бериш ёки уни замонавий ҳарбий техника билан таъминлашда жуда сахийлик кўрсатмоқда. Чунки Покистон территорияси Афғонистон Демократик Республикасидан ўз халқига хиёнат қилиб қочган босмачи тўдаларини қурол-яроғ билан таъминлаб туриш учун ниҳоятда зарур. Кейинги пайтларда Вашингтон Исломободга 100 та танк, 200 та тўп ва 40 та ўзиюрар замбарак ҳадя этди. Покистоннинг Зиёвул Ҳақ бошлиқ ҳарбий маъмурлари олиб бораётган милитаристик сиёсат оғир оқибатларга олиб келмоқда. Мамлакат экономикаси таназзулга йўл тутди. Давлатнинг чет эллардан қарзи 10 миллиард доллардан ошиб кетди.

Империализм билан ҳамкорлик алоқалари ва ҳарбий блоклардаги иштироки билан Покистон ҳарбий маъмурлари хатарли сиёсатни давом эттирмоқдалар. Покистоннинг бугунги иғвогарлик сиёсатида Пекин гегемонистларининг роли айниқса катта. Хитой Покистонни қўшни мамлакатлар, жумладан, Ҳиндистон ва Афғонистонга қарши гиж-гижлаб, унга кўплаб стратегик қурол-яроғлар етказиб бермоқда. АҚШ — Хитой — Покистон ҳарбий ҳамкорлигининг кучайиб бориши мазкур региондаги мамлакатлар хавфсизлигига жиддий таҳдид солмоқда. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида юз бераётган воқеалар ана шу фикрнинг далилидир.

Кейинги маълумотларга қараганда, сепаратчи гуруҳлар Ҳиндистоннинг шимоли-шарқий районларида ўз фаолиятларини тобора кучайтирмоқдалар. Хитой ва Америкада ишланган яроғлар билан қуролланган бузғунчилар Мизорамда ҳарбий патрулларга ҳужум қилмоқдалар, сиёсий ва жамоат арбобларини ўлдирмоқдалар. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқида жойлашган Ассом, Мегхалая, Трипура, Манипур, Нагаленд штатлари, шунингдек, Мизорам ва Аруннал-Прадеш иттифоқ территорияларидаги аҳвол жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бу штатлар Бутан, Хитой, Бирма ва Бангладеш давлатларига чегарадош бўлиб, Ҳиндистон билан улар Непал ва Бангладеш ўртасидаги эни эллик километрча келадиган тор қўлтиқ орқали боғланиб туради.

Гап шундаки, Ҳиндистоннинг ана шу шимоли-шарқий қисмида юздан ортиқ элат ва қабилалар яшайдилар. Уларнинг тиллари бир-биридан кескин фарқ қилади, социал-иқтисодий ва маданий-маиший даражаси ҳам турличадир. Ҳиндистон мустақилликка эришгач, миллий масалани тил принципига кўра штатлар тузиш йўли билан ҳал қилишга киришган эди. Йирик халқлар штатлар даражасида автономия олдилар. Нагалар, мизолар ва шу сингари майда миллатларга эса дастлаб Ассом штати доирасида қисман автономия берилди. Кейинчалик Нагаленд, Мегхалая, Манипур, Трипура, шунингдек Мизорам ва Аруннал-Прадеш иттифоқ территориялари тузилди.

Ҳиндистон ҳукумати социал-иқтисодий проблемаларни ҳал қилишга катта куч сарфламоқда. Бироқ ҳали бу мамлакатда ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар ҳам анчагина. Турли-туман сепаратчи гуруҳлар, шу жумладан, пекинпараст экстремистлар ана шу қийинчиликлардан ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида фойдаланишга уринмоқдалар. АҚШ билан Хитой эса уларни бир-бирига гиж-гижлаб, мавжуд мушкул вазиятни баттар кескинлаштирмоқдалар.

Ҳиндистон ўтказаётган тинчликсевар сиёсат реакцион доираларнинг ғашига тегаётир. Бу сиёсат Пекиннинг гегемонистик интилишларига ва Вашингтоннинг империалистик муддаоларига халақит бермоқда. Шунинг учун ҳам улар сепаратчи гуруҳларни қўллаб-қувватлаш йўли билан Ҳиндистонга тазйиқ ўтказишга интилаётирлар. Бу эса терроризмни экспорт қилишга, Ҳиндистоннинг ички ишларига аралашишга уринишдан бошқа нарса эмас. Табиийки, бундай ҳаракат фақат шу райондагина эмас, балки бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таҳлика остида қолдиради.

Оқ уй билан Пекин раҳбар доираларининг бугунги кунда Осиёда олиб бораётган сиёсатлари Кампучия Халқ Республикаси, Лаос Халқ Демократик Республикаси ва бошқа сиёсий-иқтисодий мустақиллик йўлини танлаган мамлакатларга қарши иғвогарликларида ҳам ўз аксини топмоқда. Америка империализми ва Хитой гегемонизми Осиё қитъасида кескинликни кучайтиришга жон-жаҳдлари билан уринаётган бир пайтда, Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ер юзида барқарор тинчликни таъминлаш учун янгидан-янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар ва бу йўлда амалий қадам қўймоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг япониялик ёзувчиларга берган жавобидаги тинчликка оид фикрлари бунинг ёрқин далилидир.

Халқаро империализм ва исроил экстремистларининг айби билан Яқин Шарқда вужудга келган хавфли вазият ҳамон кескин бўлиб қолмоқда. АҚШ президенти Р. Рейган «Вашингтон пост» газетасида эълон қилинган мақоласида Исроилни Американинг Яқин Шарқдаги ягона стратегик таянчи деб атади. У «ягона таянч»ни сийлаб, Исроилга ҳар томонлама кўмак бермоқда, бу йўлда моддий ёрдамини ҳам, қурол-яроғини ҳам аямаяпти. Бунга жавобан Исроил сионистлари босқинчилик сиёсатини давом эттирмоқдалар. Ливанга ва бошқа араб давлатларига қарши иғвогарликни Исроил зўр бериб авж олдирмоқда. Тель-Авивнинг Сурияга қарашли Жўлан тепаликларини Исроилга қўшиб олиш ҳақидаги қарори сионистларнинг ҳаддан ошаётганини кўрсатувчи янги далилдир. Бундан ташқари, Америка империалистлари Миср, Омон, Судан ва Сомали давлатлари территорияларида ҳам ҳарбий базаларни вужудга келтирмоқдалар. Натижада Яқин Шарқдаги танг аҳвол баттар кескинлашмоқда.

Тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш ҳамда мунозарали масалаларни адолатли ҳал қилиш Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг асосини ташкил этиб келди ва шундай бўлиб қолади. Халқаро империализм ва реакция кучларининг кетма-кет иғвогарликлар уюштиришларига, хавфсизлик ишига раҳна солишларига қарамай, ер юзида тинчлик сақланиб турган экан, бунда Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатларнинг хизмати катта эканлиги бутун жаҳонда эътироф этилмоқда. Дарҳақиқат, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг биргаликда юргизаётган тинчликсевар ташқи сиёсати бугунги кунда халқаро ҳаётнинг муҳим омили бўлиб, жаҳон миқёсидаги актуал масалаларнинг тинч йўл билан ҳал қилинишига катта таъсир кўрсатмоқда. Халқаро империализмнинг тинчлик ва хавфсизликка қарши хуружи кучаяётган, ўйлаб топилган «совет хавфи» баҳонасида қуролланиш пойгаси ва ҳарбий васвасалар авж олдирилаётган ҳозирги шароитда қардош социалистик давлатлар ташқи сиёсатларининг биргаликда амалга оширилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тинчлик — инсониятнинг энг олий орзуси. Бу орзуга эришишда Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсати — улуғ Ленин васият қилиб қолдирган сиёсат энг ишончли дастуриламалдир. КПСС ва Совет давлати эса ана шу сиёсатни садоқат билан амалга оширмоқда. Бу олий мақсад Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездида: «Ҳозир партиямиз, халқимиз учун, қолаверса, планетадаги барча халқлар учун халқаро майдонда тинчликни сақлаб қолишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ», деган сўзларида ўз ифодасини топгандир.

**Ф. ШОҲИСМОИЛОВ,**
халқаро шарҳловчи

Ёдгор бахши ИСҲОҚОВ

# КАМОЛ ТИЛАЙМАН

Боқий бўлсин умрингиз, эй шеърларим,
Сизга гўзал бахту иқбол тилайман.
Наъра тортинг майдонда шер сингари,
Сизга Помир мисол савлат тилайман.

Ҳар бирингиз бир инсонга тенг бўлинг,
Олам каби чексиз бўлинг, кенг бўлинг,
Замин каби вазмин бўлинг, чўнг бўлинг,
Сизга азм қудрат — мажол тилайман.

Жило берсин сизга илм нурлари,
Зап тобласин сизни илм қўрлари,
Шеърим, сизга алломалар сингари —
Тийран ақл, тиниқ хаёл тилайман.

# СЕВГИ

Дерлар: «Севги азали,
Ҳаёт қасрин машъали».
Севги — меҳр булоғи,
Ишқ-ла ҳаёт нашъали.

Севги ҳаётнинг боши,
Бесаноқ унинг ёши...
У ҳаётнинг арқоғи,
У инсоннинг йўлдоши.

Севги — кучли чақин — барқ,
Севги — тўфон, айлар ғарқ.
Йўлнинг яқин йироғи
Севги учун қилмас фарқ.

Севги — ипдир, сеҳрлаб,—
Сеҳрлабмас, мехрлаб,—
Боғлар қўлу оёғинг,
Бир умрга муҳрлаб.

# ДЕЛЬФИН—МЎЪЖИЗАВИЙ ЖОНИВОР

Дельфинлар — асримиздаги ўзига хос мўъжизалардан биридир. Улар ҳақида китоблар ёзилди, ҳикоя-эртаклар айтилди, телевизион кўрсатувлар тайёрланди. Тадқиқотчилар эса, дельфинларни синчиклаб текширишни тинимсиз давом эттирмоқдалар. Қизиғи шундаки, дельфинлар қанчалик теран ўрганилгани сайин шунчалик мўъжизага айланиб, янгиянги жумбоқлар кўндаланг бўлаётир.

Аввалambор дельфинлар пайдо бўлиши турли баҳсларга сабаб бўлаётир. Биз уларнинг қадимий аждодлари қуруқликда яшаганлигини аниқ биламиз. Бироқ улар дастлаб қанақа жонивор эдилар? Бу саволга жавоб бериш мушкул. Чунки денгизда яшашга ўтганларидан кейин уларнинг қиёфалари бора-бора ўзгариб кетган — қуруқликдаги жонзодларга эмас, кўпроқ балиқларга ўхшаб қолганлар. Лекин улар уруғ қўймасдан кўпаядилар — китсимонлар сингари жонли бола туғадилар, болаларини эмизиб улғайтирадилар. Демак, шундан маълумки, уларнинг илк авлоди сутэмизувчилардан бўлган. Сертиш жағи ва овқатланиш услуби дельфинларнинг йиртқичлар наслидан эканлигини исботлайди. Айрим олимлар эса уларни қандайдир ҳашароткўрлардан келиб чиққан, дейдилар. Кўзлари билан ошқозонининг тузилиши ва бошқа айрим белгилари айритуёқликларга яқинлигидан далолат беради.

Дельфинларнинг одамларга бўлган муносабати ҳам кишини ҳайрон қолдиради. Улкан сертиш жағи (афалина турида худди йўлбарсникидек 88 тиши бор) бехитиёр қўрқинч ҳиссини уйғотади. Лекин чўчиманг, улар душманлик қилишга эмас, балки чўкаётган дўстларни қутқаришга хизмат қилади.

Бу жониворлар тажриба ўтказишдаги барча қийноқларга ҳам, ҳатто жарроҳлик операцияларига ҳам ҳайрон қоларли даражада чидам кўрсатадилар. Шундай кезда ҳам уларнинг одамларга бўлган муносабатида ҳеч қандай тажовузкорлик аломати сезилмайди. Эркинликда юрган чоғлари уларга акула сингари йиртқичлар ҳужум қилган тақдирда улар ўзларини қаттиқ ҳимоя қиладилар. Бу жумбоқ эмасми?

Дельфинларнинг соатига 40 километргача етадиган жуда тез ҳаракати муаммоси узоқ вақтдан бери жумбоқ эди. Машҳур биомеханик Грейнинг ҳисоб-китобига кўра сувда бундай тезлик билан сузиш учун уларнинг мушаклари ҳозиргидан 7—10 баравар кучли бўлиши керак экан.

Дельфинларнинг навбатдаги сири шундаки, улар бирон бир кессон касаллиги аломатисиз 300 метр чуқурликка шўнғий олиш қобилиятига эгадирлар. Маълумки, сув босими тахминан ҳар ўн метрдан кейин бир атмосферага ўсиб боради. Бундай босимда одамзоднинг қони худди пўкаги отилган шампанское мисол «қайнаб» кетади. Ҳолбуки, миянинг бирор жойига биттагина пуфак кирса, шу заҳоти инсон тақдири ҳал бўлади-қўяди. Дельфинлар 300 метр теранликка жадал шўнғишга — кессон касаллигига чалинмасликка қандай эришадилар? У сув тагида чорак соат нафас олмай қандай тура оладилар?

Бироқ дельфинларнинг бу мувафақияти уларнинг яқин қариндоши кашалот рекорди олдида ип эшолмайди. Кашалот денгиз тубига 1000, 2000 ва ҳаттоки 3000 метрга қадар озиқ-овқат излаб шўнғиб боради! 2000 метр чуқурликда сув ҳар бир квадрат сантиметр юзага 200 килограмм куч билан таъсир этади. У ерда бўлган одамни 4000 тоннага яқин умумий босим эзиб ташлар эди. Шубҳасиз, қуруқликдаги ҳеч қандай жонзот бундай улкан зичликка бардош беролмайди. Бунақанги чуқурликдаги сув босими ҳатто пўлат конструкцияларни ҳам (Американинг «Трешер» сувости кемаси шундай чуқурликда мажақланган) пачоқлаб ташлайди. Кашалотнинг бундай мўъжизавий босимга бардош беришга қодирлиги ғоят ҳайратланарлидир.

Икки йилча муқаддам горбач дельфини (букуркит)ларнинг овози борасида Америкада чиқадиган «Нэшнл джиографик» журнали мақола босиб чиқарди. Уларнинг куйлаши ҳайратланарли даражада мусиқавий экан. Бермуд ороллари районида бу китсимонларнинг товушини ёзиб олган Роджер Пейннинг гувоҳлик беришича, уларнинг овози гоҳ ёғочдан ясалган сурнайнинг, гоҳ кларнетнинг, вақти-вақти билан эса қўшнайнинг товушини эслатар экан. Горбачлар фақат яккахонлик қилибгина эмас, хор бўлиб ҳам куйлайдилар. Бу хил китларнинг «мусиқа»си билан ҳатто бастакорлар, созандалар ҳам қизиққанлар.

Агар магнитофон лентасининг айланиш ҳаракати ошириб горбачлар куйи 16 маротаба тезлаштирилса, унда уларнинг куйи қушлар сайрашига бағоят ўхшаб кетар экан.

Қирқ тонналик горбач-дельфин қудратли товуш тарқатади. Мазкур куй сув остида кит билан ёнма-ён турган одамнинг вужудини бамисоли силкилайди. Бир кинооператорнинг тасдиқлашича, бу овоз худди оркестрдаги барабанлар сингари гумбурлаб эшитилади. Шак-шубҳасиз, бу товушлар жуда олисларга сигнал бериш учун хизмат қилади. Бинобарин, товуш текширувчиларнинг ҳисобларига қараганда, 1000 метр чуқурликда чиқарилган товуш 1000 километр океан бўйлаб тарқалиши мумкин.

Дельфин-туябалиқлар, дельфинафалинлар ва бошқа кўпгина китсимонларнинг товушлари ҳаддан ташқари хилма-хилдир. Шу сабабли савол туғилади: дельфин ва китсимон балиқларнинг бой товуш сигнализацияси бир-бирларига мураккаб хабарларни узатувчи тил вазифасини ўтамасмикан? Ахир бу жониворлар миясининг ҳажми бўйича маймунлар билан инсонларнинг ўртасида туради-да. Бирон нарсани ўргатганда ўрганишга қодирлиги уларнинг ақлидан, тушунишидан далолат беради.

Ҳозирги вақтда бу саволни ҳал этиш учун тадқиқотчилар турли позициядан туриб текширмоқдалар. «Инсон ва дельфин» китоби билан кўпчиликка танилган америкалик олим Джон Лиллининг нуқтаи назари нисбатан ойдинроқдир. У ўз китобида: «Қачондир одамлар бошқа жонзотлар билан сўзлашишлари мумкин. Мен дельфинлар устида ўтказилган тажрибалардан олинган маълумотларни синчиклаб таҳлил этганимдан сўнг бу фикрга келдим», деб ёзади. Лиллининг тадқиқоти гўё асримизнинг илмий шов-шуви сифатида қабул қилинди. Олим, ривожланган фаҳмга эга бўлганлиги сабабли дельфинлар ўзаро ҳуштаклар тили орқали алоқа қилишга қодирлар, деб исботлайди. Шунингдек, унинг ўқтиришича, дельфинлар одамларнинг кулишларини, имкони бор товушларни, ҳатто нутқ товушларини ҳам кўчириб олиш ва қайтариш қобилиятига эгадирлар.



Бу нуқтаи назарга ватандошимиз цетолог (цетология — китсимонлар ҳақидаги фан) профессор А. Г. Томиллин бирмунча босиқ муносабат билан ёндашади. Унинг фикрича, дельфинларнинг тили ўзга жониворларнинг фалокат, қўрқинч, озиқ-овқат излаш, жуфтлик ҳисси ва шунга ўхшаш ибтидоий сигналлардан фарқ қилмайди. Дельфинларнинг инсон нутқидаги сўз ва жумларни қайтариш қобилиятига келганда эса, бу сўз ва жумлалар тўтисимон ўхшаш товуш чиқариш рефлексининг пайдо бўлишидир, холос. Шуларга қарамасдан, Лиллининг ғояси бир қатор тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Дельфинларнинг товушлар ёрдамида ўзаро алоқа боғлашга қодирлигини ўрганиш бўйича америкалик олимлардан Т. Лэнг ва Х. Смит олиб борган тажрибалар катта қизиқиш уйғотди. Улар икки дельфинни товушлар халақит бермайдиган айримайрим улкан ҳовузга жойладилар. Ҳовузлар оралиғида телефонга ўхшаш товуш алоқаси ўрнатилди. Бунда ҳар бир дельфиннинг ўз овозидан ташқари қўшнисини тинглаши ҳам мумкин эди. Бошқа-бошқа ҳовузда турган дельфин-афалинлар (урғочи балиқ Дэша билан эркак балиқ Дорис)нинг ярим соатлик «суҳбати» ёзиб олиниб, сўнг таҳлил қилинди. Тадқиқотчи олимлар бир қатор қизиқарли фактларни қўлга киритдилар.

Дельфин, ўзининг нарсаларга бўлган муносабатини кўра, ҳиссий жонивордир. В. М. Бельковичнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, улар ҳатто балиқ овлашни ҳам гўёки ўйиндай, бамисоли коллектив бўлиб «карусель»да ўйнагандай ўтказишади. Жониворларнинг ўйини — ўз-ўзидан уларнинг ҳиссий «фаросати» тараққий қилганидан гувоҳлик беради. Бир қатор дельфинлар ўртасидаги ҳиссий муносабатлар шу ҳолатга мос келувчи товуш сигналлари билан бирга бажарилади...

Хуллас, дельфин — жуда кўп мўъжизавий сирлар соҳиби. Унинг бир сирини ечсанг, бошқа бир сири чиқиб туради. Келажак олдинма-кетин бу жумбоқларни ечиб бораверади, албатта.

**В. МОРОЗОВ**
**(«Наука и жизнь» журналидан қисқартириб олинди).**

# КАСПИЙ ЙЎЛБАРСИ ҲАҚИДА

Каспий йўлбарсининг ёхуд, олимлар тили билан айтганда, турон йўлбарсининг энг сўнггиси 1959 йили Эронда отиб ўлдирилган деб ҳисобланади. Шундан буён атрофдаги мамлакатларда йирик мушук — йўлбарс излари камдан-кам учраган. Баъзан Афғонистонда ва СССРнинг Каспий бўйи районларида йўлбарсни ўз кўзи билан кўрган кишилар ҳақида хабар пайдо бўлиб қолади. Бироқ турон йўлбарсининг борлигидан гувоҳлик берувчи ишончли исбот ҳозирча топилган эмас.

Каспий денгизи аслида Атлантика ҳамда Тинч океанига қадар чўзилган қадимий Тетис океанининг қолдиғидир. Бу районда қадим замонлардан бери бурунги ҳайвонот ва наботот олами ҳам сақланиб келинаётир. Жанубий Каспий ўрмонида жуда кўп ёввойи жониворлар — бўрилар, шақаллар, тўнғизлар, қоплонлар, қўнғир айиқлар, буғулар яшайди. Бир вақтлар бу ерда йўлбарслар ҳам яшаган эди...

Қадимда Мазондарон воҳасининг қирғоқбўйи районлари ўз йўлбарслари билан машҳур эди. Ҳозир у ерда шақаллар, айиқлар, буғулар яшайди. Йўлбарс эса чекинди. Чекиндию кўздан бутунлай йўқолиб кетди. Аҳён-аҳёнда уни кимдир кўрганлиги тўғрисида гап-сўзлар пайдо бўлиб қолади. Бироқ ҳали бундай хабарларнинг бирортаси тасдиқланмаяпти.

Эрон олими Фируз турон йўлбарсини тутиб олишга ҳали-ҳануз умидвор. У ўз изланишларида асосан СССР вилоятлари чегарасида истиқомат қилаётганларнинг гувоҳликларига суянаётир. Бу ерда яшовчилар бир неча бор турон йўлбарсларини

кўрганлар. Мазондарон кексалари илгари у жойларда йўлбарслар кўплаб юрганини эслайдилар. Йўлбарсларнинг ҳатто уй ҳайвонларига ҳам ҳужум қилганлигини кўплаб яхши биладилар. Чунки йўлбарсларнинг озиқланиши учун табиий ўлжалар етишмаган. Бироқ уларнинг одамларга ҳужум қилгани тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Турон йўлбарсининг энг яхши кўрган овқати тўнғиз бўлган. Йўлбарслар тўнғизни овлашда қоплонлар билан рақобат қилганлар.

Ана шу хил йўлбарслар ҳақидаги маълумотлар XVI асрдаги маълумотларда ҳам учрайди. Бу жасур ҳайвонлар подшоларнинг гиламларида ҳам, миниатюраларда ҳам тасвирланган. Хўш, уларга нима бўлди? Ахир бу йўл-йўл мушукнинг рангбаранг турлари шарқи-жанубий Осиёнинг нам ўрмонларидан тортиб, то совуқ Уссурия тайгасигача бўлган хилма-хил табиат иқлимларига ҳам ғоят мослашиб яшаётган эдилар-ку. Ов деган шафқатсиз ҳунар турон йўлбарсининг йўқолишига сабаб бўлди. Овдан чўчиган йўлбарслар тоғларга чекиндилар. У ерда — тоғларда қоплонларга ҳам ҳамиша овқат топилавермайди. Йўлбарслар эса ортиқчалик қилиб қолдилар. Бошқа бир нақлга кўра, йўлбарслар сувни жуда яхши кўрар эканлар. Худди шу сув эса тоғларда етишмайди.

Агар турон йўлбарслари ҳақиқатан ҳам бутунлай йўқолиб кетган бўлса, демак, яралиш дарахтининг яна бир шохи синди. Агарда биттаяримта йўлбарс яшашга бардош беролган бўлса, унда яқин ўртада топилиб қолади.



Телефонда айтилган шеърнинг «оброўси»...

---

Гирдобнинг «хулқи-атвори» ҳам тадқиқотчиларни ҳайрон қолдирди. Бу ерда сувнинг айланиш йўналиши тахминан 100 кунда бир мартадан ўзгариб туради. Масалан, аввалига соат стрелкаси бўйича айланадию, сўнгра тескари айланишга ўтади.

Олимларнинг фикрларига кўра, мазкур ҳолатнинг механизми шамол, ҳарорат ва ҳоказолар таъсири остида рўй берадиган денгиз оқими тузилишига ўхшамайди. Тахмин қилинишича, улкан гирдобнинг сабабларидан бири зичлиги жиҳатидан фарқ қиладиган жуда катта сув массасининг қайта тақсимланиши туфайлидир.

## ТИНЧ ОКЕАН СИРИ

Япониялик олимлар Огасавара ороллари яқинида улкан денгиз гирдоби борлигини аниқладилар. Тинч океаннинг бу райони кўплаб машъум воқеалар билан машҳурдир. Шу атрофдаги сувларда кемаларнинг сирли ва изсиз йўқолиши ҳақида матбуотда ўз вақтида кўпгина хабарлар эълон қилинган. Олимларнинг фикрларига кўра, гирдоб табиатини ўрганиш денгизнинг айрим сирларини очишга ва Япония ороллари ҳамда шу атроф об-ҳавосини олдиндан аниқ айтиб беришга имкон туғдиради.

Океандаги ғайритабиий ҳолат дастлаб 1977 йили Киото шаҳар университети тадқиқотчилари томонидан аниқланган эди. Улар Огасаварадан 400 километр шарқда радиоактив чиқиндиларни чўктириб юборатуриб кучли денгиз оқимини пайқаган эдилар. Улар бу оқимни 500 километр шимолдан ўтадиган Куросио билан боғлиқ эканлигини тахминладилар. Сўнгги кузатишлар бу районда салкам 100 километр радиусга эга бўлган улкан гирдоб борлигини тасдиқлади. У 5 минг метр чуқурликдан салкам океан сатҳигача кўтарилади. Гирдобнинг кучи одатдаги денгиз оқимининг кучидан ўн марта каттадир. Гирдобнинг тезлиги марказда секундига уч сантиметрга тенгдир.

## *Яшиллик ҳимоячилари*

Ҳиндистон республикасининг Утар-Прадеш штатида яшовчи табиат ошиқларининг хатти-ҳаракатларини атроф муҳитни ҳимоя қилувчиларга ўрнак сифатида таъкидлаб кўрсатса бўлади. Бу табиат ошиқлари «Чипко — Андолан»—«Дарахтни қучоқла» деб аталган жамият тузганлар. Мабодо жамият аъзоларидан бири қаердадир бирорта дарахт кесилиши мумкинлигидан огоҳ бўлса, бу ҳақда ўз ҳамфикрларига хабар қилади. Жамият аъзолари ўша заҳоти воқеа содир бўладиган жойга югурадилар. Ўрмон кесувчилар қайси дарахтга яқинлашсалар, жамият аъзолари ўша яшил тупни ўраб оладилар ва:

— Марҳамат, дарахтни кесмоқчи бўлганлар бизни ҳам бирга кесин,— деб қичқирадилар.

## 300 йилга кечиктирилган жазо

XVI асрда шотландиялик Арчи Армстронг кунлардан бир кун қўй ўғирлаб қўлга тушади. Ўша пайтларда ўғриларга ўлим жазоси бериларди. Шунга кўра Армстронг ҳам ўлимга ҳукм қилинади. Бироқ, Арчининг бахтига, ўша йиллари Шотландия мамлакатини Қирол Яков бошқарарди. Қиролнинг ўзи чиқарган қонунга биноан мамлакатнинг ҳар бир фуқароси Яков VI ҳузурига бемалол кириб, тилагини билдириши мумкин эди. Ана шу қонундан фойдаланган Арчи Армстронг қирол ҳузурига кириб, инжилни ўқиб тамомлагунимча жазони кечиктирсангиз, деб илтимос қилади. Яков VI бунга розилик билдиради. Кейинроқ маълум бўлишича, саводи ўта паст Армстронг ҳар куни атиги бир сатр хат ўқий олар экан. Қонуншунослар Арчининг ишини қайтадан кўриб, қиролга бу ҳақда маълум қиладилар. Қироқ эса, Армстронгнинг топқирлигига қойил қолади, жазони уч юз йилга кечиктиради. Бу ҳам етмагандек, Яков VI Армстронгни «жазо муддати етиб келгунга қадар» деган шарт билан саройга ишга олади ва ўз қизиқчилари сафига қўшиб қўяди.

— Олинг, оғирни ҳам, енгилни ҳам сизники!..

## *Шудрингдан — дарё*

Канар ороларида чучук сув етишмаслиги сабабли оби ҳаётни ҳаводан олиш йўли топилган. Бунинг учун тоғ ён бағрида улкан текис майдонга бетон ётқизилган. Эрталабгача майдонга шудринг тушади. Шудринг суви йиғилиб, бетон тарнов орқали махсус ҳовузчага бориб қуйилади. Шундан кейин оби ҳаёт бананлар ва апельсин дарахтларини суғориш учун ариқларга таралади.

## *Яшил айиқлар*

Айрим жониворлар юнгига ямяшил микроўсинларнинг ўтиши мумкинлиги тадқиқотчиларга аён эди. Лекин Американанинг Сан-Диего шаҳридаги ҳайвонот боғида рўй берган ҳодиса ҳаммани ҳайрон қолдирди. У ердаги оқ айиқлар бирданига яшил тусга кирдилар. Бир-бирига ёпишиб яшовчи бу йўсинлар қутб айиғининг биқинларигагина кўчиб ўтмасдан, балки тук толаларининг ичидаги ғовакка ҳам кириб олган экан. Совунлаб ювиш ҳам, дорилар ҳам фойда бермади. Яшилликни ювишнинг биргина давоси магний тузи қўшилган денгиз суви бўлиб чиқди. Мана шу сувдан фойдаланилгач, айиқлар бир ҳафтадан кейин яна оқ тусга — ўзларининг асл ҳолига қайтдилар.

Насриддин Афанди Метрода.

# Чақир-Тиканак

Аббос МУҲИДДИН

# «ТУФ-ЕЙ, КЎЗ ТЕГМАСИН!»

*Фельетон урнида*

Гулдор пижама кийиб, кунгурадор столга мук тушиб ўтирган фан кандидати Тўхта Сўхтаев эски урф-одатларнинг зарари ҳақида илмий мақола ёзаётган эди. Шу пайт ҳовлидан ғалати товуш эшитилди. Тўхта Сўхтаевнинг хаёл қуши учди. У ажабланиб хонадан чиқди-ю, ҳайкалдек қотиб қолди: ўғли Қобилни мўйсафид отаси аранг суяб олиб келарди. Қобил алланима деб ғўлдирар, кўкрагини ушлаб безовталанар эди. Хотини Нозикхон ўғлини шу аҳволда кўриб: «Вой шўрим қурси-ин! Вой онанг ўлси-ин!»— деб оҳ-воҳ қила кетди. Сўхтаев пешонасини тириштириб ўзича: «Ҳа, тентаквой, биринчи курсдаёқ ичишни бошлаб юборибди-да!», деб турган эди, ўғлининг афтига кўзи тушди-ю, фикри ўзгарди.

— Ия, бу қанақаси? Ким бундай қилди?— деб сўради Қобилдан.

— Ҳа-ҳа-ва,— дея олди Қобил. Унинг оғзи қийшайиб қолган, гапиролмас эди. Уни ётоқхонасига олиб кириб каравотга ётқизишаётганида Сўхтаев яна сўради:

— Нима бўлди? Қаерда эдинг?

— Ҳа-ҳа-ва,— деб кўчага ишора қилди Қобил. Кўзлари ёшланиб турган Нозикхон тутоқиб кетди:

— Мундоқ лаб-лунжингни йиғиб, тузукроқ гапирсанг-чи, қаёқдан ёпишди сенга бу бало?

— Ҳа-ҳа-ва,— деди яна Қобил.

— Куйдиргининг кўки! Кун қизиғида кўчада ёлғиз юрма, ёнғоқ тагида ўйнама, сув лабида ўтирма, деб жоврай-жоврай жағим толди-ку сен қулоқсизга. Мана оқибати.

— Э, қўйинг, келин,— қўл силтаб жеркиди қайнатаси,— бефойда гап ўрнига боланинг дардига даво топишни ўйласангиз-чи.

— Вой, давони қаёқдан топаман, отажон?

Ота бир нафас неварасига тикилиб туриб, сирли шивирлади:

— Бу ўзи бошқача бўлди. Анчадан бери шуни ўйлаб, дилимда: «туф-ей-туф-ей, кўз тегмасин», деб кўярдим. Мана, худди ўшандай бўлган кўринади. Чамамда, бу бежиз эмас. Тезликда эскича ирим-сиримларни қилиш керак.

Бу гап Нозикхонга нажот эшигини очгандек бўлди. У шоша-пиша хонадан чиқди-да, тезда озгина ун, иккита пиёз олиб кирди. Пиёзни ўғлининг бошидан айлантириб:

— Пайшанба куни эр-шерларга атаб норин қилиб юбораман,— деди, кейин қоғоздаги ундан Қобилнинг пешонасига, даҳанига суркади.— Боламга шикаст етказган инс-жинсларга юпқа қилиб мозорга олиб бораман, арвоҳларни йўқлаб кўчага тугуноши чиқараман, омин!— деди. Ҳаммалари унга қўшилиб юзларига фотиҳа тортишди. Шу пайт: «Тинчликми?» деб Сўхтаевнинг онаси Сокина буви кириб қолди. У аҳволдан хабардор бўлгач, келинига дашном берди:

— Ҳай, Нозикхон, ким айтади сизни зийрак хотин деб? Кўрмаяпсизми болам шўрликни! Назар-нафас оғиз-бурнини қийшайтириб қўйипти-ку. Боринг, қўшниларникидан бир коса кул топиб чиқинг, ўзим кинна солиб қўяман.

Нозикхон қайнанасининг буйруғини бажарди. Косадаги кулни кўрган Қобил: «Ҳа-ва» деб ўрнидан турмоқчи бўлган эди, дадаси билан буваси уни ушлаб қолишди. Сокина буви дока рўмолини бошқатдан ўради, чордона қуриб ўтириб кул орасига нон, қази, қанд ушоқларини кўмди. Кейин, косани оқ дуррачага ўраб, Қобилга тутиб, хирқироқ овоз билан: «Иқ кинна, суқ кинна, чиқ-чиқ! Хапхап!» деб саннаб кетди. Бироқ, Қобил бешбаттар безовталана бошлади. Бундан ажабланиб ўтирган буваси пичирлаб бир нима дейиши билан Тўхта Сўхтаев: «Хўп», деб, ўрнига Нозикхонни ўтқазиб, уйдан чиқди. У гараждаги «Жигули» машинаси билан кўчага чиқиб кетди-да, кўп ўтмай бир чўққи соқол кишини олиб келди.

— Нафаси жуда ўткир ромчи бу киши,— деб шивирлади Сўхта бува келинига. Ўрта ёшларга борган, оғзи тўла тилла тишлари ялтираб турган кишини кўриши билан Қобил юлқинди, қаттиқ «ҳа-ҳа-ва»лаб, туриб кетишга уринди. Ромчи Тўхта Сўхтаевдан: «Нима қилди йигитга?» деб сўраган эди, Нозикхон эрталаб соппасоғ чиқиб кетган ўғлининг шу аҳволда келганини, жин-пин тегмадимикин деб хавотирланаётганини айтди. Шундан сўнг ромчи халтасидан кичкина чирманда олиб, уни дўпирлатиб, жазаваси тутгандек «ҳув-ҳув»лаб силкинди, аллакимлар билан гаплашаётгандек ғўлдирай бошлади. Қобил ҳамон «ҳа-ва»лаб туриб кетишга интиларди. Чўққи соқол қария ҳозиргина Нозикхон айтган гапларни тўтидай такрорларди:

— Қобил авжи кун қизиғида муқаддас жой ёнидан ўтипти. Унга жин тегипти...

— Вой пешонам қурсин, энди нима қиламан?— дер эди йиғламсираб Нозикхон.

— Ташвишланманг, бўтам,— тасалли бера бошлади чўққи соқол.— Ҳовлингиздаги омбор оғзига чироқ ёқиб туринг, уч чоршанбада мушкулкушод ўқитиб, дувур ош қилиб юборинг. Сўнгра бир жонлиқ сўйиб, кўчириқ қилдирвориш керак. Ҳозирча беморга кичкироқ бир жонлиқ қучоқлатиб, қон чиқариб қўйилса, дарди енгиллашади.

Отасининг имоси билан Сўхтаев ҳовлига чиқиб, катакдаги товуқлардан бирини олиб кирди. Унинг оёқларини латта билан боғлаб, Қобил-

Ямин ҚУРБОН

# ЗАРПЕЧАК

*МАСАЛ*

Зарпечакнинг қилдан нозик толалари
Чилонжийда шохларида бўлди пайдо —
кун ботар чоғ
мирзатерак учларида қулган нурдек.
Майин еллар эпкинида шивирлади,
шивирлади куйлагандек Чилонжийда
бу толалар ҳалқаларин
такинчоққа ўч келиндек билиб зийнат.
Бу толалар аста-аста отиб палак,
аста-аста сувин сўриб зулук мисол,
бора-бора
аста сиқа бошладилар пўлат симдек.
Ҳансиради охир сўлиб Чилонжийда
пўсти шилиб ташлангандек танасидан:
«Эҳ, эҳ! Единг!!
Эканман, эҳ, бўғзимга сен тушган сиртмоқ...»

* * *

Зарпечак не, эрк еви не, бари — бир гўр.
Иккови — жон томирига тортилган қўр.

Расмларни А. ҲОЛИҚОВ чизган



— Талантли ижодкор ёшлар кўп. Аммо мана бу Ўпкаев деган меҳнат қилиш ўрнига шуҳрат кетидан кетиб, адабиётимиз юзига оёқ тираяпти!

— Бизлар-ку кўникиб қолганмиз, жон болам, меҳмонлар кетгунча тиринглатмай тургин...

қария инсон зоти тушунмайдиган, алмойи- алжойи сўзларни айтиб Қобилга дам сола бошлади. Ниҳоят, товуқнинг тожисидан озгина қон чиқардию, уни Қобилнинг пешонасига, юзига, даҳанига суртиб:

— Болага қайсар жинлар ёпишиб, ақлини ўғирлапти,— деди.— Беш-олти кун эҳтиёт қилиб, ўрнидан турғизманглар. Жинларни даф қилиш учун уч маротаба қайтариқ қилиб ўқиш, еттита лаганга заъфари мушки уд билан дуо битиб, чайиб ичириш даркор.

Шу пайт Сўхтаев:

— Боламиз учун айтганларингизнинг ҳаммасини қиламиз, аммо заъфарни ўзингиз топасиз, тақсир,— деб дори ва назр учун эллик сўм узатди. Чўққи соқол чол узоқ фотиҳа ўқиб, пулни чўнтакка, товуқни халтага солди. Кейин Қобилга тикилиб:

— Келишган бола экан, туф-ей-туф-ей, ёмон кўздан асрасин, кийимига кўзмунчоқ осиб қўйилсин,— деб ўрнидан турди. Шунда Қобил юзига оқиб тушаётган тер томчисини тиқ аксирди. Аксирди-ю.. икки қулоғи чакаги аралаш қирсиллаб кетди ва жағи жойига тушди. Домлани кузатгани турган Тўхта Сўхтаев уй остонасида таққа тўхтади. Домла эса биров қувлагандек пилдираб жўнаб қолди. Ҳамма ҳайрон эди. Сокина буви ўтакаси ёрилиб: «Вой, бувинг қоқиндиқ, тузукмисан? Нима бўлди?» деган эди, Қобил қийналиб деди:

— Институтдан келаётганимда эсноқ тутиб оғзимни катта очворган эканман, чакагим юмилмай қолди,— деди. Гап нималигига тушуниб етган Тўхта Сўхтаев ҳозиргина чўнтагидан чиққан эллик сўмга ачинди шекилли, бошини хиёл сарак-сарак қилиб қўйди. Сўнгра ўз хонасига кириб кетди. У ёзаётган мақоласи устига мук тушди. Анчагача ҳеч нима ёзолмади. Гўё ўғли: «Ҳў, дада! Бувамлар-ку майли, ёшгина аямга, сизга нима бўлди? Эскилик сарқитлари ҳақида лекция ўқиб юрадиган олимсиз-а! Қачонгача тили бошқа, дили бошқа бўлиб юрасиз?!»— деяётгандек эди.

## Ёғоч қошиқ

*МАСАЛ*

Хонани тўлдириб ўтирар меҳмон,
Улар ҳурматига ёзиқ дастурхон.
Ўйин-кулги авжда, суҳбат ҳам қизғин,
Бирдан Ёғоч Қошиқ гапнинг қизиғин
Бошлаб қолиб деди:— Жуда кўп хилим,
Шу важдан очиғи узундир тилим...
Аслим ёғочдан-у ошсин деб баҳом,
Кумушдан ясашар, тиллодан гоҳо...
Яхшиям мен борман — ҳар қўлда азиз,
Мен борман, мен билан овқатлар лазиз.
Мен бўлмасам ҳамма ўларди очдан,
Ҳурматим жойига қўйинг шу важдан!
Дастурхон безаги ўзимман-ўзим,
Шу қатъий сўзим.
Доим тўйдираман ўзим ҳаммани,
Қадрланг мани!..
Чидаб туролмади оддий Оби Нон,
Деди у шу он:
— Эй, Ёғоч Қошиқ,
Мақтанма ошиқ.
Гар бўлса неъматга тўла дастурхон,
Сенсиз ҳам тўяжак мезбону меҳмон...

# КРОССВОРД



**Бўйига:** 1. Бирор асар учун танлаб олинган объект. 2. Бир неча-кундузга тенг вақт. 3. Ўрта Осиёдан чиққан улуғ мутафаккир, табобат олими. 5. «Алпомиш» достони қаҳрамони. 6. Қора денгиз бўйидаги шаҳар. 7. Узоқ умр кўрадиган дарахт. 8. «Минг бир неча»нинг бош қаҳрамони. 10. Ўрта Осиёда илк табобат мактабини яратган олим. 11. Шеърият жанрларидан бири. 14. Тўмарис билан бўлган жангда ўлдирилган Эрон шоҳи. 16. Одамсимон маймунларнинг бир уруғи. 17. Давлатни бошқарувчи олий орган. 18. Область. 19. Сурхондарё областидаги шаҳар. 20. Ўзбек халқ куйи. 25. Ўлкамиздаги дарёлардан бири. 28. Ҳамза ҳаёти тўғрисидаги «Оловли йиллар» фильми қаҳрамонларидан бири. 32. Қолдиқ сон. 33. Ўзбек демократик шоири. 35. Илгари даҳлизларда ювиниш учун ясалган усти берк ўра. 36. Мафтун этиш, сеҳрлаш. 39. Шашмақомга кирган иккинчи мақомнинг номи. 40. Ипак газлама. 41. Бирор истакнинг амалга ошишига бўлган ишонч.

**Энига:** 4. Хоразмлик улуғ аллома. 9. Ўт ичида туғилиб, ўт ичида яшайдиган афсонавий маҳлуқ. 11. Шароф Рашидов романи. 12. Қизларнинг исми. 13. Узум ва шунга ўхшаш меваларни ачитиш йўли билан тайёрланадиган ўткир ҳидли суюқлик. 15. Ғазнавийлар даврида Балхда яшаб ижод этган шоира. 18. Кўчанинг бурилиш жойи. 21. Шеърият жанрларидан бири. 22. Одиллик, ҳақиқатпарварлик. 23. Сарғайиб тўкилган барглар. 24. Ўрта Осиё ўрнидаги қадимги мамлакат. 26. Хизмат билан ёки саёҳат мақсадида бирон ерга бориш. 27. Руминия марказидаги шаҳар. 29. Бирор гап ёки текстга берилган мукаммал изоҳ. 30. Бир тилдан иккинчи тилга оғзаки таржима қилувчи. 31. Отнинг эгар-жабдуғига оид абзал. 34. Турар жой, манзил. 36. Мевали дарахт. 37. Ҳарбий хизматчи. 38. Катта сунъий сув ҳавзаси. 41. Улуғ ўзбек астрономи. 42. Машҳур ўзбек шоираси.

Тузувчи: **Меҳри МУҲАМЕДОВА**

### 4-СОНДА ЧИҚҚАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

**Энига:** 1. Гумбаз. 4. Европа. 8. «Муҳаббатнома». 12. Иншо. 13. Асалари. 14. Кама. 17. Саноат. 18. «Она». 19. Кунжут. 22. Исмалоқ. 23. «Муқанна». 27. «Бузрук». 28. Чой. 29. Комета. 32. Адир. 33. Февраль. 34. Сато. 37. Космонавтика. 38. Устюрт. 39. Ананас.

**Бўйига:** 2. Меҳр. 3. Асбест. 5. Венера. 6. Олма. 7. Дарлинг. 8. Машинасозлик. 9. Минск. 10. Вайжантемала. 11. Каштa. 15. Кадамуш. 16. Кубасов. 20. Шош. 21. Куз. 24. Обкаш. 25. Бодринг. 26. Палов. 30. Меъмор. 31. «Ялавон». 35. Торт. 36. Жиян.

### МУҚОВАДА

**Биринчи бет:** Улуғ Ватан уруши ҳамда 1939 йилги Халхингол жанги иштирокчиси, меҳнат ветерани АҲРОР ҚАҲҲОРОВ.

Н. ШАРИПОВ фотоси

**Тўртинчи бет: ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА.**

1. Лайлак келди, ёз бўлди. 2. Анаконда — улкан илон. 3. Улжасига ошиқаётган шер. 4. Жайрон. 5. Мана бу қушча какку жўжасини ўз полопоним деб парвариш қилади:

Н. МУҲАММАДЖОНОВ, М. ШТЕЙНБАХ ва Н. ШАРИПОВ фотолари


Бош редактор **МИРМУҲСИН**

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МУЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ (масъул секретарь), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ, Исліддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

**«Гулистон»— ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).**

**Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.**

**Редакция телефонлари: бош редактор —33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлими — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 32-58-32.**

Босмахонага туширилди: 22.03.82 й. Босишга рухсат этилди 26.04.82 й. Р — 07194. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 259610. Буюртма 3017. Нашр М-107.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП. «Правда Востока» кўчаси, 26.

Эртакдаги манзара.

А. ЗУЕВ фотоси

ISSN 0134—2207

Баҳоси 35 тийин

Индекс 75233.